





**АБДУРАҲМОН КАРИМОВ**  
**АБДУҚАЮМ ЙЎЛДОШЕВ**

# ҚАРО ҚЎЗИМ

*ФАНТАСТИК ҚИССАЛАР ВА  
ҲИКОЯЛАР*

Тошкент  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти  
1990

Каримов А. Йўлдошев А.  
К 25 Қаро кузим. Шейх Ур—раис: Фантастик қиссалар  
ва ҳикоялар/ Т. «Ёш гвардия», 1990.— 128 б.

Инсоний туйғулар, мусаффо муҳаббат муаммоси ҳар қандай шароитларда ҳам ўзининг бокиралигини, эзгулигини йўқотмайди. Авлоддан авлодга ўтувчи маънавий бойликлар инсон қалбини чинакамига тозартирувчи, одамларни бир-бирига яқинлаштирувчи муҳим омиллардан биридир.

Фантастика жанрида ижод қилаётган ёш носирлар Абдурахмон Каримовнинг «Қаро кўзим», «Аллома Иблнинг хатоси» қиссалари ҳамда Абдуқайом Йўлдошевнинг ҳикоялари ана шу мавзуларга бағишланган. Ҳар иккала ёш ижодкор асарларидан тузилган илк тўплам Сизга ҳам манзур бўлади деб ўйлаймиз, мухтарам ўқувчи!

**Каримов А. Черноокая. Юлдашев А. Шейх. Ур—**  
раис: Фантастические повести и рассказы.


Ўз 2

4702570200—64  
К  $\frac{\quad}{356(04)—90}$  57—90

ISBN № 5—633—00441—8

© А. Каримов, А. Йўлдошев, 1990.

АБДУРАҲМОН ҚАРИМОВ



ҚАРО ҚЎЗИМ

# Қ И С С А Л А Р

## ҚАРО КҰЗИМ

### 1

Ұқитувчилар хонасининг деразалари ланг очиқ. Ҳавода яқинлашиб келаётган ёзнинг қайноқ нафаси сезилади. Хонага адашиб кириб қолган асалари дам-бадам гингиллаб учиб-қўнади. Девордармиён синфда дарс ўтаётган муаллимнинг товуши элас-элас қулоққа чалинади. Хона ўртасидаги стол устида аллақандай дафтарлар, газета-журналлар сочилиб ётибди.

Стол ёнида тумтайибгина ўтирган қиз йигит томонга ўғринча назар ташлади: йигит дераза олдида ташқарига паришон тикилиб турарди.

— Наҳотки сизни шунчалик хафа қилган бўлсам? — деди йигит ташқаридан нигоҳини узмай. — Ҳай, майли, бундан кейин сизга умуман гапирмайман.

— Мен умуман гапиринг ёки гапирманг, деяётганим йўқ-ку, — дея сал юмшаброқ сўзлади қиз. — Ҳадеб менинг суратимни чизаверасизми?

— Суратингизни чизсам нима қилибди? — йигит ҳайрон бўлиб елкасини қисди.

— Нима қилибдимиз? — қиз қайтадан алангалана бошлади. — Одамлар ўртасида гап-сўз бўлишни хоҳламайман! Билдингизми?!

Йигит индамади.

— Қачон бўлса менга тикилганингиз-тикилган! Худди бу ерда мендан бошқа одам йўқдек қарайверасиз!

— Хўп, энди қарамайман!

— Неча марта шундай деб ваъда бергансиз? Уч йилдан бери ахвол шу! Жонимга тегиб кетди!

Йигит у томонга кескин ўгирилди-да, яқинроқ келиб:

— Шаҳло!.. Майли, сиз ҳақсиз. Майли, ҳаммасига мен айбдор... Фақат, битта саволимга очиқ жавоб беринг-чи, мени ёқтирасизми?! — деди.

— Нима?.. Нима деганийиз бу! — Қиз сапчиб ўрнидан турди.. — Мабодо иситмайиз йўқми?!

— Бор иситмам — иситмам бўлмаса шунақа дермидим, — дея бўшашибгина жавоб берди у. — Худо ҳақи, кечиринг! Очигини айтсам, нимагадир, баъзи пайтларда менга мойиллигингиз бордек туюларди. Де-

мак, янглишибман. Лекин сизни жуда яхши кўраман! Шунинг учун уялиб-уялиб қарашларингизни мен галваре муҳаббатга йўйибман... — У бир зум тин олди. Сўнг жаҳл билан қўл силтади-да, гапини яқунлади: — Модомики, мени ёқтирмас экансиз — ташвишланманг, энди безовта қилмайман сизни. Тикилиб ҳам қарамайман, суратингизни ҳам чизмайман. Менга ишонсангиз бўлади!.. — Йигит шитоб билан юриб хонадан чиқиб кетди.

— Аваз ака!.. — Қиз унинг ортидан талпинганича қолди.

Аваз нима қиларини билмай ҳовлини пича айланди. Кейин стадион томонга ўтди. Бир четдаги ўриндиққа бориб ўтирди. У ўзини жуда бачкана иш қилиб қўйгандек, қилган ишининг бачканалигини тўсатдан пайқаб қолгандек ҳис этаётган эди. Аламдан ич-этини еркан, «Ўл, шу кунингдан, нотавон!» деди ичида заҳарҳанда қилиб. «Аҳмоқ! Бефаросат! Хаёлпараст ошиқ! Ўзиям маймундек ўйнатди-ку! Ё тавба, одам деганиям шунчалик латта, ландовур бўладими!»

Сирасини айтганда, бунчалар жиғибийрон бўлиш учун тузукроқ сабаб ҳам йўқ эди: у аксарият кишиларда бўладигани каби юз берган машмашанинг фақат салбий томонларини эслар, ҳаяжонланиб кетганидан ўзича нотўғри деб ҳисобланган хатти-ҳаракатларини, сўзларини ошириб-тошириб қайта идрок қилаётган эди, холос. Айниқса, хонадан чиқиб кетаётган пайти қизга айтган гаплари учун ўзини кечира олмас ва қайсарлик билан, бу бориб турган ожизликнинг ўзгинаси, деб койингани койинган эди. Назарида, энди қиз унинг устидан кулиб юрадигандек, бўлиб ўтган гапларни бошқаларга ёядигандек.

У одамлар ўртасида кулги бўлишдан қўрқарди. Одамларнинг: «Оббо бечора ошиғ-эй», дея бир-бирларига имо қилишларини тасаввур этаркан, баданида аллақандай ҳашорат ўрмалаётгандек беҳузур бўларди. Шунинг учун ҳам қизга бирор огиз ширин сўз айтишдан ўзини тийиб юрарди.

Аваз стадионни бошига кўтариб футбол ўйнаётган болаларни томоша қиларкан, юрагидаги галаён аста-секин сўнди. Қўнғироқ товуши янграгач, хўрсинганча ўрнидан турди: «Бу мактабдан кетишга тўғри келди».

Ўқитувчилар хонасига кириб борганида Шахло ду-

гонаси билан кулишиб, нима ҳақдадир баҳслашиб ўтирарди. Авазга қайрилиб ҳам қарамади.

У синф журналини, конспект дафтарини, чизма чизилган ўрам қоғозни олди-да, «кириш»га қўнғироқ чалинишини ҳам кутмай, ўқитувчилар хонасини тарк этди...

Синфхонага кирди. Болалар дув этиб ўрниларидан туришди. Муаллим қўлидаги нарсаларни столга қўйди. Сўнг сокин оҳангда:

— Салом ўқувчилар! — деди.

— Ассалому алайкум!

Шу пайт муаллимнинг синфдалигидан беҳабар бир неча ўқувчи чопқиллаб киришдию остонада эсанкираб тўхтаб қолишди.

— Қани, ўтиринглар, — деди у. Сўнг эшик олдида турганларга қаради: — Сизлар ҳам ўтиринглар... Бугун ким навбатчи?

Новчагина бола ўрnidан турди.

— Доскани артгин-да, дарсга келмаган болаларнинг рўйхатини ёзиб бер. Демак, гап бундай: мана, ўқув йилимиз ҳам тугаб қолди. Шу билан чизмачилик сабоқларини тамомлаймиз. Ҳалима! — У ўрта қаторда ўтирган жингалак сочли қизга мурожаат қилди. — Альбомни ёпгин-да, гапимга қулоқ сол. Вазифани уйда бажармадингми — бас, бу ерда чизишингдан фойда йўқ!.. Сизлар билан йил давомида асосан кесимлар, қирқимлар, йигиш чизмалари тўғрисида гаплашдик. Негаки, илгари ҳам айтганимдек, шу дарслар техникавий чизмачиликнинг ўзаги ҳисобланади. Бугунги дарсимиз техникавий чизмачиликнинг қисман давоми, қисман қурилиш чизмачилиги ҳақидадир. Қурилиш чизмачилиги... — Қимдир эшикни чертди. У гапи бўлинганидан норозиланиб, охири партада ўтирган болага: — Комил, қара-чи! — деди. Сўнг гапида давом этди. — Ўз номидан ҳам кўриниб турибдики, одамлар яшайдиган, ишлайдиган иморатларнинг чизмалари...

— Муаллим, сизни Шаҳло опа чақиряптилар.

Юраги орзиқди. Бир-икки сония каловланиб турди. Парталар оралигидан эшик томон юраркан, хаёлида гандираклаб қадам ташлаётгандек, парталарга турти-ниб кетаётгандек бўларди. Юрагининг безовта типирчилаши яна нафратини қўзғатди. У эшик дастасини жаҳл билан қисмладию қиёфасига лоқайдлик тусини беришга уринди. Иродаси устун келди — қизга рўпара бўлга-



нида юраги ортиқ типирчиламай қўйган эди. Совуқ назар билан қизга қаради.

— Замдиректор чақиряпти, — деди қиз қуруққина қилиб ва ўгирилиб кета бошлади. Йўлакнинг охирида йигит томонга қаради. Аваз бу лаҳзада синфхона эшигини очаётган эди.

У доска олдига бориб янги сабоқни тушунтиришда давом этди. Лекин фикрлари пароканда бўлиб кетган эди. Ҳарчанд уринмасин диққатини бир ерга тўплай олмади. Директор ўринбосари ҳузурига бориши лозимлиги мутлақо ёдидан кўтарилди. Бир амаллаб сабоқни яқунлади. Сўнг чизма чизилган қоғозни ёйиб, доскага ёпиштириб қўйди-да, стулга ўтириб, синф журналидан дарсига тааллуқли бетни очди. Паришон бир аҳволда ўтилган темани ёздию уйга берилган вазифани кимдан сўрасам экан, деган ўйда ўқувчилар рўйхатига кўз югуртирди.

Ногаҳон ёзув столи билинар-билинемас гичиллай бошлади. Шундоққина қаршисида ўтирган қиз:

— Муаллим, ер қимирлаяпти, — деди қўрқибгина.

Аваз унинг нима деганини дафъатан тушунмади. Қиз гапини яна такрорладую деворлар силкиниб, деразалар безгак тутгандек дириллашга тушди. Бурчакдаги жавон икки-уч тебранди-да, полга қулади. Ойнанинг жаранглаб синиши, ўтақаси ёрилган ўқувчиларнинг қичқириви синфни тутиб кетди. Чаққонроқ ўғил болалар ўзларини эшикка урдилар. Девордан кўчган сувоқ парчаси столга тарақлаб тушди. Аваз сапчиб ўрнидан турди-да, бор овозда бақириб юборди:

— Жим бўл, ҳамманг!

Болалар бир зум донг қотишди.

— Ваҳима қилма! — дея яна бақирди у. Бироқ тобора кучаяётган силкинишдан ўзининг юрагига гулгула тушаётган эди. — Ҳовлиқмасдан чиқинглар синфдан! Ҳовлиқмасдан чиқ деяпман! — Орқадан гурсиллаган товуш эшитилди. У ортига ўгриларкан, кайфи учиб кетди: доска қийшайиб ётар, девор тарс ёрилиб, ёригидан боғнинг бир чети — шигил ҳосилга кирган эртапишар ўрик дарахти шундоққина кўриниб турарди.

— Али, Неъмат! Деразаларни очинглар!.. Деразадан сакра!.. Деразадан сакрасанг-чи, галварс!..

Ниҳоят, синфхона бўшади. Зилзила аста-секин тўхтади. Аваз эса синфни тарк этиш ўрнига ишлаб-ишлаб чарчаган одамдек стулга ҳорғин ўтирди. Терлаб

кетган бўйнини даструмоли билан артди. Бутун борлиқ сўнгги йўқ сукунат ичига чўмгандек эди. У уч-тўрт дақиқа шу алпозда ўтирди. Кейин эринибгина ўрнидан кўзгалди: журнални силкитиб чангини қокди, дафтарларини йиғиштирди, шошилмай йўлакка чиқди. Дафъатан йиғи товуши қулоғига чалиниб, юришдан тўхтади ва овоз келган томонни тусмоллаб, йўлак охиридаги синфхонага кирди. Бурчакда бир қизча йиғлаб ўтирарди. У муаллимни кўриб қаттиқроқ йиғлашга тушди.

— Йиғлама, зилзила тўхтади-ку, нимасидан кўрқасан! — деди Аваз кўлидагиларни партага кўйиб. — Қани юр, кетдик.

Аваз қизчани етаклаганча ҳовлига чиққан маҳали бу ерда тўпланган оломоннинг ўзаро ҳангомаси айни авжида эди. Ҳамманинг оғзида зилзила тафсилоти.

Тасодифанми, атайинми унга биринчи бўлиб Шаҳлонинг кўзи тушди. Ҳалигина қаҳр-ла боққан шаҳло кўзларда ҳозир шунчалар меҳр балқирдики, Аваз ҳайратдан лол бўлиб қолди. Ширин бир ҳаяжон, ширин бир изтиробдан борлиғи ларзага тушди. Юраги орзиқиб кетди.

Шафқатсиз тақдир эса ўзининг одатий қалтис ўйинини бошламоқда эди: Шаҳлонинг хумор кўзлари сеҳрлаган Аваз иккинчи қайта замин силкинганини пайқамади. Печка мўрисининг ёмғир ювавериби зўрға илиниб турган битта ғишти ўрнидан кўчиби шиферда сирғана-сирғана томнинг лабига яқинлашиб келарди... Қимдир қичқариб юборди, Шаҳло даҳшатдан тахтадек қотиб қолди... Аваз бошига тушган мислсиз зарбдан ток ургандек бир сапчиб тушди-ю, қуёш нурлари оби-тобида қиздирган асфальтга секингина йиқилди.

## II

Аваз аллақандай хаёлий турткидан ўзига келиб, оҳиста кўзини очди. Нимқоронғи хона секин-секин ёриша бошлади. Унинг мияси карахт эди; тепасини қоплаб турган шиша қалпоқнинг кўтарилаётганини ҳам, тобора сутдек оқаришиб бораётган гумбазсимон шифтли хонани ҳам деярли идрок қилолмади. Шу тарзда анча ётди. Кейин кўз ўнгида кўм-кўк осмон намоён бўлди. Сўнг ана шу кўм-кўк осмонни жаранглатиб қудратли бир товуш янгради: қур-р-р, қур-р-эй,

қур-р-р.. Бу товуш уфқдаги тоғларни ҳам жаранглатиб юборди. Аваз яшил майсаларга бурканган дашт ўртасида ётганини пайқади. Уч-тўрт қадам нарида шарқираб сой оқарди. Ҳамма нарсанинг; оёғи остидаги тупроқнинг, тошларнинг, майсаларнинг, олисдаги тоғларнинг ранги жуда-жуда тиниқ эди. Борлиқ сирли ва улуғвор эди. Осмонда опшоқ турналар аргамчи солиб учишарди: қур-р-р, қур-р-эй, қур-р-р... Шу пайт музқаймоқ еяётган қандайдир қизча кўз ўнгида жонланди. Қизчанинг жажжигина бармоқчалари шира эди; тотли-тотли таомдан ҳузурланаётгани юзидан шундоққина билиниб турарди. Сал ўтгач, қизча ҳам хотира кўзгусидан ўчиб, бошқа бир манзара намоён бўлди... Шу тариқа турли вақтларда юз берган воқеаларни, кўрган-эшитганларини бирин-кетин эслай бошлади. Бу хотиралар унинг ихтиёридан ташқарида ғайриоддий тарзда жонланар, узук-юлуқ кинолентасидек лип-лип этиб кўз ўнгида ўтарди. Ниҳоят, Шахло билан уришиб қолганини, зилзилани, қизчани етаклаб ҳовлига чиққанини ва бошига урилган қандайдир зарбдан хушсиз бўлиб йиқилганини хаёлидан ўтказди. Шуниси қизиқки, у ўша кунги воқеаларни тушида кўргандек эди. Бу туш ўта аниқлиги, воқеаларнинг энг майда тафсилотларигача такрорлангани билан уни таажжубга солди: кўнглида шубҳа туғилди, лекин нима учун шубҳа туғилганини тасаввур қилолмади. Сал ўтмай хаёли Шахло билан боғлиқ хотираларга оғиб, тушни ҳам, унинг ғалатилигини ҳам унутдию кўз ўнгида ҳадеб ўқитувчилар хонаси, қиз билан бўлган можоролар жонланаверди: у дам қизнинг ўзига тумтайиб қараб турганини, дам жаҳли чиқиб ўрнидан туриб кетганини, дам хонадан чиқар маҳали ортидан, «Аваз ака!» дея чақирганини эслар ва ўша лаҳзаларда илғай олмаган муҳим деталлар, сўзлар, товуш оҳанглари бўртиб, бошқача маъно касб этарди. Масалан, «бундан буён сизни ҳеч безовта қилмайман», дея онт ичаётганида қиз тўсатдан безовталаниб қолганини, кўзлари алланечук жовдираб кетганини аниқ-тиниқ тасаввур этди. Бундан ташқари, «Аваз ака!» деб чақирганда қизнинг овози титраброқ чиққанини ҳам фаҳмлади. У пастки лабини қаттиқ тишлаганча: «Асло омади йўқ одамсан-да, оғайни. Тағин бу киши ўзини одамларнинг юз тузилишига қараб характерини айтиб бера оладиган психолог ҳисоблайди. Мана, биттасининг дилидагини аниқла-

динг». Шошма, балки янглишаётгандирман: ахир, ёқтирасизми, деб сўраганимда жаҳли чиқиб кетдику. Балки уни севганим учун, у ҳам мени севишини жуда-жуда истагиним учун шундай туюлгандир? Ортимдан... раҳми келганидан чақирган бўлса-чи?.. Нима бўлганда ҳам мактабда номим чиққани қолди».

Ҳовлига чиқар пайтида қизнинг ўзига меҳр билан тикилганини эсларкан, яна иккиланди: «Ҳар ҳолда у мени ёқтирса керак», деб ўйлади, шу фикрга жон-жон деб ишонгиси келди.

Шу пайт ғойибдан аёл кишининг мулойим овози эшитилдию хаёллари тўзғиб кетди.

— Муҳтарам Авазбек, девордаги жавонда кийимларингиз бор: марҳамат қилиб кийинсангиз!

Ҳайрон бўлган йигит аста ўрнидан турди, яланғочлигини кўриб, ўзини жуда ноқулай ҳис этди. Рўпарасидаги деворда яширин жавон эшиги очилди. Кийиниб бўлгач, мадорсизланиб яна каравотга ўтирди. Мадорсизлигини ҳис қиларкан, бошига урилган зарб ҳақида ўйлади. Беихтиёр бошини пайпаслаб кўрди. Лекин ҳеч қандай жароҳат изини топа олмади ва ҳушидан кетганидан сўнг, ҳалиги тушни кўрмасидан олдин, қаердadir қисқа муддатга ўзига келгани ёдига тушди. Ўшанда қанақадир суюқ муҳитда муаллақ турарди. Бурнига уланган эластик найча орқали нафас оларди. Қимирлаб кетганини, бошини деворга уриб олганини, деворнинг юмшоқлигини эсларкан, тепасидаги шиша қалпоққа, ғалати тузилишли хонага ҳайратланиб қарай бошлади.

Аваз қаердалигини тасаввур қилишга қанча уринмасин, ҳеч нимага ақли етмай ташқарига чиқиладиган эшикни қидира бошлади. Лекин хонани бир айланиб чиқса ҳамки ҳалиги жавон эшигидан бўлак ҳеч қандай тирқишни топа олмади. Гумбазсимон шифтдан таралаётган оппоқ ёғду, қулоқни шанғиллатгудек ўткир сукунат асабларини қитиқлаб ғашига тегаётган эди. Унинг юраги сиқилиб кетди. Чуқур уф тортди. Юмюмалоқ хонанинг силлиқ деворига аланглаб қараркан, бир оз хавотирга ҳам тушди, фақат боя эшитгани — аёл кишининг мулойим товуши хотиржамликка ундарди...

Бир пайт хона девори ҳаракатланаётганини кўриб, кўнгли таскин топди. Девор икки томонга ажралиб, эшик очилдию узун йўлак, йўлакдан ўзи томон келаётган сарвқомат бир қиз кўринди. Қизнинг эгнидаги харир оқ либос ҳар қадам ташлаганда ҳилпирар, бада-

нига ёпишиб, келишган гўзал бастини кўз-кўз қиларди. Авазнинг назарида, у самовий фариштага ўхшарди.

«Самовий фаришта» хонага кириб, йигит рўпарасида тўхтади.

— Саломатмисиз, мухтарам дўстим! Сизга бахт ва иқбол ёр бўлсин!

— С-салом, — деди йигит тутилиб. Боя у ўзини қаердалигини тасаввур қила олмаган бўлса-да, ҳарҳолда, энг янги медицина техникаси билан жиҳозланган бирорта шифохонада бўлсам керак, деб ўйлаган эди. Қаравот тепасидаги шиша қалпоқ ҳам сирасини айтганда, уни деярли ажаблантирмади. Зеро, шу хилдаги мосламалар, даволаш камералари ҳақида унча-мунча ўқиган, илмий журналларда уларнинг суратини ҳам кўрган эди. Хонанинг тузилишини ҳам ғайритабиий деб бўлмасди. Аммо мана бу қизнинг яшил сочлари?.. Қизнинг нозик елкаларида чиройли бўлиб тўзғиб турган сочлари тўқ яшил рангда эди. Агар сал эътибор берилса, оппоққина бадани ҳам хиёл яшиликка мойиллигини пайқаш мумкин. Қолаверса, қизнинг нимасидир жуда ғалати туюларди.

— Кечирасиз, сиз шу ерда ишлайсизми? — деб ботинмайгина сўради у қиздан.

— Ҳа, — деб жавоб берди қиз майин жилмайиб.

— Айтолмайсизми, мен қаердаман ўзи?

— Касалхонада. Ташвишланманг, ҳозир анча дурустсиз, фақат яна бир оз даволанишингиз лозим. Марҳамат қилиб, ортимдан юрсангиз! — Қиз шундай деб хонадан чиқди. Улар йўлакдан бориб, тўрт бурчак шаклидаги росмана хонага киришди. Қиз уни ўриндиққа таклиф этди. Ўзи унинг рўпарасига ўтирди.

— Мана энди танишсак бўлар, мухтарам дўстим.

— Ҳа, ўзим ҳам шуни ўйлаб турувдим. Сиз врачмисиз? Кечирасиз, исмингиз нима?

— Асрона.

— Асрона?.. Ҳеч эшитмаганман бунақа исми. Меники — Аваз.

— Таржимаи ҳолингиз бизга деярли маълум, — деди қиз кулимсираб.

— Ҳа-я, — дея йигит хижолатомуз илжайди. — Ахир ҳар бир беморнинг «Касаллик тарихи» бўлади-ку. Аммо бир нарсага ҳеч ақлим етмаяпти, бу ер қанақа касалхона? Мени кечиринг-у, нимагадир сизни врачга ўхшата олмаяпман.

— Нега энди?! — Қизнинг кўзлари катта-катта очилди.

— Ҳар нечук, мен тасаввур қилиб ўрганган врачларга ўхшамайсиз.

— Сизнингча, улар қанақа бўлиши керак? — деб сўради қиз таажжубланганини яширмай.

Аваз нима дейишини билмай қолди. Сўнг шунчаки ҳазилга олиб:

— Билишимча, улар оппоқ халат кийишади, ҳамisha бўйинларида фонендоскоп осиглик бўлади, — деди.

Қиз кулиб юборди. Қулганида унинг чиройи янада очилиб кетаркан. Аваз энди нимадан гап очишни билмай жим қолди — қаердалигини яна сўрашга истиҳола қилди. Зеро, қизнинг ўзини тутишидан ҳозир очик жавоб бермаслиги сезилиб турарди. Афтидан, қиз ҳам йигитга нималарнидир айтмоқчи бўлар, лекин айтмоқчи бўлган гаплари унга қандай таъсир қилишини билолмай иккиланаётган эди. Қизнинг ҳолатини пайқаган Аваз унинг оғзини пойлашга қарор қилди.

Алқисса, қиз хийла узоқ чўзилган жимликни биринчи бўлиб бузди.

— Мухтарам Авазбек, сиз нима деб ўйлайсиз... Мен электромагнит тўлқинлари ёрдамида ўзга сайёраларга саёҳат қилиш эҳтимоли ҳақида сўрамоқчийдим. Сиз шунга ишонасизми?

Боядан бери асаблари таранглашиб ўтирган Авазнинг миясида эҳтиёткорлик билан берилган ҳозирги савол момақалди роқдек гумбурлаб кетди. Қаршисида ўтирган яшил сочли қиз, гумбазсимон шифтли хона, шиша қалпоқ, суюқ муҳитли қоқ-қоронғу камера, электромагнит тўлқинлари ёрдамида саёҳат... Буларнинг ҳаммаси миясининг ҳужайраларида санғиб юрар ва тасаввур кўзгусида дам кўриниб, дам ғойиб бўларди-ю, лекин уларни битта мантиқ ипига тизиб аниқ бир хулоса чиқаришга қурби етмасди. У фақат битта нарсани, ҳаётида жиддий ўзгариш юз бераётганини англаган эди, холос.

Қиз ундаги ўзгаришларни сабр билан кузатиб ўтирди-да, гапида давом этди.

— Сезиб турибман, саволим сизга ғалати туюлди. Албатта, саволнинг мазмуни эмас, балки уни тўсатдан берганим сизни ҳайратга соляпти. Негаки, сиз электромагнит тўлқинлари ёрдамида инсоннинг Ердан иккинчи «Ер»га саёҳат қила олиш имконияти, ўзга сайёра-

ларда ривожланган тараққиёт мавжудлиги ва умуман коинотнинг тузилиши тўғрисида анчагина билимга эгаллигини биламиз. Хуллас, сизга очиқ ҳақиқатни айтсам бўлади шекилли, сиз иродали эраксиз, шундай эмасми?

— Қулоғим сизда, — деди Аваз ўзига қаттиқ тикилиб турган қизнинг нигоҳига базўр бардош бериб.

— Муҳтарам Авазбек, гап шундаки, сиз икки кун муқаддам, ер қимирлаш чоғида, бошингизга тушган гишт зарбидан ҳалок бўлган эдингиз. Сизни эртаси куни дафн этишди. Сиз Ердагилар учун энди марҳумсиз, лекин ҳамма нарсадан маҳрум бўлганингиз йўқ ҳали. Мана, Ердан мингларча ёруғлик йили узоқлигида жойлашган Яшил сайёрада кўзингизни очдингиз. Биз сизни даволадик: бош миянгидаги лат еган хужайралар ўз фаолиятини тиклади. Сизнинг устингизда ўтказилган тажрибамиз ижобий яқунланди. — Қиз ўрнидан туриб девордаги яширин тугмани босди. Девор сурилиб каттакон дераза очилди: Авазнинг кўз ўнгида биллурдек жилваланаётган тиниқ осмон, олисдаги ясси тоғларга туташиб кетган қалин ўрмонзор, кумушдек ярқираб оқаётган дарё, хуллас, афсонавий дунё намоён бўлди.

Воқеа ва ҳодисаларнинг ўта ғайритабиийлиги ҳаммада ҳам бирдек таассурот уйғотавермайди. Айтайлик, Авазнинг ўрнида бирорта нодонроқ одам бўлса тайсаллаб қоларди. Бироқ, бизнинг қаҳрамонимизнинг ҳиссий дунёси ўта нозик ва зиддиятли эди. У яшаш мазмунини ҳамиша гўзалликдан излаб келган. Кейинги йилларда эса гўзаллик Шахло тимсолида ўзини намоён қила бошлади. Шунинг учун Аваз қаршисидаги манзарага норозиланиб қараб турарди: яшил сайёраликлар бирорта ишбилармон ёки фаннинг бирор соҳасини пухта эгаллаган талантли олим одамни эмас, ҳаётини муҳаббатга бағишлаган савдойроқ рассомни нега тирилтиргани билан унча қизиқмасди. Шундай ҳолларда бўладигани каби хаёлан ўтган умрига назар ташлади. Дадасининг айтишича, у чақалоқлигида жуда кўп касалланган экан. Бир сафар тўшакдан туролмай узоқ ётибди. Ўша бетобликлари сабабли нимжонроқ бўлиб ўсган. У дадасининг кўрмай-кўрмай етишган бош ўгли бўлгани учун еру кўкка ишонмасди. Салгина бўлса-да, оғир меҳнатдан авайлашарди. Ёзги таътил бошланганида унинг тенгқурлари даланинг тупроқ йўллари чангитиб уйларига эшакда ўт ташишар, колхоз далаларига

чиқиб отаси ё акасига қарашиб юришарди. У эса узундан узоқ саратон кунларини салқин уйда мук тушганча китоб ўқиш билан ўтказарди. Буларнинг оқибатида у хаёлпарастроқ бўлиб қолган эди. Хаёлчанлик ўсмирлик чоғида ҳам уни тарк этмади. Натижада ҳаёт йўлида кўпларнинг турткилашига, мазахига рўпара бўлди. Тўққизинчи синфда ўқиб юрган пайтида илк бор муҳаббат дардига йўлиқаркан, яна шу хаёлпарастлиги ва ўқиган китобларидаги романтик кайфият билан ҳаёт воқеалигини аралаштириб юбориши туфайли содда, самимий севгиси масхаралар бўронида чирпирак бўлиб кетди. Тўғри, синфдошлари уни очиққўнғиллиги учун яхши кўришарди, сермулоҳазалиги учун ҳурмат қилишарди, лекин ўрни келганда мазах қилишдан ҳам ўзларини тия олмасдилар.

Мактабни битиргач, Тошкентга ўқишга кетди. Беш йил ўқиди. Мустақил яшаб, ҳаёт мактабининг сабоқларини ўрганди. Унинг ақл-ҳушини ўғирлаган гўзал синфдоши эса ўз тенгини топиб турмушга чиқиб кетди. Институтда ўқиб юрган кезларида табиатан нозиктаъб бўлганлиги сабаблими бирон қизга кўнғил қўймади, яъни то Шаҳлони учратгунча ҳаёти ишқий саргузаштларсиз ўтди.

Шаҳлони учратганда у етуклик ёшида эди. Энди муҳаббат нималигини дурустгина тушунар, уни юрак тубида асраш кераклигини ҳам билар эди. Уч йил мобайнида Шаҳло исмли маликани севди. Бу қиз на уни ўзига яқинлаштирди, на мутлақо узоқлашиб кетишига йўл қўйди. У сабр-тоқат билан бир куни қизнинг муҳаббатига эришарман деган умидда яшади.

Ҳозир шуни аниқ-тиниқ билар эдики, агар бошига гишт тушиб ҳалок бўлмаганда, у ҳеч қачон мактабдан кетмасди, зеро, мактаб ҳовлисига чиқадиган эшик остонасига қадам қўйган дамда қизнинг ўзига меҳр билан тикилган шаҳло кўзлари уни ҳеч қаерга қўйиб юбормасди. Афсуски, уларнинг йўли азалдан айри тушган экан.

Аваз секин ўрнидан туриб дераза олдига борди. Ташқарини бир оз томоша қилгач, қизга ўгирилиб кулимсиради.

— Шундай қилиб, қайта тирилгансан, денг. Эскичасига айтганда, жаннатнинг ўзгинаси, фақат фаришталар кўринмайди.

— Нега энди, фаришталар бор, — деди қиз ним



табассум билан ва йигитнинг ёнига келиб, елкама-елка турди. — Хув ана, пастликка бир қаранг-а!

Афтидан, улар турган бино тепалик устига қурилган эди. Қиз кўрсатган томондан одамсимон қуш елкасидаги бир жуфт қанотини вазмин силкитганча учиб келарди. Аваз қизга саволомуз қаради.

— Унинг елкасига сунъий қанотлар ўрнатилган, — дея изох берди қиз. У гапирган пайти елкасига хиёл тегиб кетди. Авазнинг бадани жимирлаб, қизга кўз қирини ташлади. Ажабки, қиз ҳам ана шу арзимас «контакт»га беэътибор қолмаган эди.

— Бизнинг энг қулай, энг оммавий ҳаракат мосламамиз, — деди қиз билинар-билинемас ҳаяжонли товушда. — Уни бошқариш осон. Киши худди қушдек эркин парвоз қилади.

— Қушга ўхшаб учиб жуда ҳам кўнгилли бўлса керак-а?

— Ҳа, албатта, одам учганда ҳамини бошқача ҳисуйғуни бошидан кечиради.

Аваз ҳориганини ҳис қилиб, ўриндиққа ўтирди.

— Менга сайёрангиз тўғрисида гапириб берсангиз, Асрона. Чамамда, қиладиган бошқа ишимиз йўқ, шекилли.

— Ҳозирча йўқ. Бир оздан кейин ухлашингиз керак. Ҳали заифроқсиз, шунинг учун ҳам тез чарчаб қоляпсиз. Сайёрамиз ҳақида эса кейинчалик батафсил билиб оласиз. Ҳозир... ҳозирча нима дейишим мумкин... — Қиз елкасини қисиб қўйди. — Сайёрамиз катталиги жиҳатидан ҳам, табиати жиҳатидан ҳам Ерга ўхшаброқ кетади. Ўн миллион атрофида аҳолиси бор.

— Мени бир нарса ҳайрон қолдирапти; сочингизнинг яшиллиги, баданингизнинг ҳам салгина яшилтоб-лигини айтмаса, Ер қизидан ҳеч фарқингиз йўқ, булардан ташқари, мен билан ўзбек тилида гаплашяпсиз. Буни қандай тушуниш керак?

— Оддийгина, — деди қиз жилмайиб. — Бизлар ҳам асли ерликмиз-да!

— Қанақасига?!

— Биласизми, сизнинг хотирангиз тикланаётган дамларда телепатик аппарат ёрдамида тасаввурингиздаги маълумотларни бир неча бор ўқиганман. Хотирангиздан шуни аниқладимки, сиз қадим замонларда номаълум сабаб туфайли ҳалокатга учраган Атлантида давлати тўғрисида унча-мунча билар экансиз. Биз ўша

Атлантида давлати фуқароларининг авлодларимиз. Энди тил хусусига келсак, сайёрангизда яшовчи барча маданиятли халқларнинг тили, маданий бойлиги тўғрисида етарлича маълумот тўплаганмиз. Сиз билан мулоқот қилишимиз осон бўлсин учун мен ва устозим мухтарам Бэни иккимиз тилингизни ўрганишга қарор қилдик. Сиз эса то атлант тилини ўргангунингизча бошқалар билан таржима аппарати ёрдамида алоқада бўласиз.

— Бу ёғи жуда қизиқ бўлди-ку! Қанақа фалокат юз берган ўзи? Кейин, бу сайёрага қандай қилиб келиб қолгансизлар?

— Бу узундан узоқ фожиали тарих. Вақти келиб ҳаммасини билиб оласиз. Ҳозир эса ухлашингиз керак.

Аваз уйқудан бирмунча тиниқиб уйғонди. Руҳи ҳам хийла тетиклашган, кечаги нохушликлар ҳам анчагина нутилган эди. У деразадан кўришиб турган осмон парчасига тикилганча пича ётди. Сўнг оҳиста хўрсиниб ўрнидан турди. «Эҳ, Шаҳложон, Шаҳложон. Шундай қилиб, Аваздан ҳам қутулдинг. Энди Аваз сенга бағишлаб шеърлар ёзмас. Педсоветларда яширинча суратингни чизиб жонингга ҳам тегмас... Балки шундай бўлгани ҳам маъқулдир?! Ҳар бир нарсанинг бошланиши ва охири бўлади. Менинг тарихимга эртaroқ нуқта қўйилди, холос».

У ювиниб-тарангач, деразадан ташқарини томоша қилиб ўтирди. Кўп ўтмай хонага қиз кириб келди.

— Саломатмисиз, мухтарам Авазбек, яхши дам олдингизми?

Аваз ўзи сезмаган ҳолда ғамгингина кулимсираб қизга ошифтаҳол назар ташларкан, унинг нимасинидир Шаҳлога ўхшатди.

— Сиздан жуда миннатдорман.

— Миннатдорчиликка ҳожат йўқ, — деди қиз шўхчан жилмайиб, — ҳали анча вақт сизга «энагалик» қиламан. Соғлигингизни кузатиб бориш менга юклатилган.

— Мен умуман, сизга дуч келганимдан хурсандман демоқчийдим.

Аснрона унга ҳайрон бўлиб қаради: йигит юрагидаги дардини билади шекилли, дарҳол нигоҳини олиб қочди. Албатта йигит ўзини Шаҳлога ўхшатганлигини

билмасди. Зотан, бу шунчаки ташқи ўхшашлик, холос. Аммо унинг юрагида манави савдойроқ йигитга нисбатан илиқлик уйғонмоқда эди. Айни пайтда ўзи йигитга ёқаётганлигини ҳам фаҳмлади.

— Қани, марҳамат қилинг! — У йигитни кўшни хонага бошлади.

Кўшни хонада турли-туман егуликларга тўла стол ёнида ўтирган кексагина киши ўрнидан туриб, Авазни қаршилади.

— Саломатмисиз, мухтарам Авазбек! Танишиб кўяйлик, каминанинг исми Бэни.

— Мухтарам Бэни бизнинг бошлиғимиз — Сиз қайтадан дунёга келган генетик камера ижодкори. Қани, нонуштага марҳамат қилинглар!

Улар стол атрофидан жой олишди. Авазнинг янги таниши жуссадор қария бўлиб, қуюқ яшил сочлари орқага таралган, терисининг ранги эса кўкимтир тусда эди. Юз бичимидан дағалроқ табиатли кимсалиги кўришиб турарди. Авазнинг кўнглида ҳар турли саволлар гужғон ўйнаса-да, уларнинг сукут сақлаб тамадди қилишаётганини кўриб, савол беришдан ўзини тийди.

Овқатланиб бўлишгач, Бэнининг таклифи билан бошқа хонага аниқроғи, каттакон залга ўтишди. Асирона эркакларга яхши кайфият тилади-да, қаёққадири чиқиб кетди. Бэни эса Авазни эргаштириб залнинг учинчи эшигидан йўлакка, ундан лифтга чиқиладиган жойга олиб ўтди. Биринчи қаватга тушишгач, бинодан ташқарига чиқишди. Бино атрофини қуршаган хиёбонда сайр бошлашди... Орадан хийла фурсат ўтса ҳамки, Бэни оғиз очмади. Аваз савол беришга иккиланар, қолаверса, кайфиятида лоқайдлик ҳукмрон эди. Ҳалигина қизиқтирган саволлар энди паққос ёдидан кўтарилди.

Бир пайт Бэни юришдан тўхтаб, ҳамроҳининг лоқайд қиёфасига разм солди-да, кулимсираб гап бошлади.

— Назаримда, қайта тирилганингиздан унчалик мамнун эмассиз шекилли?

— Нимасига мамнун бўлишим керак? — деб елкасини қисди Аваз.

— Ҳарҳолда, яшаяпсиз-ку! Жаҳаннамда эмас, гўзал сайёрада яшаяпсиз!

Аваз индамади. Чиройли бир гулга кўзи тушиб, уни яқиндан томоша қилиш мақсадида қариядан узоқлаш-

ди. Эгилиб гулни ҳидлади. Гул чиройли бўлишига яраша жуда хушбўй эди. У қаддини ростларкан, қарияга ўгирилиб:

— Муҳтарам Бэни, янглишмасам сиз мени шунчаки тажриба учун тирилтирмаган бўлсангиз керак? — деди.

— Ҳа, сиз керакли одамсиз.

— Буни биламан, лекин нима учун кераклигим қизиқтиряпти.

— Оғир фалокат яқинлашиб келмоқда, ана шу фалокатдан бизларни қутқармоғингиз керак.

— Мен-а?..

— Ҳа, фақат сиз бизни қутқара оласиз.

Аваз қарияга яқинлашиб, синовчан назар билан тикилди.

— Қандай қилиб?

— Бунисини ҳозирча айтолмайман, чунки бу борада баъзи мулоҳазаларим ҳали такомилига етгани йўқ. Лекин кўп кутишингизга тўғри келмас; беш ё олти кун ичида ҳаммаси равшанлашади.

— Унгача нима билан шуғулланаман?

— Дам оласиз... Расм чизишингиз мумкин, ахир рассомсиз-ку. Қолаверса, бу ерда сизни қизиқтирадиган ажойиботлар жуда кўп.

Аваз улар томон яқинлашиб келаётган қизни кузатган кўйи пича сукут сақлаб туриб деди.

— Айтганча, Асрона ажодларингиз фожиаси ҳақида сўзлаган эди.

— У ҳақида ёзилган китоб бор. Хоҳласангиз ўқишингиз мумкин.

Орадан уч кун ўтгач, қиз уни сайрга таклиф этди. Улар маконни бошдан охиригача кезиб чиқишди. Асронанинг тушунтиришича, адирдаги бино сайёранинг илмий-текшириш маркази бўлиб, «Марказий тажриба-хона», баъзан шунчаки «Марказ» деб аталаркан. Марказнинг асосий вазифаси сайёра бағридаги жараёнларни ўрганишдан иборат бўлиб, унга сайёранинг ҳар ер-ҳар ерида жойлашган ўндан ортиқ ёрдамчи тажрибахоналар ҳамда сайёра атрофидаги космик бўшлиқда парвоз этиб юрган йўлдош расадхоналар бўйсунаркан.

Улар бинодан чиқишди-да, дарё томон йўл олишди. Алвон ранг либосини ҳилпиратганча оҳудек енгил одимлаб кетаётган қиз тепаликдан туша туриб ортига ўгирилди.

— Қўлингизни беринг, муҳтарам Авазбек.

— Нега энди, — дея эътироз билдирди у. — Мен ўзимни бемалол эълайман. Аксинча, мен сизга кўмаклашишим лозим.

— Аёлларга бўлган ҳурматингиз таҳсинга сазовор! — деди қиз ҳазиломуз оҳангда. — Лекин унутмангки, Яшил сайёрада қўним топганингизга эндигина беш кун бўлди. Жисмингиз ҳали заифроқ. Зарари йўқ, тез кунда мослашиб кетасиз бизнинг шароитимизга. Ҳар ҳолда янги туғилган чақалоқ эмассиз-ку.

— Текисроқ йўл йўқми?

— Текис йўл нима учун керак? Агар манзилга тезроқ етмоқчи бўлсангиз елкага тақиладиган қанотларимиз бор. Эҳтиёт бўлинг! — У йигитнинг қўлидан тутди. — Оёгингизни манави ерга қўйинг. Шундай! Биз мумкин қадар кўпроқ ҳаракат қилишимиз керак, дўстим.

— Ҳаракат — ҳаётнинг яшаш формаси, — деди Аваз тепалик этагига тушишгач, енгил нафас олиб.

— Яна шуни эслатишим жоизки, қайси жонзод серҳаракат бўлса, чаққону чиройлидир! — Қиз эгилиб бир гулни узди-да, унга узатди. — Ҳидлаб кўринг-а, гул қанчалик чиройли бўлса, ҳиди шунчалик хушбўйдир. Сизларда нима дейди?.. Ҳа, гармоника.

— Ҳамма вақт ҳам гўзаллик билан эзгулик ёнма-ён турмас деб ўйлайман, — деб эътироз билдирди Аваз.

Улар дарё қирғоғидаги шийпончага яқинлашиб қолишган эди.

— Тушунмадим, — деди қиз, юришдан бир зум тўхтаб. У Авазнинг етиб келишини кутиб турди-да: — Тушунмадим, — деди яна.

— Бизнинг иссиқ ўлкаларимизда жуда чиройли бир гул ўсади. Лотин тилида унинг жимжимадор номи ҳам бор, лекин ҳозир эслай олмаяпман, ўша гул муаттар ҳид таратади. Бу ҳидга маҳлиё бўлган ҳашаротлар унинг гулбаргига қўнишадию шунда унинг гулбарглари беркилиб, ҳашарот гулнинг озуқасига айланади. Менимча, эзгулик билан гўзаллик ҳамиша ёнма-ён туравермайди. Сизнинг фалсафангиз ҳаёт моҳиятини жўнлаштириб қўяди.

— Бўлса бордир, — деди Асрона. У кийимларини ечиб, шийпонча бурчагидаги илгакка илди. — Эзгулик билан гўзаллик учрашган нуқтада муҳаббат туғилади, мен ана шунисини яхши биламан. Ҳаётингизда ўшанақанги гулга дуч келган бўлсангиз... Умуман, ҳаётда

ҳар нимага дуч келиш мумкин. Сиз аёл қалби нималигини тасаввур эта оласизми? — Қиз шийпонча тўсиғига оёғини қўйиб, сувга сакради.

Аваз курсига ўтириб, унинг чўмилишини томоша қила бошлади. Наҳотки, Аснрона ўшанақа гул деганда Шаҳлога ишора қилган бўлса? Ёки шунчаки умумий тарзда айтдимикин? Ҳарҳолда бу гаплар Авазга оғир ботди. Ахир Шаҳло...

Қиз пича вақт чўмилгач, шийпончага чиқди. Боя айтган сўзлари учун йигитдан узр сўрагандек, майингина жилмайиб қўйди. Аммо йигит шу майин жилмайишда бошқа нарсани — камдан-кам пайтларда ўзини ошкор этгучи қиз қалбининг интиқлигини, йигит илтифотига ташналикни сезиб қолди. Сезиб қолдию ўзини тутолмади: юрагидаги Шаҳлонинг сиймоси чайқалиб кетганидек бўлди. Назарида, ўша сиймо вужудидан кўчиб чиқиб, қаршисидаги қиз вужудига сингиб, яшил сочли гўзалнинг нигоҳи билан унга тикилиб турарди. Унинг озарда юраги ҳижрон изтиробига дош беролмади. Ихтиёрсиз ўрнидан туриб қизга яқинлашди. Аста кучоқлаб, дудоғидан ўпди. Қиз индамади. Йигитнинг елкасидан кучганча сархушланиб тураверди. Фақат ўтли лаблар момиқ кўксига босилгандагина бирдан хушёр тортди. Уни ўзидан оҳиста итарди. Сўнг жавондан сочиқ олиб артинди. Йигитнинг жиққа нам бўлган кийимига қараб кулимсираб қўйди.

Улар мавжланиб оқаётган сувга тикилишганча узок ўтириб қолишди. Борлиққа чўккан осудаликни сувнинг бир маромда қул-қуллаб оқишию қайсидир жониворнинг аҳён-аҳёнда қичқириб қўйишигина бузиб турарди, холос.

— Авазжон, бирор нима тўғрисида гапирсангиз-чи? Жим ўтираверамизми?

— Ниманиям гапирай?

— Нима бўлса ҳам майли. Шаҳло тўғрисида ганиринг.

Аваз унга ажабланиб қараб қўйди.

— Шаҳло тўғрисидами?... — деди у бир оз ўйлашиб. — Бу сайёрадан Ергача қанча масофа бор дегандингиз?

— Минг ёруғлик йилдан ошиқ. Нима эди?

— Қандай қилиб мен бу ерга етиб келдим?

— Бизда ёруғликдан ҳам катта тезликда ҳаракатлатувчи алоқа воситаларимиз бор. Қолаверса, сиз ўз

оёгингиз билан етиб келганингиз йўқ. Сизни бу ерга келтиришди; сизнинг ирсий кодларингиз тўлқин кўри-нишида Ердан бу ерга узатилди. Шахло тўғрисида чакки сўрадим шекилли? — деди қиз йигитга қиё боққанча унинг юзидаги ифодани кузатар экан.

— Ҳа, — деди бўғиқ овозда Аваз. — Сиз унга жуда ўхшаб кетасиз. Хатти-ҳаракатларингиз, гапиришингиз, ҳатто кулишингиз ҳам уни эслатади. — У шундай дея қизга қарадию айтган сўзлари учун пушаймон бўлди. — Асирона, сизни ҳафа қилиб қўйдимми?.. Мени кечиринг. Қиз шоша-пиша эътироз билдирди:

— Нимага ҳафа қиларкансиз?.. Менинг қовоқ-тум-шугимга эътибор берманг. Ҳар замонда ғалатиноқ аҳволга тушиб қоламан. — У синиққина жилмайди-да, қўшиб қўйди: — Марказга қайтсак бўлар энди.

Аваз ундаги ўзгаришни барибир ҳис этиб турарди.

— Саломатмисиз, муҳтарам Авазбек. Нонушта қил-дингизми?

— Раҳмат. Мен озгина цеци ичмоқчиман.

— Жуда яхши. Қани бу ерга ўтиринг. Цеци фойда-ли ичимлик. уни доривор гиёҳлардан тайёрлашади.

Марказ ошхонасининг робот-хизматчиси пуштиранг ичимлик тўлдирилган шиша идишни унинг олдига қўйди. У ичимликдан ҳўпларкан, райҳоннинг хиёлгина тахиртоб таъмини туйди. Аяси ҳар йили ҳовли четига албатта райҳон экарди. Ёзнинг нафасқайтар кунлари-да сузма қатиқни муздек сув билан аталаб, сўнг ичига майда тўғралган райҳонни аралаштириб ичилса жон-нинг роҳати. Авазнинг тасавурида қўллари меҳнатдан дағаллашган, оқ оралаган сочлари тердан чаккасига ёпишган аяси жонланди. Жаҳли чиққанда отасини ҳам танимай шанғиллаб берадиган, меҳри товланса жонини қурбон қилгудек бўладиган аясининг сиймоси кўз ўнгидан кетмай қолди. Димоғи ачишди, мижжаларига ёш қалқди.

— Сиз кутилганидан ҳам зиёд бизнинг ҳаётимизга мослашиб боряпсиз. Бу мени ниҳоятда қувонтиряпти.

Ҳаёли бўлинган Аваз унга ажабсиниб қаради-да:

— Мени биологик ўлимдан сақлаб қолишнинг нима кераги бор эди, ҳеч тушуна олмаяпман, — деди норози оҳангда.

Кўринишдал Бэнининг гаши келди шекилли, Аваз-га нохуш назар ташлади.

— Айтгандим-ку, бизни ҳалокатдан қутқаришингиз керак, деб! Нима, сизга иккинчи бор ҳаётга қайтиш ҳали ҳам ёқмаяптими?

— Нима учун ёқиши керак? Агар Ерда тирилганим-да бошқа гап эди. Мен ҳаммасидан маҳрум бўлдим: юртимдан, ота-онамдан, севгилимдан.

— Очигини айтсам, муҳтарам Авазбек, иродасиз одам экансиз! Одамлар не-не кулфатларни бошидан кечириб, ҳар қанча айрилиқларга бардош бериб, яшаш учун интиладилар. Улар учун, агар виждонлари пок бўлса, қаерда яшашларидан қатъи назар шу ёруғ оламга тўйиб боқмоқлик улкан бахт. Сиз бўлсангиз дийдиё қилганингиз қилган! — Қария бир оз жим қолди-да, мулойим овозда узр сўради: — Гапларим оғир ботган бўлса кечиринг. Қизишиб кетдим, шекилли.

— Иродасиз, деб тўғри айтдингиз. Иродали бўлганимда тақдирим бошқачароқ кечармиди...

— Ҳай, аввал таъкидлаганимдек, — дея қўлини силтади Бэни, — жуда зерикаётган бўлсангиз расм чизинг. Балки шу билан овунарсиз.

— Яхши эсимга солдингиз, бу ерда мойбўёқ, мўйқалам топилса керак?

— Бўлмасам-чи! Агар хоҳласангиз бугун Қуёш шаҳрини томоша қилиб келамиз.

— Қуёш шаҳри?!

— Сайёрамиз пойтахтининг номи шундай. Ердан, Қуёшдан хотира сифатида шундай ном қўйилган. Бир замонлар Атлантида давлатининг пойтахти ҳам Қуёш шаҳри деб аталган.

Улар Марказ биносининг томига, сунъий қанотлар сақланадиган майдончага чиқишди. Жавонларга териб қўйилган учиш мосламаларидан иккитасини олишиб елкаларига ўрнатишди. Атлантидаликларнинг энг қадимга учиш мосламаси бўлмиш сунъий қанотлар билан қандай муомала қилишни Аваз ўрганиб олган эди. Сирасини айтганда, бу қанотларда учиш у қадар мураккаб эмас: елкада жойлашган жимитгина двигател қанотларни ҳаракатлантиради, икки елка оша кўкракка тушган «п» шаклидаги мослама бошқариш дастаги вазифасини ўтайди: дастак пастга босилса двигател ҳаракати тезлашиб, қанот юқорига парвоз қилади, агар дастак кўкрак томонга тортилса қанот горизонтал йўналиш бўйлаб катта тезликда учеди. Қўниш лозим топилса, дастак аста-секин ўз ҳолига қўйилади-ю,



қанотлар ҳаракати сустлашиб, оқиста пастга тушилади.

Аваз дастакни пастга босиб, сўнг кўкси томон тортди. Юзига салқин, мусаффо ҳаво оқими урилиб энтикиб кетди. Тезликни янада оширди-да, Бэнининг ортидан учди... Яшил ўрмонлар, қумушдек ярқираб оқаётган дарё, афсонавий гиламдек ястанган қирлар ортда қолиб, Қуёш шаҳри бошланди. Шаҳарда дарахтлар деярли кўринмасди, бироқ ҳамма ерда, ҳатто бинолар томида ҳам гулзорлар яшнаб ётарди. Уйларнинг, гулзорларнинг жойлашиши шундай тартибда эдики, шаҳар осмондан қаралганда бутун жаҳонга нур сочаётган қуёш шаклига ўхшаб кетарди...

Аваз Бэни билан хайрлашиб, хонасига кирди. У жуда чарчаган эди. Қуёш шаҳри кўчаларини пиёда роса кезишди. Яхши бўлди: анча энгил тортди.

У икки соатлар чамаси дам олди-да, Марказдаги ҳовузга йўл олди. Ҳовуз жойлашган улкан залда бири-биридан чиройли икки қиздан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Қизлар уни кўришиб, атлант тилида ўзаро нималарнидир гўжурлашганча олдига келишди. Аваз чўнтагидан таржима аппаратини олиб ишга туширди.

— Саломатмисиз, муҳтарам Авазбек! — Аппарат қизлардан бирининг гапини таржима қилди. — Биласизми, анчадан бери сиз билан танишиш ниятидамиз, аммо бошлиқларимиз негадир бунга руҳсат беришмаяпти. Сиз сабабини билмайсизми?

— Йўқ, билмайман, — деб жавоб берди йигит хайрон бўлиб. Ростдан ҳам у ҳалигача Асрона билан Бэнидан бошқа ҳеч кимни танимасди. — Ўзим ҳам ҳали кўп нарсалардан беҳабарман, — деди у кулимсираб.

Қизлар ёқимли жилмайиб қўйишди.

— Эшитишимга кўра, сиз рассом экансиз, тўғрими? — деб суҳбатга аралашди иккинчиси.

— Ҳа.

— Агар малол келмаса, суратимни чизиб берсангиз?

— Жон деб чизиб бераман.

— Ҳозирча сиз билан хайрлашишга тўғри келади, — деди биринчи қиз афсусланган оҳангда. — Негадир муҳтарам Бэни сизни жудаям эҳтиётлаяпти. Хўп, омон бўлинг!

— Омон бўлинг! — деди дугонаси ҳам.

— Яхши боринглар! — Аваз улар билан хайрлашиб, ҳовуз бўйидаги ўриндиққа ўтирди. Бошлиқларнинг

галати кўрсатмаси уни бир оз ҳафа қилди. Ўзи шундоқ ҳам юраги сиқилиб юрибди. Асронани ҳам тушуниб бўлмайти: галати.

У ечиниб ҳовуз четига яқинлашди. Тиззаларини букканча сувга сакради. Сув сатҳи шиддат билан яқинлашиб келаркан, беихтиёр чуқур нафас олди-ю, атрофини ҳаво пуфакчалари қоплади. У сувнинг шалонлашини эшитмасди. Фақат шиддат билан пастга интилар экан, товушларни миясида элас-элас идрок қиларди. Ниҳоят, қўллари ҳовуз тубига теккач, бир-икки лаҳза оёғи осмонда бўлиб туриб қолди. Кейин ўнглашиб, ҳовуз тубига чордана қуриб ўтирди. Жажжигина кислород ниқобини тақди-да, кўзларини чирт юмиб хаёл сура бошлади.

Баданни қучиб турган илиққина сув, димоққа урилаётган тоза кислород мияни губорлардан тозалар, хотиралар тиниқлашиб, худди тушдагидек жонли тус олар эди.

У ҳамиша хаёлан Шахло билан суҳбатлашарди. Зеро, ҳаётлигида у билан дурустроқ суҳбатлашиш насиб этмади. Гоҳида кўнгли гуссага тўлиб кетади. Назарида, Шахло ҳақида хотиралар абадул-абад унга тинчлик бермайдигандек. Лекин ҳувиллаган қалбининг безағувчи ягона гул у эканлигини ҳеч қачон ёдидан чиқара олмасди.

Ўпкасидаги ҳавони чиқариб, тоза кислороддан симириди. Қулоқлари ёнидан пуфакчалар кўтарилди. Ажиб бир сархушлик вужудини қамраб олди. Гўё космонавтлардек вазнсизлик ҳолатида ҳис этди ўзини. Кўз ўнгида қуёш нурига тўлган хона намоён бўлди. Очиқ деразадан олма гулининг муаттар ҳиди димоғига урилди...

У диванга ўтириб Шахлони кузатяпти. Хонада бошқалар ҳам бор. Нималар тўгрисидадир тортишияпти. Аваз уларни шарпадек идрок этади, холос. Гаплари ҳам тушунарсиз. Шахло жимгина дафтарларни текшириб ўтирибди. Дафтар текширган пайтида унинг юзи жиддийлашиб, негадир жаҳли чиққандек таассурот уйғотади кишида. У Шахлдан кўзини узмайди.

Ниҳоят, қиз ручкасини қўяди. Кўзларини дафтардан узиб, унга қарайди. Кейин бошини ёнга буради ва билинар-билимас хўрсиниб қўяди...

Кимдир елкасига оҳиста туртди. Ўгирилса, Асрона. У боши билан юқорига имлади-да, сузиб кетди.

Қизни ҳовуз зинапоясида учратди. Иккаласи ҳам тиззагача сувга кириб юзма-юз туришарди.

— Кейинги пайтларда уни тобора кўпроқ ўйла-  
япсиз.

— Бошқаларнинг фикрини... пойлаб юрасизми?

— Йў, йўқ, — деди қиз ҳижолатга тушиб. — Мени тўғри тушунинг: руҳиятингизга арзимаган туртки ҳам ёмон таъсир кўрсатиши мумкин. Ахир сиз гоътада муҳим иш учун кераксиз...

Қизнинг сўзлари қулоғига кирмай қўйди. Яна тасавурида Шаҳло жонланди: мана у чўмилиш кийимида турибди. Нималарнидир гапиряпти. Аваз кўзларини хиёл юмдию Шаҳлонинг белидан авайлаб қучиб, ўзига тортди. Қиз қаршилиқ қилди, уни итариб юбормоқчи бўлди. Кейин аста-секин тинчиди. Авазнинг борлиғи ширин бир роҳатдан титраб, аллақайларга сузиб кетди. Бу ором қанча давом этганини билмайди. Бир вақт туманлик тарқаб елкасига босганча бармоқлари билан сочларини силаётган Асронани кўрди. Қизнинг киприклари орасидан сирқираётган ёш елкасини қўйдир-гудек бўлиб томчиларди.

— Уни унутишингиз керак, — деб пичирлади қиз ва бошини кўтариб Авазнинг кўзларига тикилди. — Уни унутишингиз керак! — Қиз бир муддат шундай тикилиб турди-да, шаҳд билан ўгрилиб ўзини сувга отди.

— «Уни унутишингиз керак!»

Бу сўзлар ҳовуздан чиқиб артинаётган маҳалида ҳам, сўнгра хонасига йўл олганида, хонасида кийимни алмаштираётганида қулоғи остида қайта-қайта жаранглаб турди. Кўзгуга тикилиб сочини тараётган дамларда яна бир бор қизнинг сўзларини эслади: «Уни унутишингиз керак!»

«Мана, ожизлигимиз ҳам юзага қалқиб чиқди», дея кўзгудаги аксига хаёлан мурожаат қилди у. «Хўш, нима қилибди, ўзимни истаганимча оқлай олишим мумкин. Бунинг учун асос ҳам етарли».

У кўзгудан узоқлашди. Хонанинг бир четида турган мольбертга яқинлашиб, устига ёпилган пардафи олиб қўйди. Суратда алвонранг кўйлак кийган қиз ошпоқ булутлар устида енгил одимлаб келаётгани тасвирланган эди. Қизнинг қўйлагию хиёл тўзғиган соч толалари шабадада ҳилпирар, нигоҳида андаккина маъюслик сезиларди. Ортида тип-тиниқ зангори осмон.

Унинг юраги жизиллаб кетди. Назарида, қизнинг нигоҳи янада маъюслашгандек туюлди.

Суратни кеча Шаҳлонинг қиёфасини хаёлан тасаввур этиб чизган эди. Чизиб бўлгач, ишидан пушаймон бўлди. Негаки, ўз дардини ўзи қайтадан янгилади: бундан кейин ҳар сафар суратни кўрганда азоб чекиши аниқ энди. Бироқ, сурат чизилди. Ақлига бўйсунмаган юрагининг хоҳишига кўра чизилди.

Кеча у шундай деб ўйларди. Лекин ҳозир бошидан кечираётган кечинмалари сал ғалатиноқ эди. Масалан, у суратга тикилганча мана бундай хаёл сураётган эди: кошкийди сени унутолсам. Жон дердим-ку. Бутун муҳаббатимни анави яшил сочли гўзалга бағишлардим. Дабдурустан бу ўйлари юзакидек кўрина бошлади. Сурат қаршисида ўзини зўрма-зўраки оқлаётган айбдор кишидек ҳис этди. «Мени кечир жонгинам!» дея қизнинг суратига мурожаат қилди у.

Аваз ўзига шу тариқа тасалли бериб кийинди. Суратнинг юзига пардани авайлаб ёпиб қўйди. Сўнг енгил хўрсинди-да, ошхонага йўл олди.

Ошхонага кираверишда яна бояги қизларга дуч келди. Улар жилмайишди. Афтидан, хайрли кеч маъносида нимадир дейишди. Аваз ҳам уларга жилмайиб, бош ирғаб қўйди. Бэни билан Аснрона ўтиришган столни кўзи билан излаб топиб, уларнинг ёнига бориб ўтирди.

Қария йигит руҳиятидаги кўтаринкиликни илғаб, Аснронага мамнуният билан қараб қўйди.

— Хайрли кеч! — деди Аваз.

— Хайрли кеч, муҳтарам дўстим! Яхши дам олдингизми? — деб сўрашди Бэни.

— Раҳмат!

Қиз унга бир қиё боқиб қўйди-ю, индамади. Қизнинг ҳамиша елкаларига ёйиқлик тургувчи сочлари чиройли қилиб турмакланган. Шу боисданми бутун вужудидан ўзгача бир тароват ёғилиб турарди. Бу тароват Авазнинг эс-ҳушини ўғирлади-ю, ундаги сиполик ёқинқирамади. Қизнинг сиполиги остида ўзи учун кўнгилисиз бўлган кайфият яширингандек эди. У жимгина овқатланар экан, мумкин қадар қизга қарамасликка ҳаракат қиларди. Хонасида хаёлидан кечирган ўйлари энди бачкана бўлиб туюлмоқда эди. Бироқ, қизга эътибор бермасликка қанча уринмасин, барибир аллақандай асаб таранглигини ҳис этарди: гўё нимадир бемалол ўтиришга, танавул этаётган овқатини бемалол

чайнаб ютишига ҳалақит бераётгандек эди. Алқисса, қизга қаради. Нигоҳлар бир зумга тўқнашди. Қизнинг кўзларидаги ифодани тушуниш мушкул эди. «Балки, боя айтган гапи учун пушаймон бўлаётгандир!» Авазнинг кайфияти бузилиб, юраги қисилди.

Ешларнинг муносабати ўзи кутганчалик ойдинлашиш ўрнига баттар туманлашаётганини сезиб, Бэнининг ҳам диққати ошди. Қария Аснронага норозиланиб тикилди-да, икковига яхши иштаҳа тилаб, ўрнидан қўзғалди.

— Муҳтарам Бэни, бир дақиқага вақтингизни олсам майлими? — деди Аваз шошинқираган оҳангда.

— Марҳамат.

— Тарихингизни тезроқ ўқигим келяпти. Айниқса, ўша фожиаали замон тўғрисидаги маълумотларни тезроқ ўқишни хоҳлардим. Кейин сиздан илтимос, қилишим лозим бўлган вазифам билан таништирсангиз. Очиги, бекорчилик жонимга тегиб кетди.

Бэнининг чеҳраси очилиб, мийиғида кулимсираб қўйди-да, қайтиб жойига ўтирди.

— Бажарадиган ишингиз билан эртага танишасиз. Иккинчи илтимосингизга келсак, китоб тайёр, уни кутубхонадан ҳозироқ олишингиз мумкин. Қаминага яна хизматлар борми!

— Раҳмат, шулар етарли.

— Унда мен кетдим, яхши дам олинглар.

— Сиз ҳам яхши дам олинг! — деб хайрлашди Аваз.

Аснрона индамади. Фақат устозининг ҳурмати учун ўрнидан туриб, бошини эгиб қўйди.

Иккаласи ёлғиз қолишгач, орадаги ноқулай жимлик яна бир неча дақиқа давом этди. Авазнинг қўнглига туриб кетиш керак деган фикр ҳам келди-ю, лекин бунга журъати етмади. Агар ҳалиги қақилдоқ қизлар келиб қолишмаганда, балки туриб ҳам кетарди.

Қизлар одатларича жилмайишиб уларнинг ёнига ўтиришди. Аваз таржима аппарати мурувватини босди.

— Сендан жуда хафамиз, Аснрона. Ерлик меҳмонимизни бутунлай ўзингизники қилиб олмоқчимисан? — дея бидирлай кетди қизлардан бири. — Ақалли бизлар билан таништиришга ҳам уринмайсан-а! Бунга тумтайиб ўтиришини қаранглар!

— Рост айтсан Арухшама, бечора меҳмонимиз зерикиб, хуноб бўлиб ўтирибди-ю, бу фақат тумтаяди! — дея дугонасининг гапини илиб кетди иккинчи қиз. —

У жонингга теккан бўлса, бизлар жон деб дўстлашишга тайёрмиз. Ишонаманки, мухтарам Авазбек биз билан ҳеч қачон зерикмайди!

— Мухтарама хонимлар, бошлиқларимизнинг бу тўғридаги кўрсатмасини наҳот билмасангиз? — деди Аснрона қошларини хиёл чимириб. Юз ифодасидан бу қизларнинг бостириб келиши ҳам, Авазнинг атрофида парвона бўлишлари ҳам ёқмаганлиги сезилиб турарди.

— Ахборотингиз учун, мухтарама хоним, ҳозиргина мухтарам Бэнидан руҳсат олдик!

Қиз беихтиёр жилмайиб, Авазга қаради. Йигит унинг жилмайишидаги маъюсликни пайқади, албатта. Аммо қизлар на Асронанинг норозилигига, на маъюслигига эътибор беришар, мақсадлари ғаройиб туюлаётган ўзга сайёралик йигит билан тезроқ яқиндан танишиб олиш эди. Бу эса Асронанинг аччигини чиқарди. У ўзини босиб, мулойим оҳангда гапиришга уринди.

— Модомики, мухтарам Бэни сизларга меҳмонимиз билан танишиш учун руҳсат берган экан, мен ҳам қарши эмасман. Фақат шуни унутманки, мухтарам меҳмонимиз ҳали заифроқ. Айниқса, бугун жуда чарчади. Менимча, дам олиши керак. Ишонаманки, у эртага сизларнинг ихтиёрингизда бўлади. Фикримга қарши эмасмисиз Авазбек? — Қиз унга маънодор қараб қўйди.

— Ана холос! Кўряпсанми Арухшама, у бизлардан мухтарам Авазбекни очиқдан-очиқ қизғанияпти. Ўйлаб топган баҳонасини қара!

Асронанинг тоқати-тоқ бўлди шекилли, ўрнидан кўзгалди.

— Хайрли кеч! — деди у ҳам бир оз хижолатга тушиб.

Қизлар жилмайишганча бир-бирларига қарашар экан, елкаларини қисиб қўйишди...

— Мен эртага жўнаб кетяпман, — деди қиз Аваз оритдан етиб келгач. — Энди энагалик қилишга ҳожат қолмади.

— Қаёққа кетяпсиз?

— Узоққа. Сайёранинг нариги ярим шаридаги расадхонага жўнатишяпти.

Аснрона «жўнатишяпти», деб ёлгон айтди. У ходимлардан бир неча киши сафарбар этилаётганини эшитиб, ўша ёққа жўнатишларини ўзи сўраган эди.

Улар аввал кутубхонага киришди. У ердан Аваз

учун ўзбек тилига таржима қилинган Атлантида тарихини олишди. Кейин йигитнинг хонасига келишди.

— Хонимларимиз сизга жуда ҳам интиқ, — деди қиз ўзича гапиргандек. У шошилмасдан китоб варақлар, суратли бетларни кўпроқ томоша қиларди. Бу юмушни беихтиёр бажараётгани юзидан сезилиб турарди.

— Сафарингиз кўпга чўзиладими?

Асрона елкасини қисиб қўйди. Сўнг сумкачасини очиб, ичидан кичкина қутичани олди.

— Сиз яхши кўрган қўшиқларни ёзиб келдим. Мана бу — овозни ёзиб, қайта эшиттирадиган аппарат, — дея изоҳ берди у. — Сизларда магнитофон дейилади. У ёқ-бу ёққа чиққанингизда билагингизга тақиб олсангиз ҳам бўлади, манави ерида тугмачаси бор. — Хонада Авазнинг севган қўшиғи янгради. Вазмин бир оҳангда қуйлаётган хонанданинг шикаста овози, шикаста куй оҳангига йўғрилганча очиқ деразадан бегона сайёранинг илиқ бағрига оқа бошлади.

*Қаро кўзим келу мардумлиг эмди фан қилгил,  
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилгил...*

*Юзунг гулига кўнгул равзасин ясаб гулшан,  
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилгил...*

Асрона унинг энг яхши кўрган қўшиқларини телепатик аппарат ёрдамида билиб олган экан.

Қўшиқ тугагач, қиз магнитофонни ўчирди. Хонага киришгандан буён илк бор йигитга рўйирост қаради.

— Хўп, мен кетдим, — деди у сокин бир овозда. — Яхши қолинг, Авазбек!

Аваз нима қиларини билмай қолди. У қизни шу ерда пича қолишини, унга дилидаги изтиробларини гапириб беришни истарди. Бироқ қизга нималар дейишни тасаввур ҳам қилолмаётган эди. У: «Яхши болинг», дея олди, холос. Бу сўзлар ҳам оғзидан заифгина бўлиб чиқди. Асрона унинг кечинмаларини сезгандек яна бир бор ялт этиб қаради. Афтидан, у ҳам нимадир демоқчи бўлди-ю, лекин иккиланди ва шу иккиланган кўйи хонадан чиқиб кетди. Аваз жимгина қизнинг ортидан қузатиб қолди. «Ҳай, начора, — дея хаёлан ўзига таскин берди, — чидайсан-да, оғайни, бошқа иложинг йўқ». Сўнг душга кириб, илиққина сувда узоқ чўмилди. Руҳи хиёл енгиллашди. Китобни олиб, ётоқ

бўлмасига ўтди. Қаравотга ёнбошлаб, ўтмишдаги сирли воқеалар битилган саҳифаларни ўқишга тушди:

## МУҚАДДИМА

«Ўша замонларда Ер юзидаги овлоқ бир оролда атлантлар деган халқ яшарди. Уларнинг Атлантида дея аталувчи давлати жуда ҳам қудратли эди. Даҳшатли портлаш юз бериб, Атлантиданнинг кули кўкка совурилмасдан ўн беш йил бурун ана шу қудратли давлат ташкил топганининг минг йиллигини нишонлашга қарор қилишди. Мамлакат ҳукмдори Тааси минг йиллик юбилейни ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатга қўшиб яна бир ҳужжатга имзо чекмаганда, ким билсин, Атлантида яна минг йил ер юзида ҳукм сурармиди. Лекин имзо чекилди. Ҳужжатлар кучга кирди...

Атлантлар юртида бир-бирига уланган тантаналар, шодиёна кунлар бошланди.

Дунё океанларида сузиб юрган, осмон бўшлиқларида парвоз этган кемаларда ҳам тантаналар. Ер юзига тарқалиб кетган, Атлантида давлатига қарам мустамлакалардаги қўшнилар шод-хуррам...»

## 27—30— САҲИФАЛАР

«Аллома Вэдинг Сэ тантаналардан сўнг уйига хорғин кайфиятда қайтди. Ядро қувватидан фойдаланиш бўйича энг билимдон мутахассис ҳисобланган бу олимнинг таъби негадир жуда хира эди.

У чоғроққина ҳовлисидаги фаввора олдида сувнинг бир маромда шовуллаб отилишига қулоқ тутганча хийла вақт туриб қолди. Кун бўйи борлиқни аёвсиз ёндирган қуёш мағрибга бош қўйган.

Аллома ўтган умрини хотирлади: хотинидан айрилганига ўн йилдан ошди; ўгли атлант қўшинида хизмат қиларди, мустамлакалардан биридаги қонли тўқнашув пайтида ўлдирилди; қизи турмушга чиқиб кетган. Тахминан йилига бир марта хат ёзиб туради.

Қачонлардир унинг қариндошлари, дўстлари бўларди. Қачонлардир... Ҳар замонда улар билан учрашиб қолишса, саломлашишади, ўтиришиб озгина суҳбатлашишади ва хайрлашишади. Ҳар ким ўз йўли томон кетади. Қариндошлар — бегона, дўстлар — бегона, юраклар — бегона. Яхшиямки, бахтига Сонд бор. Ёлғиз сирдоши, шогирди, тутинган ўгли. У асаб касалига мубтало, вақти-вақти билан тутқаноғи тутади. Унаси ҳомиладорлик пайти гиёванд бўлган экан.

Вэдинг Сэ давлат ишлари билан қизиқмасди. Унинг умри шу ерда, Қуёш шаҳри деган дабдабали пойтахтдан ўттиз чақирим наридаги ҳовлида ўтди. Унинг тажрибахонаси ҳам шундоққина ҳовли ёнида — салкам ярим чақирим чуқурликда, ер остида эди. Унинг тажрибахонасида ишларни шахсан Таасининг ўзи кузатиб борарди.

— С-салом, устоз!

Аллома ўгирилиб шогирдига қаради. Сонднинг чиллақдек озгин қўллари елкаларида беўхшов осилиб турар, афти-ангоридан яқинда бошидан кечирган азобнинг аянчли асорати сезиларди.

— Хайрли кеч, Сонд. Нима, яна мазанг қочдимиз?

Шогирди бошини қимирлатиб қўйди. Хизматкор фаввора ёнидаги айвончада стол тузатди. Аллома шогирди қаршисидан жой оларкан,



«турқи мурдага ўхшайди» деган фикр хаёлидан ўтди. Сўнг беҳосдан чўчиб тушди. Сонд ўлса ёлғиз қолишни ўйлашнинг ўзи даҳшат эди.

— Таасининг гаплари менга ёқмаяпти, устоз.

— Нега?

-- Билмайман. Назаримда, кўнглим хунук фалокатни сезаёт-гайдек.

Вэдинг Сэ унга ҳайратланиб қараб қўйди: ҳам жисмонан, ҳам рухан мажруҳ бу йигитнинг норозилиги тушунарли. Бироқ ўзи-чи? Ўзига нима бўлган? «Чарчаб қолдим шекилли», деб ўйлади у.

— Онангдан хабар олдингми? Соғлиги қандай?

— Кеча ақлдан озибди.

Осмонда ҳаво кемалари кўринди. Олис ўлкалардан қазиб олинган маъданлар ҳар бири бир неча юз тонна юк кўтара оладиган, улкан қанотли ана шундай ҳаво кемаларида мамлакат корхоналарига ташиб келтириларди.

— Ҳукуматнинг қарорини эшитдингизми? Мутаэдлар юртидан кўчирилди экан.

— Қанақа мутаэдлар?.. Ҳа, анави чегарадош халқларми?

— Улар шунчаки халқ эмас. Уларнинг ҳам ўзига яраша маданияти, давлати бор. Тааси адолатсизлик қиляпти.

— Уларни нега кўчиришяпти?

— У ерда янги конлар топилган эмиш. Таасининг бу иши яхшиликка олиб бормади.

— Нима қилиш лозимлигини улар яхши билишади.

Олисида тўплар гумбурлаб, қоронғилашиб қолган осмонда ранг-баранг мушаклар порлай бошлади».

Аваз қиладиган иши деярли йўқлиги учун эрталаб соқолини эринмасдан устарада қиртишлади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, яшил сайёранинг эркаклари кўса бўлгани сабабли бундай асбоб уларда йўқ эди. Устара-ни Аваз учун махсус буюртма асосида ясаб беришди. Албатта, устарадан қулайроқ, айттайлик, электр устарасига ўхшаш мослама ясаш ҳам мумкин эди, лекин Аваз Бэнидан айнан устара ясаб беришларини сўради. Маҳаллий эркакларнинг кўсалиги боисиданми, бир оқшом Аснрона унинг юзидаги мўйларни кўриб ҳаяжонга тушган эди. Аваз ҳозир ҳам иягию томоғини совун кўпигига белаб, устарада қирар экан, ўша воқеа эсига тушди. Эсига тушдию вужудида ёқимли бир жимирлашни туйди. Қимдир эшикни секин тақиллатди.

— Кираверинг,— дея қичқирди у иягига қайтадан совун суртаркан.

— Мумкинми, мухтарам Авазбек?

— Марҳамат.

— Мухтарам Авазбек, нима қиляпсиз?!

Кўзгудан кўринаётган қизнинг катта-катта очилган

кўзлари кулгисини қистатса-да, иягини кесиб олишдан қўрқиб жиддий қиёфада жавоб берди:

— Соқол оляпман.

Қиз уни яна бир оз қизиқиш билан кузатиб турди-да, сўнг Аваз чизган суратларни томоша қила бошлади.

Аваз бу орада иягидаги мўйни қиртишлаб, ювиниш хонасига ўтди. Ювиниб, ўзига оройиш бериб чиққанда қиз Атлантида тарихини варақлаб ўтирарди.

— Ўқиб чиқдингизми? — деб сўради у китобга ишора қилиб.

— Озгина ўқидим.

— Аждодларимиз қилган жиноят қалбингизда нафрат уйғотмаяпми?

Аваз мийиғида кулиб қўйди.

— Биласизми, эрталаб уйғондим у аввал китобда ёзилган ўша воқеаларни ўйладим, кейин бир ҳодиса эсимга тушди... Кечирасиз, фаросатсизлигим қурсин, Сизнинг нима учун келганингизни сўрамабман-ку. Балки зарур ишингиз бордир?

— Йўқ, йўқ, — дея бош чайқади қиз, — бемалол гапираверинг. Ярим соатлардан сўнг мухтарам Бэни ҳам шу ерга келиши керак. Бугун қуёш расадхонасига боришимиз лозим.

— Бир ҳодиса эсимга тушди, уч-тўрт йил муқаддам эди шекилли, бир куни уйда ишлаб ўтирсам, жавон остида нимадир қитир-қитир қилиб товуш чиқарди. Қарасам, сичқон.

— Сичқон?

— Ҳа, шунақа бир жонивор бор. Ўзиям мана бундай — миттигина-ю, озиқ-овқатларни кемириб жонга тегади, касаллик ҳам тарқатиши мумкин. Хуллас, сичқонга қопқон қўйиб, яна ишлашга ўтирдим. Бир пайт қопқон шарақ этиб кетди. Ирғиб туриб, жавон остига энгашдим: қопқоннинг темир дастаси жониворнинг нақ белидан қисиб турарди. Мен бўлсам, унинг ўлимани мароқланиб кузатдим! Ахир, бу даҳшат эмасми?.. Менинг назаримда одамларнинг тахминан ўн беш фоизи туғма меҳр-шафқат билан дунёга келади: яна ўн беш фоизи туғма бағритош бўлишади. Қолган етмиш фоизичи?.. Улар қанақа одамлар? Ўйлашимча, мен ҳам ўша етмиш фоиз одамлар сирасига кирсам керак. Негаки, киноэкранда норасида гўдакка автомат ўқталиб, совуққонлик билан тепкини босадиган қотилни кўриб ларзага тушаман, лаънатлар ўқийман, ўзим эса мит-

тигина сичқоннинг ўлимини мароқ-ла кузатаман!.. Гарчи бунга гўдакни отаётган қотил қилмишига солиштириш ғайритабиий кўринсада, ўлимдан мароқланиш — ниш ураётган ёвузлик эмасми?!. Очиғи, сизларнинг аждодларингиз қилган жиноятдан ларзага тушишим учун мен Ер сайёрасининг эмас, уруш нималигини билмайдиган бошқа бир сайёранинг вакили бўлишим керак эди. Мен яшаган асрда бир эмас, иккита жаҳон уруши бўлиб ўтган: етмиш миллион одам қурбон бўлган! Ҳозир эса ерликлар «порохли бочка устида» яшашяпти. Хўш, бочка уланган пиликка ким олов тутиши мумкин? Ўта меҳр-шафқатли кишиларми? Албатта, йўқ. Еки ёвуз одамларми? Эҳтимолдан ҳоли эмас. Мен нима учунлигини билмайман-у, пиликка олов тутадиган кишини ўша етмиш фоизга кирадиганлардан кутиш ҳақиқатга яқинроқ деб ўйлайман. Муҳтарам хоним, ёвузликдан нафратланиш осон, агар уни биз эмас, бегона одамлар қилган бўлса! Эътибор беринг-а, агар бегона одамлар қилган бўлса!

— Сиз бу билан, мен ҳам вақти келса ёвузлик қилишим мумкин демоқчимисиз?— деб ажабланди қиз.— Ахир сиз меҳрибон, дардқаш одамсиз-ку.

— Муҳтарам хоним, мен айтмоқчиманки, ҳар бир кишининг юрагига эзгулик уруғи билан бирга ёвузлик уруғи ҳам экилган бўлади. Улардан қай бири униб чиқиши одамларга боғлиқ.

Табиатан енгилтакроқ Арухшама бу тахлит суҳбатга тоб беролмади чамаси, одатий ноз-қарашма билан Авазнинг елкасига қўлини теккизди.

— Қўйинг шунақа гапларни. Яхшиси, суратимни чизсангиз-чи!

Аваз ҳам беихтиёр жилмайди.

— Жоним билан!

Шу аснода хонага Бэни кириб келди.

— Саломатмисиз, муҳтарам Авазбек!— У қизга ҳазиллашди.— Бу ёшлар ҳаминиша бир-бирлари билан тез топишади. Биз қарияларга қийин, доим ёлғиз қоламиз. Хўш, расадхонага кетдик бўлмаса!

Расадхона Марказдан кўп узоқ эмасди. Улар сўқмоқ йўлдан дарё соҳилигача боришди-да, тепалик оша тушган бошқа йўлга бурилишди. Аваз соҳилдаги шийпонча томон кўз қирини ташлаб, аста хўрсиниб қўйди. Яна беш дақиқалар юришгач, тўнтарилган қозонга ўхшаш бинога етишди.

— Мана шу ерда сизнинг иш жойингиз,— деди Бэни деразасиз бир хонага киргач. Хонада каттакон экрандан бўлак жиҳоз кўринмади. Улар ўтиришгач, Бэни гап бошлади:— Демак, гап бундай; бизнинг «қуёшимиз» табиати жиҳатидан сариқ юлдузлардан кўра, оқ юлдузлар туркумига яқинроқ. Ёруғлик нурлари спектри тузилишига кўра ҳам Ер қуёшдан кескин фарқ қилади. Баданимизнинг яшиллиги ҳам «қуёшимиз» нурлари таъсиридан. Хуллас, атлантидаликлар бу ерга кўчиб келган маҳалдан бошлаб баданимиз яшил. Зеро, Ер шароитида одамларнинг бадани қуёш нуридан қорайиши табиий-ку. Аммо биздаги «қорайишнинг» қалтис томони бор. Биз узоғи билан икки суткадан ортиқ соя жойларда, аниқроғи, ер остидаги иншоотларда турмаслигимиз керак, негаки, икки кундан сўнг баданимиз оқариб кетади. Сизларнинг тилингизда бу касаллик «альбинос» деб аталади янглишмасам. Бу касалликка дучор бўлгач, қуёш нурлари баданимизга ҳалокатли таъсир кўрсата бошлайди. Ёритгичимизнинг яна бир қалтис қилиғи бизни ҳамиша таҳликага солиб келади: тақрибан ҳар юз йил атрофида унинг бағрида портлашлар юз бериб туради. Портлаш натижасида қуёш одатдагидан уч-тўрт баробар ёрқинлашиб кетади. Бундай пайтларда маҳаллий жонзотлар соя жойларда жон сақлайдилар. Чақнаш пайтидаги ҳарорат бизларни сўзсиз ҳалок қилади, лекин биз ер ости иншоотларига беркинамиз. Бахтимизга, чақнаш муддати бир неча соатдан ошмайди. Лекин муҳими бунда эмас. Ҳамма бало шундаки, ҳеч қайси расадхона чақнаш фалон куни юз беради, деб хулоса чиқара олмаяпти. Афтидан, қуёш бағридаги жараёнларда кескин ўзгариш бўлган кўринади. Энди ўйлаб кўринг, қуёшимиз расадхоналар ҳозирча аниқлаган ўн кунлик муддат ичида, исталган куни, исталган соатда чақнаши мумкин. Биз эса пана ерларда икки кундан ортиқ туrolмаймиз, тушундингизми? Сиз фалокат юз берадиган кунни аниқлашда бизга ёрдам беришингиз керак.

— Мен физик ҳам, астроном ҳам эмасман-ку. Касбим рассомчилик.

— Сиз физик ёки астроном сифатида эмас, айнан рассом сифатида бизга ёрдам бера оласиз. Яъни, масалан, ранг кўра билиш қобилиятингиз асқотади.

— Қандай қилиб?

Бэни девор ёнидаги аппаратни ишга туширди. Эк-

ранда кўзни қамаштиргудек ёрқин ранглар оқими кўринди. Ранглар дақиқа сайин ўзгариб турарди. Экранда гоҳ ловуллаб ёнаётган олов янглиғ ранглар рақсга тушаётгандек тўлқинланса, гоҳ ложувард осмон тусли ранглар намоён бўларди.

— Гап шундаки, чақнаш юз беришидан салкам бир сутка олдин спектрда билинар-билинемас ўзгариш бўлади. Вазифангиз — экрандаги рангларни кузатиб бориш ва спектрда ўзгариш юз берган заҳоти бизларни огоҳлантиришдан иборат.

— Қойил, кун чиққандан то кун ботгунча экран қаршисида ўтираманми?!

— Ҳа, Аваз, бу унчалик мураккаб иш бўлмаса-да, жуда оғир. Рангларни кузатаётганингизда сизни маълум даражада гипнотик ҳолатга туширамиз: вақт ўтганини унча сезмайсиз. Яна шунга кафолат бераманки, экран қаршисида тўрт кундан ошиқ ўтирмайсиз. Тушунарлими дўстим?

— Тушунарли.

— Арухшама, у экран қаршисида ўтирган пайтларда бу ердан ҳеч қаерга жилмайсиз. Аваз ҳар қандай ташқи таъсирдан ҳоли бўлиши керак. Хўш, мен кетдим. Ҳозирча уни расадхона билан таништиринг.

— Расадхона билан танишамизми ёки аввал сурагимни чизасизми?— деди қиз жилмайиб Бэни чиқиб кетгач.

— Сизни Бэни айтган фалокат унчалик ташвишлантирмаяпти шекилли?— деб сўради Аваз.

— Қайдам,— дея елкасини учирди қиз.— Албатта, бу чақнаш бошимизга кўп ташвишлар келтиради. Шунчаки менинг ўзим сал беғамроқман. Бўёқларингиз қани?

— Марказда, хонамда қолган.

— Афсус.

## 80—САҲИФА

«Осмонга бош урган чўққилар этагидаги хувиллаган тош қалъа. Қалъага ёлғиз сўқмоқ йўлдан борилади, теварак-атрофи тубсиз жарлик. Осмон рутубатли. Қора булутлар чўққиларнинг ён бағрига суйкалишганча сузишади.

Қалъа ёнидаги ялангликда бир неча ҳаво кемаси турибди. Юз чоғли ҳаммол кемаларда келтирилган юкларни чўққи этагидаги гор

оғзига ташимоқда. Баланд қоя устига чиқиб олган қанотли жангчи қулларни лоқайд кузатиб турибди.

Гор оғзидан пастроқда қурилган йиғма уйдан икки киши чиқиб қалъа эшиги томон юришди.

— Бор-йўқлиги номаълум конни текшириш учун мендан бошқа одам қуриб кетганмикан? Қариган чоғингда ҳам тинч қўйишмайди!— дея тўнгиллади улардан бири. Бу аллома Вэдинг Сэ бўлиб, азбаройи кайфияти бузуқлигидан шоғирдига ҳам эътибор бермай тез-тез одимлаб келарди. Сонд устозига ажабланиб қараб қўйди: ҳолбуки, Вэдинг Сэнинг ўзи бу ерда маъданинг катта кони борлигига ишонч билдирган эди. Йигит устозининг таъби хира эканини сезиб ишдамади...»

— Муҳтарам Авазбек, қаерга кетяпсиз? Қирғоққа эмасми?

— Ҳа, нимайди?

— Ҳозиргина хабар қилишди, бундан кейин дарёнинг нариги томонига ўтиш қатъиян тақиқланар экан. Теарралар активлашибди.

— Тушунмадим?

— Нимани тушунмадингиз?— Арухшама кулиб юборди.— Кўзларингиз бир ғалати-я: сирли десаммикан... Биласизми, сиз кўзимга қараганингизда ғалати бўлиб кетаман. Асронанинг куйганича бор.

— Асрона?! У шу ердами?

— Йўқ, йўқ!— Қиз сочларини силкитганча яна кулиб юборди. Сўнг ноз ила кўз сузганча:— Кеча у менга қўнғироқ қилди. Сизни сўради,— деди.

— Ҳай, теарралар нима ўзи? Нега активлашади?

— Йиртқич жонивор. Ўзи юм-юмалоқ. Доим нурланиб туради. Ҳар чақнаш юз беришидан олдин қуёш ёғдуси таркибида радиоактив нурлари ортиб боради. Теарралар жуда сезгир. Умуман радиоактив нурлар уларга ижобий таъсир қилади. Ҳай, қўйинг ўша теарраларни, суратимни битирдингизми?

— Йўқ, ҳали ишлашим керак. Хўп, мен кетдим.

— Шошманг, мен ҳам бораман. Очиғи, жуда зерикяшман.

Улар қирғоқдаги шийпонгача боришди. Қиз курсига ўтириб, сувга тикилган қўйи хаёлга чўмди. Аваз эсаннинг суратини чиза бошлади.

— Сиз ажойиб одамсиз. Умуман, сиз ерликлар ажойиб одамсизлар. Беғубор қалбларингиз бор.

Аваз жилмайиб бошини чайқаб қўйди.

— Жудаям сиз ўйлаганчалик эмас.

- Айтинг-чи, у ёқда севганингиз бормиди?
- Ҳа.
- У жудаям чиройлидир-а?
- Ҳа, жудаям чиройли.
- Ана — теарра.
- Қани?
- Хув ана, нариги қиргоқда.

Қиргоқдан ўттиз қадамлар нарида коштокдек бир нарса ўрмалаб юрарди. Унинг кўриниши Авазга шарсимон яшинни эслатди.

- Йиртқичга унча ўхшамайди-ку?

— Олдига яқинлашсангиз биласиз. Улар атрофга биоэлектрик тўлқин тарқатишади. Тўлқин майдонига тушган ҳар қандай жонзот қарахтланиб қолади. Кейин теарра ўша жонзотга ёпишиб, сўра бошлайди. Яхшиямки, улар сувдан ўта олишмайди, акс ҳолда анчамунча ташвиш келтиришарди бизга.

Пича вақтдан сўнг Аваз теарраларни унутиб, яна расм чизишга тушди. Бир пайт дарё ўртасида нимадир кўрингандек бўлди. У ўша ёққа қараркан, қўлидаги мўйқалам тушиб кетди.

- Сизга нима бўлди? — деб сўради қиз.

Аваз унга эътибор бермади. Жимирлаб оқаётган сув сатҳида қанақадир хона, хона ўртасида Шахло кўзига кўринди. Унинг ёнида яна бир кимса ҳам бор эди. У одам кулимсираганча нималарнидир гапирар, Шахло ўша одатий нозли табассум билан унинг сўзларини тингларди. Юрагига биров ханжар ургандек бўлди. Шу пайт Шахло чўчиб, Аваз томонга ўгирилди. Қизнинг нозик бармоқлари титрар, юзи хиёл оқарган, бахмалдек майин нигоҳи гуссага тўлиқ эди. Улар шу тариқа бир-бирларига тикилиб қолишди. Сўнг хона ҳам, Шахло ҳам кўздан йўқолди.

Қиз ўрнидан туриб, унинг елкасига астагина туртиди:

- Аваз, сизга нима бўлди?

Йигит унга талмовсираб қаради. Кейин сал ўзига келиб, мўйқаламларни йиғиштира бошлади.

— Кўзимга нимадир чалинди шекилли, — деди у ҳазин овозда. Унинг бошидан кечган хангомадан беҳабар Арухшама нега бирпасда бунчалик ўзгариб қолганига тушунмай ҳайрон эди.

Аваз Марказга ёруғ дунёси қоронғи бўлиб қайтди. У яна ҳеч қаерга сиғмай қолди. На расм чизиш, на

қўшиқ тинглаш кўнглига таскин берарди. У нима қиларини билмай Атлантида тарихини қўлига олди.

## 121—124— САҲИФАЛАР

«— Ҳазрати олийлари, қандайдир қиз Монтс тажрибахонасидан сизга мактуб келтирибди. Унда сизнинг рухсатномангиз бор.

Иш столида ёзиш билан машғул бўлган Тааси бошини кўтармай жавоб берди:

— Майли, кирсин.

Қиз ичкарига ботиниб-ботинмай қадам ташлади. Сўнг ҳукмдор ишини тамолаб, ўзига назар ташламагунча нафасини ичига ютиб тураверди.

— Хуш келибсиз, мухтарам хоним!

— Сизга бахт ва иқбол ёр бўлсин ҳазрати олийлари!

Ҳукмдор унга савол назари билан қаради.

— Мухтарам Монтсдан мактуб келтиргандим,— деди қиз ва таъзим бажо келтириб, унга хатни узатди.

Тааси кунига юзлаб хат ва ҳужжатларни ўқишга ўрганиб қолган давлат арбобларига хос бепарволик билан мактубни очди: хатни ўқиб аввалига ҳеч нимани тушунмади. Яна бир қайта ўқиб чиқди ва қизга шубҳаланиб қаради. Унинг ҳеч гапдан хабари йўқлигини англаб, хатни учинчи бор ўқиди. Олдида турган қизни ҳам унутиб, эсанкираб қолган ҳукмдор ниҳоят ўзини қўлга олиб, бурчакдаги тасвирий алоқа қурилмаси томонга ташланди. Сал ўтиб кулранг экранда Монтснинг тасвири кўринди.

— Саломатмисиз, ҳазрати олийлари!

— Салом, Монтс. Сизга нима бўлди? Нима гап ўзи?

— Мақсадимни хатда батафсил ёзганман. Қисқаси, Атлантида деб аталмиш лаънати мамлакатнинг кулини кўкка совурмоқчиман. Ҳар қанча миннатдорчиликнингизни Азурефига билдилинг. У туфайли тараққиётнинг маънавий бойликлари сақланиб қоляпти. Уни ўзингиз билан олиб кетарсиз деган умидданман.

Бу гапдан қиз Азурефи ҳам жуда-жуда гангиб қолди. У нима воқеалар юз бераётганига тушунмаса-да, Монтснинг таҳдидли гапларини эшитиб, хуши бошидан учаёзди.

— Нималар деяпсиз?— деб қичқириб юборди у.

— Мени кечир Азурефи, бошқача йўл тутолмайман. Хатни ўқисанг ҳаммасига тушунасан.

Қиз Таасининг кимлигини ҳам унутиб, қўлидаги мактубни юлқиб олди. Мактубни ўқиб чиққач, оҳ тортганча хушидан кетди. Тааси қизни яқиндаги ўриндиққа ётқизиб, Монтсга мурожаат қилди:

— Сиз қандай даҳшатли жиноятга қўл ураётганингизни тасаввур этияпсизми?! Тушунинг, ўшанда машғум хато юз берган эди! Бизнинг мақсадимиз мутаэдларни қириб ташлаш эмасди!

— Унда заҳарли газ нима учун ишлатилган — қўрқитиш учунми?! — Ҳамма бало шундаки, мутаэдлар фожияси ёнига бошқа сон-саноксиз фожияларни ҳам қўшиш мумкин. Сизларнинг чангалларингизда бутун ер юзи азоб чекмоқда, халқлар ёввойи ҳайвонлардек кун кечирмоқда. Ўзингизни оқлашингиз учун ҳеч қандай асосингиз йўқ, ҳазрати олийлари! Мен жиноят қилаётганим йўқ. Сизлар бошқа халқларнинггина эмас, ўз халқингизни ҳам ҳалокатга бошлаб бори-



сизлар! Сизлар аста-секин чириб ўлишга маҳкумсизлар! Мен ана шу фожияни тезлаштирмақчиман, холос.

Таасининг боши қуй солинди. У минг йиллик салтанат тугаганини англаб етган эди...

Шу куни кечаси ўнлаб коинот кемалари парвоз этди. Уларнинг ҳаммаси Ой томон йўл олди. Субҳидам маҳали яна бир неча кема бирданига кўкка кўтарилди. Атлантиданинг куёши сўнгги бора уфқдан бош кўтарганда эса учиб майдонидаги сўнгги кема қуйруғидан олов пуркаганча осмон қучоғига интилди. Бу кема Ер атрофида айлана бошлади. Кемада Атлантида ҳукмдори тўғарак дарчадан кўринаётган зангори сайёрага тикилганча изтироб алангасида қовурилди эди.

Портлаш куёш уфқдан эндигина бош кўтарган лаҳзаларда содир бўлди: дастлаб ер бағирлаб тарқалган силкиниш бир неча дақиқа ичида барча уй ва иншоотларни вайрон қилиб юборди. Одамлар нима ходиса юз бераётганини англаб улгурмасдан оёқ остидаги замин қўл сатҳидек мавжлана бошлади. Бир зумда тубсиз жарлар пайдо бўлди. Ернинг одатдан ташқари силкиниши натижасида юзага келган ультара товуш тўлқинлари одамларни ақдан оздирар, аксарият кишилар ҳеч нимани тушунмай жон таслим қилардилар.

Вэдинг Сэ тажрибахонаси ўрнида қизғиш алангага бурканган қоп-қора тутун кўкка бўй чўзди. Тутуннинг баландлиги қирқ минг метрларга етганда осмонда иккинчи «куёш» — термоядро куёши порлади ва борлиқ қоғоз қутидек гуриллаб ёнишга тушди. Бу орада заминдан даҳшатли вулқонлар отилиб чиқди. Портлашнинг ҳаво тўлқини вулқонлар кулинию тутунларини аралаштириб учириб кетди».

Аваз китобини ёнидаги курсига қўйиб ўрнидан турди. Балкон панжарасига суянди. Тим қора осмонда юлдузлар жимирлайди. Бу сайёранинг табиий йўлдоши йўқ, бинобарин, ойдин кечалар бўлмайди — кечалари зимистон. Кўндузлари эса аксинча, ҳамма нарса ярқираб кўринади; ёруғлик керагидан ортиқ мўл-қўл. Нотаниш дунё, нотаниш одамлар... Гарчи уларнинг аждодлари ерлик бўлсада, барибир Аваз учун бегона. Фақат Бэни билан Арухшама ва яна бир-иккиталари маълум даражада мустасно бундан.

У кеча кўрган тушини эслади: тушида тўлқинлари мавж урган бир денгизнинг қирғоғида ёлғиз қолибди. Қирғоқ қоялардан, тошлардан иборат эди. Бу қоялар, тошлар муз сингари ялтироқ, силлиқ ва совуқ эди. Ўркач-ўркач тўлқинлар зарбидан қоялар зириллар, юзига муздек томчилар уриларди. У ортига ўгирилди — поёнсиз кетган чўл. Изғирин шамол кимсасиз биёбонда оч бўридек увиллайди, қуриган ўт-ўланларни юлқилайди, қумларни тўзғитиб учиради. Унинг бир ўзи поёнсиз денгиз ўртасида ожиз қушчадек шумшайиб

турибди. Қушчадек ожиз. Хаёлида абадул-абад шу ерда қолиб кетадигандек. Ўн йиллаб, юз йиллаб кимғидир, кимларнидир кутиб, танҳоликда умр кечирадигандек. Кўзга кўринмас бир чангал юрагини гижимлай бошлади. Бу ердан қочиб кетмоқчи бўлди. Лекин қаёққа қочсин?.. Денгизнинг муздек қирғоғига ўзини отиш учун юраги бетламасди. Поёнсиз чўл томон, ҳув ўша тентак қуюнлар чирпирак бўлиб ўйнашаётган бўшлиқлар томон бош олиб кетишга ҳам журъати етишмасди... Бир пайт қайсидир ковакдан эчкиэмарга ўхшаган махлуқ ўрмалаб чиқди. Махлуқ оғзини дам очиб, дам ёпиб Авазга яқинлаша бошлади. Вужудини кўрқув эгаллади. Жон-ҳолатда ёнбошидаги қояга тир-машди. Бир амаллаб қоя тепасига чиққач, ўтирилиб қараса, махлуқнинг шишасимон кўзлари қўл узатса етгудек масофада бақрайиб турибди. У қўлига илинган каттагина қиррали тош билан махлуқнинг бошига туширди. Махлуқ қоядан сирғалганча пастга қулади. Аваз эса совуқ терга ботиб, қалт-қалт титраган кўйи қоя устида ўтириб қолди.

«Жон нақадар ширин, яшаш эса нақадар зерикар-ли», деб ўйлади у юлдузларга тикилиб. Бэни айтганидек, атлантларни фалокатдан огоҳ этиб, қутқариб қолар. Кейин-чи? Кейин нима қилади? Бэни айтган қизиқарли ишлар уни алаҳсита олармикан? Қошқийди Аснрона қайтиб келсаю яна «энагалик» қилишни давом эттирса ёки шунчаки ҳар замонда кўришиб туришса!.. Бу кетишда яшаш баттарин азобга айланади-ку! Қаёқдан ҳам ўша соҳилга борди?!

Асли, омади йўқ одам ўзи. У ёқда ҳам омади юришмаган эди, бу ерда ҳам юришгани йўқ. Аснрона ташлаб кетди уни, азбаройи ўша кўйдирмажон қизни деб. Ана ичкарида сурати, уч кун бўлди, пардани кўтариб қарайди: юраги бетламайди.

Унда вақти-вақти билан бўлиб турадиган маҳзун кайфият ҳукмрон эди ҳозир. Ҳеч нима, ҳатто жуда қизиқиб ўқиётган Атлантида тарихи ҳам юрагига сиғмай қолди. Унинг тоифасидаги инжиқ табиатли кишилар ҳамиша кимнингдир меҳрибонлигига муҳтож бўлишади. Нимаси биландир ёқиб қолган аёлнинг меҳрига, ноз-карашмасига, ширин жилмайишига ташна бўлиб яшашади.

Хонага кириб, Шаҳлонинг сурати олдига борди. Пардани кўтарди. Суратнинг ярми очилганда бар-

моқларидан мадор кетиб, парда сирғалиб тушди. Нима қиларини билмай, талмовсираган қўйи стулга чўкди.

Аснрона ҳам сувга тушган тошдек жимиб кетди. Ростини айтганда, чанқоқ одам сувга қанчалик ташна бўлса, у ҳам шунчалик ташна эди қизнинг муҳаббатига. Шаҳлонинг олдида ўзини гуноҳкор ҳисобламайди. У ҳам унутаёзгандир. Унутмаса... аста секин кўникади. Бир умр тоқ ўтмас. Бас, етар! Аснронага қўнғироқ қилиш керак.

У шахд билан видеотелефон аппарати олдига борди. Бироқ, рақамлар таблосига чўзилган қўли негадир бўшашиб, ёнига тушди: ҳозиргина уйгонган қатъият ўрнини мужмал бир ланжлик эгаллади. Диванга чўзилди. Кўзларини маҳкам юмиб олди. Ҳеч нимани ўйлагиси келмасди, ҳеч нимани! Тасаввурида фақат мовий бўшлиқ. Ҳаммаёқ чеки-чегараси йўқ мовийлик. Чап кўкрагида оғриқ сезилгандек бўлди. Кўзга кўринмас чангал юрагини ғижимлашга тушди. Лекин у тишини тишига босиб ётаверди, қани қанчагача чидаркин?.. Йўк, бўлмади: ирғиб ўрнидан туриб кетди. Қовоқлари каттиқ юмилганида зўриққан кўзига хонадаги буюмлар бир томондан иккинчи томонга ҳаракатланаётгандек кўринди. У яна видеотелефон олдига борди. Бу сафар бармоқлари енгил ҳаракатланиб, керакли номерларни босиб чиқди. Сал ўтмай Аснронанинг товуши эшитилди.

— Ким сўраяпти?

— Аснрона, бу мен, — деди нафаси бўғзига тиқилгудек бўлиб.

Аппарат экрани ёришди.

— Авазжон... — Қиз ютиниб жим қолди.

— Салом, Аснрона. Ишларингиз қалай?

— Бир нави. Ўзингизники-чи?

— Яхши, расадхонада ишлайман, — деди у қизнинг латиф юзига соғинч билан тикилиб. — Марказга қачон қайтасиз?

— Менсиз зерикиб қолдингизми? — дея илиққина кулимсиради қиз.

— Ҳа. Сиз мендан хафамисиз?

Қиз бошини сарак-сарак қилди.

— Унда нега кетиб қолдингиз?

— Рости, ўзим ҳам билмайман, Авазжон. Балки ўзингиз мажбур қилгандирсиз.

— Аснрона, мени тўғри тушунишга ҳаракат

қилинг. Аҳволимни яхши биласиз-ку. Жудаям соғиндим сизни.

Қиз бир қўли билан сочини силаб, мулойимгина табассум қилди. Авазнинг назарида, борлиқ мусаффоликка тўлгандек бўлди. Юрагини гижимлаб турган чангал ёзилиб, бир зумда енгил тортди.

— Нима, у ердаги хонимларимиз ҳалигача бошингизни айлантира олмадиларми?

— Ҳозирча йўқ, лекин келавермасангиз...

— Шунақа денг, — дея қиз бармоғи билан пўписа қилди. — Унда эртадан кейин етиб борганим бўлсин. Озгина ишим бор, шуни битирай хўпми? — деди Аснро-на гулдек яшнаб.

Улар алламаҳалгача суҳбатлашдилар. Сўнг истаристамас хайрлашишди.

Аваз ухлашга қанчалик уринмасин кўзи илинмади. Лекин бу юракни сиқадиган, азоб берадиган уйқусизлик эмасди. Балки ширин ўйларга бой уйқусизлик эди. Ўринда у ёқдан-бу ёққа ағанайвериб чарчаган Аваз охири зерикиб чироқни ёқди ва яна Атлантида тарихини ўқишга киришди.

## 190—194-САҲИФАЛАР

«Ойдаги илмий станция. Вазни енгиллашганига ҳали унча кўникмаган Тааси бесўнақай одим отиб, дераза ёнига келди. Қоп-қора осмон, юлдузлар совуқ чарақлайди. Бир томони зулмат қўйнига чўмган Ер гўё мунгайгандек кўринади бу жойдан.

— Ҳазрати олийлари, ҳамма йиғилди.

— Ҳозир, ҳозир бораман.

Чоғроққина залда Атлантиданинг омон қолган сўнгги фарзандлари тўнланишган. Тааси минбар ёнида каловланиб, нича вақт гап бошлай олмай турди.

— Дилбар хонимлар, муҳтарам жаноблар! — деди у, сўнг нимагадир сўзлашдан тўхтаб, минбар четини черта бошлади. Хиёл ўтиб, у бирдан ўзига келди-да, гапида давом этди: — Хуллас, энди минг йиллик салтанат йўқ. Нимаики воқеа юз берган бўлса, ҳаммасига ўзингиз гувоҳсизлар. Олдимизда эса жуда-жуда муҳим вазифалар турибди: булардан асосийси — юлдузлараро коинот сафарини амалга ошириш. Ихтиёримизда саккизта юлдузкезар кема бор. Шулардан еттитаси бир ойлик тайёргарликдан сўнг мунажжимларимиз томонидан кашф этилган, янаш учун яроқли деб топилган Яшил сайёрага томон парвоз этади. Бу кемаларда бир юз саксонта фазогир сафарга жўнаёди. Қолганлар, мен ҳам, шу жойда қолиб Еримиздаги жараёнларни кузатиб борамиз. Тахминан икки йилдан сўнг бизлар ҳам ортингиздан жўнаёмиз. Муҳтарама хонимлар, муҳтарам жаноблар! Азизларим! Шуни унутмангки, олдингизда икки минг йиллик саёҳат

турибди. Ўз-ўзидан тушунарлики, саёхатни ниҳоясига етказиш бизларга насиб қилмайди. Бинобарин, сафар чоғида авлод қолдириш масаласига жиддий муносабатда бўлингиз. Олис сафарда юлдузкезар кема аъзолари миқдорини мақбул ҳолатда сақлаб бориш мураккаб муаммодир. Шу сабабли туйғуларга ортиқча эрк бермай, оқилона йўл тутингиз. Айниқса, ўзаро ихтилофларга қатъий чек қўйиб бориш керак. Зеро, бизнинг авлодларимиз Яшил сайёрада иккинчи Атлантидани бунёд этишлари лозим. Пайти келиб авлодларимиз Ерга қайтиб ҳам келишар, аммо улар фақат яхши ниятлар билан ташриф буюришади. Биз эса Она еримиз олдида гоёта гуноҳқормиз... — деди у гапининг сўнгида ва фазогирларга қараганча жим қолди... Фазогирлар ҳам сукут сақлашардилар...»

Портлашлар Атлантида қитъаси остидаги тектоник кучларни ҳаракатга солиб қўйган эди. Мамлакат ерлари ойлар ўтган сайин тезроқ чўка бошлади. Океан сувлари Атлантида ерларига кундан кунга кўпроқ бостириб борарди. Тинимсиз отилаётган вулқонлар ҳаммаёқни ғалвир қилиб юборган эди. Ниҳоят, портлаш юз бергандан сўнг икки йил ўтгач, дунё ҳукмрони бўлмиш Атлантида ўрнида океан сувлари мавж ура бошлади. Фалокат моҳияти эса олис юлдузлар сари сафарга отланаётган санокли кишиларни ҳисобга олмаганда ўлганлар учун ҳам, тирик қолган бошқа халқлар учун ҳам мавҳумлигича қолди.

Учинчи йили Ой яқинидан сўнги юлдузкезар кема парвоз қилди. Нима мақсадларнидир кўзлаб Ойдаги ва Ерга яқин сайёралардаги барча илмий тажрибахоналарни из қолдирмайдиган қилиб йўқ қилишди.

Таасининг башоратида айтилгандек, Атлантида авлодлари яна Ерга қайтиб келдилар. Бу пайтда Ер ўзининг йигирманчи асри бўсағасида турарди. Олис Яшил сайёрадан келган фазогирлар ўзларини одамларга билдиришни лозим топмадилар. Ер одамлари билан мулоқот қилиш учун вақт ҳали эрта, деб ҳисоблашган Атлантида вакиллари йигирманчи аср бошларида Ерни тарк этишди. Жўнаш олдидан Ернинг бир қанча жойларига одамлар нигоҳидан пана қилиб, ихчам асбобларини ўрнатиб кетишди. Бу асбоблар одамлар фикрлаганда атрофга тарқалувчи биоэлектрик тўлқинларни қабул қилишга мосланган эди. Ушандан бери асбоблар одатдаги электромагнит тўлқинлардан мутлақо фарқ қилувчи, ёруғлик тезлигидан мингларча марта тез ҳаракатланувчи махсус тўлқинлар ёрдамида қабул қилинган маълумотларни Плутон сайёрасида жойлашган автомат станцияга мунтазам узатиб туради. Станция-

даги сунъий мия маълумотларни саралаб, улар асосида инсониятнинг ижтимоий ҳаёти тўғрисидаги умумий хулосаларни ишлаб чиқарарди. Булардан ташқари, фавқуллода қобилиятли одамларнинг ирсий кодларини ҳам хотира блокига ёзиб борарди. Вақти-вақти билан станцияда тўпланган маълумотлар Яшил сайёрага узатилади.

Йўл юриб хийла чарчаган Асрона йигит билан учрашишдан олдин дам олишга қарор қилди. Бир оз чўзилиб ётди ҳам. Бироқ, бахт нашидасидан маст юраги тинч ётишга йўл қўймади. Дунёдаги жамики нарсани унутиб, Авазнинг хонасига ошиқаркан, фақат бир нарса учун — севгилисига гўзалроқ кўриниш мақсадида либос танлаш ва сочига оройиш бериш учунгина пича тўхталди. Афсуски, бу оройишлар аталган кимса хонасида йўқ эди. Қиз бўшашибгина ортига қайтди. Кўзгуга қараб сочларига оройиш берган бўлди-да, бирор кимсадан Авазни суриштириш мақсадида ходимлар дам оладиган залга кетди. У узундан узоқ коридорда юриб бораркан, рўпарасидан келаётган устозини кўриб юраги ғаш тортди. Негаки уни ҳеч қачон ҳозиргидек кайфияти бузуқ аҳволда кўрмаган эди. Ўз навбатида Бэни ҳам қизнинг кутилмаган ташрифидан таажжубландида, ўшқира бошлади.

— Сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз?! Сизни ким чақиртирди?! Ҳаммангиз ўзбошимчасиз! Ҳозироқ орқангизга қайтинг!

Қиз қандайдир фалокат юз берганини кўнгли сезиб, унинг ўшқаришига ҳам эътибор бермай сўради:

— Аваз, Аваз қаерда?!

— Аваз?! Жин урсин, ўша ерлик сентиментални! Тинчгина журавермасдан соҳилда расм чизганига куяйми!— Бэни қўлини силтаб, нималарнидир вайсаганча Марказнинг шифохона бўлими томон кетди. Эс-хушидан айрилган қиз ҳам ўша ёққа отилди.

Асрона Марказга қайтиб келгунча тубандаги воқеа юз берган эди: Аваз қиз билан суҳбатлашган куннинг эртаси кечгача расадхонада ранглари кузатиш билан машғул бўлди. Иш вақти тугагач, Марказга боргиси келмади. Бўёқлар солинган қутисини олиб соҳилдаги шийпончага жўнади. У қаттиқ чарчаган бўлса-да, руҳи тетик, кайфияти яхши эди. Тез-тез одимлаганча шийпончага чиқди. Оппоқ картонни бўёқ қутисига ўрнатди. Мўйқаламни қўлига олди. Пастак курсига ўтирди.

Борлиқ одатдаги оқшом сукунати оғушида. Қуюқ ўсган қизил, зарғалдоқ, мовий рангли ўтлар орасидан ҳар замонда шаффоф қанотли қушчалар учиб чиқишади, чийиллашиб қаёққадир парвоз қилишади. Сув ўтларига ўхшаш улкан дарахтлар шамолда вазмин чайқалишади.

У шийпончада Асрона билан ўтказилган лаҳзаларини эслади. Ширин бир ҳаяжон юрагини гумиртирди. Билагига тақилган магнитофон тугмасини босди.

*Қаро кўзум келу мардумлиғ энди фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил...*

*Ҳазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монёв,  
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил...*

Авазнинг туйғулари дарё узра қанот қоқмоқда эди. У анчадан бери орзу қилган оромига эришган эди. Бу шундай бир ором эдики, унинг ҳар бир дақиқаси ҳар қанча шоду хуррамликдан юксак турарди. Мана энди ҳаммаси жойига тушди. Ҳаммаси. Ҳарҳолда тинчроқ яшаш мумкин энди. Фақат Шахло бўлганда... Яна Шахло! У ғамгин кулимсиради: «Ҳа, майли, барибир уни унута олмайман шекилли. Нима бўлганда ҳам у менинг орзуйим, етиша олмаган бахтим, қувончим эди. Бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. У оппоқ булутлар узра одимлаб бораётган фаришта мисол ҳамиша қалбимга оппоқ нур сочиб туради. У туфайли... Гарчи у туфайли қанчалар азоб чеккан бўлсам-да, барибир ана шу фаришта туфайли осмоним беғубор ва гўзалдир. Асрона менинг бу ожизлигимни кечиради. Агар ростдан севса кечиради.

Хаёлга чўмиб ўтирган Аваз бир маҳал туйқусдан пайдо бўлган ғалати истақдан, нариги қирғоққа сузиб ўтиш истагидан ҳайратга тушди. У қизиқсиниб ўша ёққа қаради: у томонда ербағирлаб сузиб юрган теарраларни кўриб, теарраларнинг активлашиши тўғрисидаги огоҳлантиришни эслади. Тобора зўрайиб бораётган истақдан қутулиш учун шийпончадан қочмоқчи бўлди. Бироқ, кечикди. Нариги ёқдаги теарралар сони йигирматадан ошиб кетди. Аваз миясини ғовлатиб юборган истақка қарши туролмай ўзини сувга ташлади...

— Муҳтарам Бэни, Авазни кўрдингизми?

— Йўқ, нимаиди?

— У хонасида йўқ.

— Кутубхонададир балки?

— Йўқ. Мен Марказнинг ҳамма ерини ахтариб чиқдим. Аваз расадхонадан қайтмабди.

— Нега қайтмайди?!

— Б-билмадим,— деди Арухшама довдираб.— Тўрт соатлар бурун расадхонадан чиқиб кетган. Қўлида бўёқ солинадиган қутиси ҳам бор эди. Агар янглишмасам расм чизгани соҳилдаги шийпончага кетган бўлиши мумкин. Лекин, аллақачон қоронғи тушган — шу пайтгача расм чизмас...

— Мен билан юринг!.. — деб қичқирди Бэни.

Улар Марказ тепасига чиқишиб, шоша-пиша сунъий қанотларни елкага тақишди-да, соҳилга парвоз қилишди.

Турган гапки, у соҳилда эмасди. Сочилиб ётган мўйқалам ва бўёқларни кўриб Бэнининг юраги орқага тортиб кетди.

Улар яна ҳавога кўтарилишди. Алқисса, излаш кўп давом этмади. Арухшама ярим чақиримча баландликка кўтарилган пайтда теарралар яшайдиган ясси тоғ ёнбағридаги чакалақлар оралиғида каттакон ёруғ доирани кўриб қолди. У тоғ тепасида айланганча оҳиста пастланди. Шунда ғаройиб манзаранинг шоҳиди бўлди: чакалақлардан холи ялангликда мингларча теарралар давра қуришган эди. Давра ўртасидаги бўш жойда одам гавдаси қорайиб кўринарди. Пастдан Арухшама туншунмайдиган тилдаги ғалати қўшиқ оҳанглари элас-элас қулоққа чалинарди. Мингларча теарралар ана шу қўшиқ оҳангига мослаб нурланишар, гўё нурий рақсга тушишар эдилар. Тун пардасига ўралган чакалақлар ўртасидаги бу манзара ғоятда сирли ва улуғвор эди.

Арухшама Бэнига хабар қилди. Нурли доира ўртасида Аваз ётганига шубҳа йўқ эди. Лекин, уни қандай қилиб теарралар ўртасидан олиб чиқиш мумкин?.. У ерга тушган кимса Аваз қисматига шерик бўлиши аниқ эди.

— Муҳтарам Бэни, менда бир таклиф бор,— деди Арухшама унга яқинроқ учиб.

— Гапиринг.

Қиз қўли билан пастга ишора қилди:

— Эътибор беряпсизми, теарралар негадир Авазга яқинлаша олишмаяпти. Назаримда, улар қандайдир қўшиқ оҳангига мос рақс тушишаётгандек туюляпти.

— Қанақа қўшиқ!— дея тоғ томондан эсаётган ша-



мол ва қанотлар шитирлашидан унинг гапини яхши  
ишита олмай қичқириб сўради Бэни.

— Овоз кучайтиргичингизни пастга, Аваз томонга  
тўғриланг!

Бэни овоз кучайтирувчи мосламани пастга тўғри-  
лаб, ишга туширган эди, қулоғи остида Авазнинг се-  
вимли қўшиғи янгради.

— Арухшама! Фикрингизни тушундим. Тезда Мар-  
казга учинг! Авазнинг хонасидан шу қўшиқ ёзилган  
стерженни топиб, ҳув анави яланглик четига етиб ке-  
линг. Мегафонлар эсингиздан чиқмасин!

Ўн дақиқалардан сўнг Арухшама бир неча ходим  
билан овоз кучайтирувчи мегафонлар ва бошқа мосла-  
маларни кўтаришганча учиб келишди. Бэни кўрсатган  
ерга мегафонларни ўрнатишди. Мегафонлар таратаёт-  
ган товуш Авазнинг магнитофони овозини босиб кетди.  
Теарралар ғимирлаб қолишди. Улар кучлироқ овоз  
чиқараётган мегафонлар атрофини ўрай бошладилар.  
Энди теарралар олдингисидан ҳам жазавали товланиб  
рақсга тушардилар. Ниҳоят, сўнгги теарралар Авазни  
тарк этишгач, уни шоша-пиша ердан кўтариб олишди.  
Мингларча теарраларнинг кучли биоэлектрик тўлқин-  
лари остида узоқ вақт ётгани учун унинг асаблари  
фалажланиб қолган эди.

Шифохона бўлимида, махсус шиша қалпоқ остида  
Аваз чуқур уйқуга кетган кимсадек ётарди. Қиз ма-  
жолсизланиб, шамол синдирган гулдек шиша қалпоқ  
устига йиқилди. Бэни унинг елкасидан ушлаб, аста  
тургизди ва қизни суяган кўйи Авазга энгашиб қа-  
ради.

— Эҳ, бечора бола. Сенга ўринсиз таъналар ёғдир-  
ганим учун мияси айниган чолни кечир. Сени ўз ман-  
фаатимиз йўлида қайта оёққа тургизиб, жафокаш қал-  
бингга қанчалар азоб берсаму яна таъналар қилсам!  
Нима қилай, бу ишларни одамлар учун қиялман.  
Яхшими, ёмонми, ақллими, аҳмоқми одам одам-да!..—  
Сўнг у докторга мурожаат қилди:— Ўзгариш борми?

Доктор ярим соат олдин айтган жавобни қийналиб  
такрорлади:

— Ҳозирча ўзгариш йўқ, муҳтарам Бэни.

Бэни ҳаммасига гўё у айбдордек ўқрайиб қараб  
қўйди.

— Асирона, юр унинг хонасига борамиз.

— Мен шу ерда қоламан.

— Бу ерда унга ёрдам беролмаймиз. Унинг хонаси-га боришимиз керак. Зора бирор чора ўйлаб топсак.

Бэни Авазнинг хонасини шошилмай айланар экан, унинг буюмларини диққат билан кўздан кечирарди. Четдан қараганда бу юмушни у атайин қиляптими ёки беихтиёрми билиб бўлмасди. Аснрона эса ҳеч нимага эътибор бермай гамга ботиб ўтирарди.

— Манави қиз ким? — деб Бэни Шаҳлонинг сурати-га ишора қилди.

— Севгилиси. Унинг яхши кўрган қўшиғи ҳам бор.

— Биламан, жуда зўр қўшиқ.

— Тўғри айтасиз...

— Ғалати қўшиқ. Ҳатто сирли қўшиқ дейиш мумкин. Агар шу қўшиқ бўлмаганда у аллақачон теаррларга ем бўларди.

Қиз унга ажабланиб қаради.

— Қўшиқ оҳанги теарралар асабини карахтлаб қўяркан, — дея изоҳ берди Бэни. — Теарралар тарқатган тўлқин бизнинг эс-ҳушимизни қандай жиловлаб қўйса, қўшиқ оҳанги ҳам уларни шундай жиловлаб қўяркан... Агар у ўзига келмаса, ҳалок бўламиз, — деди у салдан кейин. — Тажрибахоналаримизнинг бутун бир тармоғи ҳам унинг ўрнини босолмайди.

— Устоз, мен сизнинг фикрингиз тўғрилигига ишонаман, лекин нима учун айнан Авазни танлаганингиз, очигини айтсам, тушунарсиз. Илтимос, тушунтирсангиз! Балки, Авазни ўзига келтириш учун ёрдамим тегар.

— Кўпчилик менинг фикримга тушунмаяпти. Ҳатто устимдан куладиганлар ҳам анча-мунча. Биласанми, Аваз — нозик қалб эгаси. Унинг таъсирчанлигини ҳеч нима билан қиёслаб бўлмас. У бутун борлиғи-ла гўзалликка ошуфта. Унинг қалби бошқалар ҳис эта олмаган гўзалликни ҳис эта олади. Бошқалар ҳис этмаган қабоҳатдан ларзага келади, азоб чекади. Янада аниқроқ қилиб айтилса, унинг қалбини сезгир индикаторга қиёслаш мумкин. Индикаторлар ҳар хил бўлади. Айтайлик, ёруғлик кучини жуда аниқлик билан ўлчайдиган ёки бундайроқ аниқликда ўлчайдиган индикаторлар мавжуд. Шунингдек, қалблар ҳам турфа хил. Лоқайдликдан тош қотган совуқ қалб эгалари учун Авазнинг дардкаш қалби бизни ҳалокатдан қутқариши мумкинлиги ҳавойи гаудек туюлиши турган гап. Мен мўлжаллаган режа бундай эди: биз атлантлар қўпи билан юз хил атрофдаги рангларни бир-биридан

фарқлай биламиз. Ерликлар эса биздан икки-уч баробар ортиқроқ рангни кўра олишади. Аваз ана шу ерликлар ичида камдан-кам учрайдиган қобилият соҳибиги, у мингларча рангларни бир-биридан ажрата олади. Рангларнинг кўз илғамас жилваларини ҳис эта олади. Хуллас, сайёрамиз «қуёши» чақнашидан бир неча соат олдин ёритгич спектрининг қизил рангдан сариқ рангга ўтиш соҳасида ниҳоятда нозик, кўз илғамас тебранишлар, яъни қизил ва сариқ ранглар аралашмасининг «рақси» юз беради. Худди ана шу «рақс» киши асабига бошқачароқ таъсир қилади. Эшитяпсанми, бошқачароқ таъсир қилади. Бу ранглар рақсини кўриш учун Авазникидек қобилиятга эга бўлиш керак. Ҳис этмоқ учун эса, унинг қалбидек қалб соҳибиги бўлиш лозим. Энди тушундингми?

— Тушундим, устоз.

— Тақдир ўйинини қараки, бир замонлар қандайдир қизалоқнинг телбаларча муҳаббати Монтснинг музлаган юрагини илитган эди. Ўйлаб кўргин-а, ўшанда мудҳиш лаҳзаларда ишқ ўтида ёнган қизча Монтснинг олдига бормаганда, у Таасини огоҳлантириб ўтирмай портлашни амалга оширган бўларди, бизлар ҳам бу ерда иккинчи Атлантидани вужудга келтирмаган бўлардик. Энди эса Авазнинг ноёб қобилияти ҳамда муҳаббатга тўлиқ қалби бизни ҳалокатдан қутқариши керак.— Бэни пича сукут сақлаб, сўнг гапида давом этди.— Қолаверса, Ер аجدодларимиз макони — қачон бўлмасин ерликлар билан мулоқот ўрнатишимиз зарур. Нима учунлигини билмайман-у, юрагим доимо ўша зангори сайёра томон талпинаверади. Балки, Аваз тўғрисидаги фикр ҳам шу сабабли туғилгандир менда.

Асрона суратга тикилган кўйи ўйланиб ўтираркан, бир пайт тўсатдан гапириб қолди.

— Балки, Шахло ёрдам берар?

— Шахло?! Ким у Шахло?

— Авазнинг севгилиси, манави қиз... Айтмоқчийдимки, оний алоқа қурилмаси ёрдамида Ер билан алоқа ўрнатилса. Яъни, телепатик алоқа орқали Шахло билан Аваз мулоқотда бўлса. Ахир, у Шахлони жон-дилидан севади! Шахлонинг бир оғиз ширин сўзи ҳар қандай доридан, шифобахш биотоклардан кучлироқ таъсир кўрсатиши мумкин.

— Дадил фикр!— Бэни ирғиб ўрнидан турди.—

Омадимиз келмаса-чи? Ҳай, таваккал, ҳозир бошқа иложимиз ҳам йўқ...

— Муҳтарам Бэни, бемор биоэлектрик майдонга киритилиши мумкин.

— Юрак уруши қандай?

— Секин уряпти.

— Нафас олиши?

— Бир дақиқада уч марта.

— Бошқа аъзолари қандай?

— Мўътадил.

— Асаблари-чи?

— Фалажланган.

— Голографик қурилмани тайёрланг!

— Тайёр.

— Бемор биоэлектрик майдонга киритилсин!

— Бемор биоэлектрик майдонга киритилди.

— Диққат қилинг! Оний алоқа қурилмаси ишга тушмоқда!

Аваз ётган хона ёришиб, тоғ лоласидек қип-қизил кўйлак кийган қиз майингина одимлаганча йигит тепасига яқинлашди...

Айни шу дақиқаларда ёруғлик нури мингларча йилларда базўр етиб борадиган олис зангори сайёрадаги гўзал бир шаҳарда одамлар тинчгина ухлаб ётишарди. Ўша шаҳардаги уйларнинг бирида ипакдек майин сочлари пар ёстиқда тўзғиган гул дудоқли сулув бир қиз сирли тушлар кўрарди. Тушида севгилиси қаердадир оғир бетоб бўлиб ётганмиш. Ўзи эса унинг тепасида кўзёши тўкиб турганмиш.

— Аваз ака! Сизга нима бўлди?!

Йигит бир сапчиб тушди.

— Шаҳло!..— дея заиф товушда пичирлади у.

— Ҳа, ҳа! Бу менман, Аваз ака!..

— Шаҳло! Бу ерда нима қилиб юрибсиз?!

— Сизни соғиндим! Жудаям соғиндим!

— Соғиндим?— деди йигит ўзича гапиргандек.—

Наҳот севсангиз?!

Қиз бошини эгиб, жим қолди. Йигит аста ўрнидан туриб (аслида, ўзи эмас, ҳаракатсиз гавдадан ажралган шарпа ўрнидан турган эди), қизнинг қўлидан ушлади.

— Сизни қанчалар соғинганимни билсангиз эди. Юрагим қон бўлиб кетди.

— Менинг ҳам!

Йигитнинг юраги ҳаприқди. Бутун вужуди-ла қизга талпинди.

— Эҳ, қанчалик аҳмоқман!.. Ахир юрагим ҳамиша сезарди севишингизни! Лекин чўчирдим-да. Сизни ҳафа қилиб қўйишимдан чўчирдим. Оҳ, Шаҳло! Сизни қанчалар эъзозлашимни тасаввур ҳам қилолмайсиз! Бутун борлигимни сизга бағишлаб юборганимни тасаввур ҳам қилолмайсиз! Эшитяпсизми, бутун борлигимни сизга бағишлаб юборганимни тасаввур ҳам қилолмайсиз! Сизни соғиниб эсламаган бирор кун, бирор соатим бормикан?!

— Ҳаммасига мен айбдорман, Аваз ака!.. Рост, сизни севардим, фақат тан олгим келмасди. Нима учунлигини ўзим ҳам билмайман. Йўқ, йўқ, билмайман... — Қиз бир зум жим қолиб, сўнг гапида қийналиб давом этди: — Азбаройи гурурим йўл қўймасди. Аҳмоқона гурур! — У алам билан лабини буриб қўйди. — Дугоналарим мазах қилишарди...

— Нега?! — деб сўради Аваз ҳайрон бўлиб.

— Э-э... — Шаҳло жавоб бергиси келмай қўлини силтади, кейин бирдан севгилисига ўпкали қараб, нозли товушда: — Ўзийизам бир тортинчоқсиз. Яна нуқул ҳаёл суриб юрганийиз-юрган, — деди.

Аваз кулиб юборди.

— Нима қилай, сут билан кирган одат жон билан чиқади, деган нақл бор.

— Э боринг-э, — дея қиз нозланиб юзини бурди. Йигит севгилисининг хушбичим иягидан авайлабгина ушлаб ўзига қаратди: муштоқ лаблар оҳиста жуфтлашди.

...Шаҳло уйқу аралаш севгилисининг қайноқ бўсаларидан сархушланганча ётаркан, онгининг қайси бир уйғоқ бурчаги бу ҳодисалар туш эканлигидан огоҳлантириб турарди. Лекин бу туш мутлақо бошқача туш эди. Лаблари қайноқ бўсаларнинг асал таъмини аниқ ҳис этар, елкаларини сийшалаётган бармоқлар тафтидан вужуди ҳузурланар, энтикканча базўр нафас олар эди.

Ниҳоят, висол онлари сўнгига етди. Қандайдир куч уларни бир-бирларидан айирди. Қиз аламдан фарёд чекиб юборди. У ёстигини жон-жаҳди-ла қучганча ўксиб-ўксиб йигларкан, ҳозир кўрганлари туш эканлигига ҳеч ишонгиси келмасди.

Қиз кўксидаги оғриққа чидай олмай ўрнидан туриб

кетди. Нафас олиши қийинлашиб, очиқ дераза олдига борди. Ёз тунининг илиқ ҳавоси юзига урилди-ю, армонли нигоҳини осмонга тикди. У осмонда бодрокдек сочилиб ётган, ажиб бир тарзда жимир-жимир қилишиб, айримлари кўз қисишаётган, айримлари қимматбаҳо тошдек ярқираб чарақлаётган адоғи йўқ юлдузларга то кўзлари тиниб кетгунча тикилди ва бир пайтлар Аваз айтган гап эсига тушди.

— Тунда, айниқса ярим кечада осмонга узоқ вақт қараб турганмисиз? — деган эди йигит қизга. — Юлдузлар... Улар жонлидирлар. Улар вақти-вақти билан чақнаб ҳам туришади. Баъзан бу чақнаш шу қадар кучли бўладики, оқибатда юлдуз ўзини ўзи ҳалок қилади. Бу нарсани инсон қалбидаги галаёнларга ҳам қиёслаш мумкин.

Қиз кўз нурлари билан осмоннинг бир четида милтираб турган ва бошқа юлдузлардан чиройлироқ туюлган юлдузни излаб топди. Назарида, юлдуз атрофида бир қанча сайёралар айланиб юришгандек туюлди.

Сайёралардан бирида эса севгилиси ўзи каби азоб чекаётгандек эди...

Асрона кўз ёшларини бармоқлари билан тўсди.

— Бардам бўл, қизим! — деди Бэни Асронанинг елкасига қўлини қўйиб. — Мени ўз дардингга ҳамдарад деб бил. Энди у меҳрингга янада ташна бўлади, буни унутма. Бағрингни кенг қил. Ахир севасан-ку, уни!

Асрона ҳўнграб йиғлаганча ўзини устозининг кучоғига ташлади.

— Мен... мен унинг Шаҳлоси ўрнини боса олармидим! Уни... уни қайтариш керак! Борсин, севгани билан бахтли бўлсин...

— Яхши, қайтарамиз, — деди Бэни оғир хўрсиниб, Асрона дафъатан хушёр тортиб, устозига ялт этиб қаради.

— Тушунмадим устоз?

— Биласанми, мен сендан ҳам, Аваздан ҳам бир нарсани сир тутгандим. Аваз Ерда ҳали биологик ўлим топгани йўқ. Уни дафн этишганлари тўғрисидаги гапим ҳам ёлгон.

— Бу қанақаси?!

— Шунақасики, у бу сайёрага тўла кўникиши керак эди, лекин мен ўйлаганчалик бўлмади: унинг бошига гишт бўлаги тушгандан буён хушсиз ётибди. Агар

Яшил сайёрада вақт ерга нисбатан тез ўтишини ҳисобга олсак, у беш кундан бери ҳушсиз, холос.

— Унда Авазни тезроқ Ерга қайтариш керак!..

— Ҳа, қайтарамиз, қайтарамиз...

— Айтганча, чақнаш-чи?..

— Чақнаш тўғрисида энди ташвишланмасак ҳам бўлади. Сен келмасингдан сал олдин 18-Қуёш расадхонасидан хабар беришди: чақнаш муддатини соатигача аниқ белгилашибди.

— Демак, Авазни аслида тажриба учун бу ерга келтирган экансиз-да?

— Жудаям унчаликмас. Агар 18-расадхона муддатини аниқлай олмаганда нима бўларди?.. Ҳарҳолда, Авазнинг қобилияти асқотиб қолиши мумкин эди. Энди эса уни Ерга қайтарсак бўлади. Майли, севгани билан дийдор кўришсин...

### III

Аваз баъзур кўзларини очаркан, назарида оламни туман босгандек туюлди... Туман аста-секин хиралашиб, кўз олдида Шаҳлонинг қиёфаси жонлана бошлади: мана, неча-неча уйқусиз тунлар хаёлини ўғирлаган ўша қаро кўзлар меҳрга тўлиб, муҳаббатга тўлиб маъюс тикилиб турибди. Аваз ҳорғингина жилмайди.

Қандайдир, жуда олис-олислардан хазин бир куй таралар, хонанда вазмин оҳангда куйлар эди:

*Қаро кўзум келу мардумлиг энди фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил...*

*Юзида терни кўруб ўлсам эй рафиқ, мени  
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил...*

*Навоий, анжумани шавқ жон оро тузсанг,  
Анинг бошақлиг ўқин шамъи анжуман қилғил...*

### АЛЛОМА ИБЛНИНГ ХАТОСИ

Кўҳна қўрғоннинг зил-замбил табақалари ланг очиқ дарбозасидан чиқиб келган киши тонг нурларида ярақлаётган қорли чўққига бир нафасгина тикилиб, сўнг қалин сочларини юлқилаётган шамолга парво қилмай, қўрғондан эллик қадамлар нарида, хийла

пастликда ўсган кекса арча дарахти остидаги тошга бориб ўтирди. Қўрғон жойлашган ер ҳам кўкўпар тоғнинг этакроқ қисми бўлиб, бу ердан атиги уч-тўрттагина паст-баланд чўққилар кўринарди, холос. Қўрғон олдидаги каттагина ялангликни ва пастликка эниб, дарахтлар орасида кўздан йўқоладиган йўлни айтмаса, теварак-атроф айқаш-уйқаш бўлиб ўсиб ётган бутазор ҳам дарахтзорлардан иборат эди.

Тошга ўтирган кимса арчанинг илдизлари орасидан сизиб чиққан булоқ сувига нигоҳ қадаганча ўйга толганди. У дарбоза олдига келиб тўхтаган машинани ҳам, ундан тушиб ўзи томон келаётган қизни ҳам пайқамади.

— Салом, мухтарам дўстим, — деди қиз унинг ёнига яқинлаша туриб. — Нима, кеча кўрган тушингизни сувга айтяпсизми?

У киши бошини кўтарди, сўнг ирғиб ўрнидан турганча қизни қаршилади:

— Узр, хаёл олиб қочибди. Яхшимисиз Ру? Яхши дам олдингизми?

— Раҳмат, ёмон эмас. Ўзингизнинг ишларингиз қалай? Нимадандир безовта кўринасиз?

— Ҳа, юрагим ғаш. Ҳозир айтганингиздек тушимни сувга айтиб ўтиргандим. Севган аёлим тушимга кирибди.

— Қизиқ? — деди қиз хиёл ажабланиб.

— У билан беш йил илгари танишгандим. Бирга ўтказган дамларимиз ҳаётимизнинг энг бахтли онларидир... Уни ҳалигача соғинаман. Тушларимга кириб чиқади. Лекин, кечаги кўрган тушим бошқача. У жудаям жонли бўлиб қиёфаланди тасаввуримда. Ҳали ўзимга келолганим йўқ.

— Ҳозир у қаерда?

— Билмайман. Икки йил бурун, сиз мени аллома Ибл тажрибахонасига ишга таклиф қилмасингиздан сал олдинроқ у билан ажралишганмиз.

— Демак, у сизни ночор аҳволда ташлаб кетган экан-да.

— Йўқ, йўқ. Ундай эмас. Ўзингизга маълум, ўшанда ишсиз эдим. Бошпанасиз қолгандим. Унинг аҳволи ҳам яхши эмасди. Топадиган пули онаси икковининг тирикчилигига базўр етарди. Хуллас, пулдор бир одам Ҳавони ёқтириб қолибди. Буни эшитиб ўзимни четга олдим. Нотавон ҳолим билан унинг бахтига тўсиқ



бўлишни истамадим. Кейин тўй бўлди. Сўнг улар қаёққадир жўнаб кетишди. Шу-шу уни қайта кўрган-ним йўқ. Бугун эса ҳе йўқ, бе йўқ бунақанги туш кўриб ўтирибман.

— Балки, яна учрашиб қоларсизлар. Дили-дилига яқин одамларнинг ўртасида телепатик алоқа мавжуд-ку!

— Қанийди, башоратингиз амалга ошса, — дея гам-гин жилмайди Од.

— Эҳ, муҳтарам дўстим, қанийди мен ҳам севилсам! Ҳафа бўлманг, бу ҳолат кўп ишлаб толиқиш оқиба-ти. Мана саёҳатга кетярсиз, дил хираликлар ҳам барҳам топади, айтганча, сафарга қачон жўнамоқчисиз?

— Бугун.

— Мен сизни кузатиб қўяман.

— Раҳмат, Ру, хожати йўқ. Портга ўзим ҳам етиб оламан. Машина кўп-ку.

— Қўйсангиз-чи, муҳтарам Од, мен сиз билан тагин бирор соат ҳамсуҳбат бўлишни истасам-у... Яна икки ойдан сўнг кўришамиз, ахир.

Од соҳибжамол дўстининг таънасидан хижолат чекиб шоша-пиша кечирим сўради:

— Шунчаки ташвишга қўйгим келмаяпти. Очиғи, сиз билан бирга бўлиш жудаям ёқимли.

— Бу бошқа гап, — деди қиз садафдек тишларини ярақлатиб жилмайганча. — Менимча сафарга тайёр бўлсангиз керак?

— Ҳа, кийимларим солинган жомадонимни олсам кифоя.

— Яхши. Мен ҳам аллома Иблнинг ишхонасига бирров кириб чиқаман.

Улар қўрғон ҳовлисига кирганларида ранги захил ҳарбий кишига ва қовоқлари салқиган, сочлари сийрак кекса одамга дуч келишди.

— Капитан Азро ташриф буюрибдилар-ку! — дея хитоб қилди қиз.

— Нептун салтанатида қандай янгиликлар бор?

— Салтанат тинч ва осойишта, муҳтарам хоним, — деб жавоб берди ҳарбий киши захил юзига мос табассум билан. — Гарчи у салтанатнинг зулмат диёри кўнгило-чар Еримизга ўхшамаса-да, бугуноқ ўша ёққа жўнаш-га мажбурман.

— Яна пича чидашингизга тўғри келади, — дея гапга қўшилди унинг ҳамроҳи аллома Ибл. Унинг ово-

зи димоги битгандек манқаланиб чиқарди. — Мақсадга эришиш учун озгина вақт қолди. Ҳанда хизматларингиз муносиб тақдирланади. Ҳозирча эса, чидайсиз, азизим, чидайсиз. Ҳўш, муҳтарам Од, дам олишга бугун жўнайсизми?

— Ҳа!

— Сизга ҳавасим келади, — деди капитан, — денгизда сайру саёҳат қиласиз, турли шаҳарларни кўрасиз, оқшомларни гўзал хонимлар билан ўтказасиз. Ҳеч кимнинг пешонасига сув ости кемасининг капитани бўлишдек қисмат ёзилмасин экан. Ҳўп, омон бўлинглар! Сизга эса, йигитча, кўнгилли дам олишни тилайман! — Капитан Однинг қўлини қисди-да, кўрғон ҳовлисини кесиб ўтиб, эшиклардан бирига кириб кетди. Қиз эса аллома Иблга мурожаат этди:

— Агар рухсат берсангиз, муҳтарам Одни машинада портга элтиб қўйсам?

— Ҳа, ҳа, бемалол, — дея пўнғиллади Ибл. — Тушгача бўшсиз. Тушдан сўнг баъзи бир ҳужжатларимни машинкада кўчириб берарсиз.

— Ҳўп бўлади.

Од билан Ру капитан Азро кириб кетган эшик томон юришди. Бу эшикдан кичикроқ залга, залдан эса лифт кабинасига ўтишди. Тезюрар лифт хиёл ўтмай уларни ер қаърига олиб тушиб кетди. Яна бир неча дақиқадан сўнг улар гоятда улкан ғорга кириб боришди. Ғорнинг асосий қисми ерости қўлидан иборат эди. Кўлда икки-та сувости кемаси ёнма-ён бўлиб турарди. Кўтарма кранлар ёрдамида ихчамгина ракеталар кемаларга жойланмоқда эди. Тош ётқизилган кўл бўйида матрослар, тажрибахона ходимлари ва ер остида жойлашган махфий завод ишчилари турли юмушлар билан банд эди. Капитан Азро қовогидан қор ёғиб, рация орқали кимгадир жаҳл билан гапирарди. Ғорнинг нотекис шифтига ўрнатилган сон-саноксиз чироқлар нури кўзни қамаштирар, кўлнинг мавжланаётган юзасида жимир-жимир қиларди. Ракеталар юклаб бўлингач, кемалар кўлнинг нуридаги денгизга чиқиб кетиши керак эди.

Қиз ҳамроҳига ўн дақиқалардан сўнг кўрғон дарбозаси олдида ҳозир бўлишини айтди-да, ўзи аллома Иблнинг хонасига йўл олди.

Қабулхонага кириб, иш столининг тортмасини очди. У ердан жажжигина магнитофонни олиб аниқ-тапиқ сумкасини беркитди. Сўнг кўрқувни енгиш учун пича

ўтирди-да, бир оздан кейин деворга яширин тарзда ўрнатилган жавонни очди. Қатор турган шишаларни кўздан кечириб, ўзи ёқтирган винодан бир қадах қўйиб ичди. Боши қизиб, анча дадиллашгач, ҳеч иккиланмай аллома Ибл ишлайдиган хонага кирди. Аллақачондан бери кўз остига олиб юрган жавонга ўхшаб бу ҳам девор ичига ўрнатилган пўлат сандиқ олдига борди. Аммо ўзи истаган нарса Иблнинг ёзув столида ётганини қўриб ҳайрон бўлди. Аллома аксарият илм кишилари сингари паришонхотир бўлса-да, бунақа нарсани хаёлдан фаромуш этиши ажабланарли эди.

«Бунинг нимаси ажабланарли, — деб ўйлади у, — бу ерга фақат мен кира олишимни у билади-ку. Мендан бошқа одам хонага қадам қўйиши биланоқ сигнал системаси ишга тушиши тайин. Қолаверса, соат браслетининг сиридан хабардорлигимни эса билмайди. Хулос, у менинг садоқатли эканимга ишонади, ишонади-ю, аммо ҳар эҳтимолга қарши гумдон қилишга қарор қилган. Қойил!..» Қиз аламли иршайиб қўйди. У кумуш браслетли соатни қўлига олди. Соат одатдагидан хийла оғирроқ эди. Ру уни сумкачасига солаётганда телефон жиринглади. Қиз чўчиб тушди. Телефон иккинчи марта жиринглагач, ноилож трубкани кўтарди:

— Алло эшитаман.

Трубкада Иблнинг манқа овози пўнғиллади:

— Муҳтарам Ру, мен бугун бўлмайман. Айтмоқчи-манки, сиз ҳам бугун бўшсиз. Эртага соат ўнда хонамда ҳозир бўлинг!

— Тушунарли, муҳтарам Ибл, — деди қиз қувончини сездирмасликка тиришиб ва трубкани авайлаб жойига қўйди-да, сумкачасини қўлтигига маҳкам қисганича хонадан чиқиб кетди.

Улар қўрғон дарбозаси олдида учрашиб, машинага ўтирдилар. Йўлга тушганларидан кейин анчага довур суҳбатлари қовуша қолмади. Йўл дам-бадам кескин бурилишлар, пастликка энишлар-у, яна юқорига кўтарилишлардан иборат бўлса-да, атрофдаги манзара деярли бир хил, зерикарли эди.

— Муҳтарам Од, мундоқ очилиб ўтирсангиз-чи. Ахир дам олгани кетянсиз-ку! Капитан Азро айтгандек, сизни денгиз ва гўзал хонимлар кутяпти, — деди бир пайт қиз жимжитликни бузиб.

— Ҳа, гапингиз тўғри, — деди Од хиёл жилмайиб. — Аслини олганда, норози бўлишга тузукроқ важ

хам йўқ. Дунёда омади юришмаганлар, тирикчилик учун ҳар қандай қора ишга рози бўлиб юрганлар озми! Ахир ўзим ҳам атиги икки йил олдин ночор эдим-ку. Қўлимда дипломим билан тентираб юрувдим. Сиз туфайли ишли бўлдим. Тўғри. Ҳаводан айрилдим. На-чора, бир мири кам дунё, деганларку! Одам ҳеч қачон тўлиқ бахтли ва омадли бўлолмайди.

— Ҳа, албатта.

— Лекин ана шу оддий ҳақиқатни билганим ҳолда бари бир юрагим сиқилаверади, беҳуд бўлавераман. Шу кўраётган кунимга шукр қилмайман. Афтидан, ўзим ношукур банда бўлсам керак.

— Ҳаммамиз ҳам ношукур бандамиз, мухтарам Од, — деди қиз жилмайиб ва машина дарё кўпригидан ўтгач, рулни ўнгга бурди. Қирғоқни қоплаб ётган чакалакзорлар оралаб пича юришгач, Ру машинани тўхтатди. Од ҳайрон бўлиб қизга қаради. Қиз нима учундир шаҳодат бармоғини лабига босиб, жим бўлиш ишорасини қилди. Кейин машинадан тушди ва йигитни ҳам имлаб, қирғоқ томон юрди. Қирғоқ бу ерда баланд ва тик бўлиб, фақат сал нарироқда пастга тушса бўладиган зинапоясимон сўқмоқ бор эди. Улар сўқмоқдан пастга тушиб, тагин бир оз юрдилар. Баҳорги тошқинда сув ювиб камар ҳосил қилган жойга бориб тўхтадилар.

Қиз камар олдида сочилиб ётган тошлардан бирига ўтириб, Одни ҳам ўтиришга таклиф этди.

— Энди бемалол гаплашиб олсак бўлади, — деди у енгил хўрсиниб. Қизнинг ғалати ҳатти-ҳаракатларидан боши қотган йигит ўтираркан ҳамроҳининг кўзларига тикилди.

— Демак бундай, — дея гап бошлади қиз, — сизни бу жойга бошлаб келишимдан мақсад — машинага яширин микромагнитофон ва радиопередатчик ўрнатилган. — Агар бу ерда кўп қолиб кетсак, шубҳаланишлари ҳам мумкин.

Тамомила ҳайратда қолган Од бошини қимирлатиб қўйди. Қиз эса сўзлашда давом этди.

— Қисқаси, аллома Ибл «жодугар» ҳамда «Арвоҳ»ларни яратишда иштирок этган барча илмий ходимларни, шу жумладан мени ҳам йўқ қилдирмоқчи, тушунарлими? — Ру йигитнинг эътироз билдиришини кутиб унинг юзига тикилди. Од эса индамади.

— Агар ишонмасангиз, мана буни эшитиб кўри-

шингиз мумкни, — деди қиз сумкасидан микромагнитофонни олиб.

— Йўқ ишонаман, — дея шоша-пиша қизнинг қўлини ушлади йигит. — Мен сизга ишонаман, Ру! Қолаверса, мени қандай қисмат кутаётганлигини салпал бўлса-да, сезиб юрардим.

— Мени тўғри тушунганингиз учун раҳмат, лекин гап фақат бизнинг қисматимиз тўғрисида эмас, аллома Ибл миллионлаб кишиларнинг бошига фалокат ёғдиришга тайёрланыпти. Капитан Азронинг шошилинич сафарга жўнашининг ҳам сабаби шу.

— Хўш, мен нима қилишим керак?

Қиз бирпас жим қолди. Кейин микромагнитофонни Одга тутқизиб деди:

Бу магнитофонда Иблнинг кирдикорларини фoш қиладиган суҳбатлар ёзилган. Яна манави медальонни ҳам олинг, — деди қиз ва сумкасидан олтин медальон чиқазиб, йигитнинг бўйнига илиб қўйди. — Бунинг ичида микроплёнка бор. Махфий ҳужжатларнинг суратлари туширилган плёнка. Тушундингизми?

— Ҳа.

— Гапимни ерда қолдирмаслигингизни билардим. — Шунинг учун ҳам ўшанда сизни тажрибахонага ишга тавсия этганман...

— Тушундим, ҳаммасига тушундим, Ру!

— Энди гапнинг буёғини эшитинг. Улар сизни Зумрад оролига етиб борилгандан сўнг ўлдиришмоқчи. Сиз эса, йўлда тушиб қоласиз. Кема Олтинбошоқ ярим оролида икки соатдан мўлроқ вақт тўхтаб ўтади. Сиз портни айланган киши бўласиз-да, такси ушлаб, шаҳарга жўнаб қоласиз. Кейин тўппа-тўғри марказий майдонга боринг-да, болалар ўйинчоқлари сотиладиган дўконга кириңг. Дўкондор менинг бобом бўлади. Магнитофон билан медальонни унга топширинг. Тушунарлими?

— Ҳа.

— Унда яхши, — деди қиз енгил тин олиб. — Лекин... Ҳозирдан бошлаб, токи бобомга рўпара бўлмагунча ўртамиздаги сир ҳатто хаёлингизда ҳам намoён бўлмасин, ишончим комилки, кемада Иблнинг айғoқчилари бор. Хўш, энди соатингизни менга беринг.

Од соатини билагидан ечиб қизга узатди. Ру уни олди-да, дарёнинг ўртасига улоқтирди.

— Бу соатнинг сизга кераги йўқ энди, — деди у ва

сумкаси дан бояги соатни чиқазди. — Эсингизда бўлсин, бу соатни ухласангиз ҳам, чўмилсангиз ҳам қўлингиздан ечиб қўйманг!

Орага бир муддат жимлик чўкди. Кейин қиз ўрнидан турди. Йигит ҳам жойидан қўзғалди.

— Хўп, кетдик бўлмаса, — деди қиз чуқур хўрсиниб.

Аллома Ибл ишхонасига кираркан, димоғига урилган вино ҳиди андак таажжублантирди. Котибасининг столида турган биллур қадахни кўриб елкасини учирди.

— Қизиқ?.. — дея пўнгиллади у. Сўнг қабулхонани тарк этиб, ўз хонасига ўтди. Ишдан чарчаган пайтлари дам оладиган жойига — экрани хона деворининг учдан бирини эгаллаб турган видеомагнитофон рўпарасига бориб ўтирди.

Аллома Ибл чарчаган, зериккан пайтлари икки хил эрмак билан ўзини-ўзи овуларди. Қачонлардир, қайси бир журналда юз мушаклари машқ қилиниб турса, тери силлиқ ва таранг бўлади, деган маслаҳатни ўқиб қолганди. Шу сабаб бўш қолди дегунча кўзгу қаршисига борар, аввал эллик марта «Т», яна эллик марта «Ц» ҳарфларини талаффуз этарди. Сўнг пастки жағини у ёқ, бу ёққа қимирлата бошлар, лунжини учирарди. Бу машқларнинг такомиллаша бориши ўлароқ кўзгуда завқи тошган шимпанзенинг турқ-атвори намоён бўла борарди.

Унинг иккинчи эрмаги — ўзи ўтирган курсининг чап томонидаги ўнлаб видеокассеталарни тўлдирган олди-қочди, шахвоний фильмларни томоша қилиш эди. Айниқса, томошабиннинг ҳирсини қўзғайдиган сахналар унга олам-олам завқ берарди. У яна, котибаси Рунинг яланғоч тасвирларини ҳам қайта-қайта томоша қиларди. Чунки қизнинг ҳобгоҳи, оромгоҳи, чўмилиб, ўзига оро берадиган ҳамма жойларга яширин телекамералар ўрнатиб ташланган эдики, (умуман, тажрибахонадаги бирорта ходим ҳам бундай назоратдан холи эмасди) Ибл хоҳлаган пайтда уни кузатиши ва хатти-ҳаракатларини видеомагнитофон лентасига ёзиб олиш имконига эга эди.

Ибл кассеталардан бирини видеомагнитофонга ўрнатди. Экранда кўчалик кийимларини ечаётган Ру кўринди. Иблнинг сабри чидамай, лентани олдинга ўтказиб, магнитофонни қайта қўйди. Энди Ру душ остида ҳузур қилиб чўмиларди. Ибл, оғзининг суви

келиб, тамшаниб қўйди. Қотибасига анчадан бери кўнгли суст кетиб юрарди. Бироқ, қиз рўпара бўлиши биланоқ негадир ланжлиги тутар ва бундай нозанининг кўнглини овлашдек машаққатдан воз кечиб, беминнат хизмат кўрсатувчи исловатхонага жўнаб қоларди.

Ниҳоят Иблнинг қорни очқаб ўрнидан турди. Вақтни билиш мақсадида билагига қаради. Соатини эрталаб иш столида унутиб қолдиргани эсига тушиб, ўша ёққа ўгирилди-ю, илон чаққандек бир сапчиб тушди.

Од қиз билан хайрлашиб, бандаргоҳда турган кема палубасига кўтарилди. Изма-из келаётган ҳаммолнинг кўлига пул тутқазиб, каюта номерини айтди. Ҳаммол миннатдорчилик билдирди ва юкларни кўтариб, кеманинг пастки қаватларига олиб тушувчи трап томонга юрди. У букчайганча кетиб бораётган ҳаммолнинг ортидан қараб турди, кейин кемани кўздан кечира бошлади. Кема эски эди, лекин йўловчиларни мумкин қадар жалб қиладиган даражада жиҳозлаганди. Палубада чўмилиш бассейни, дансинг ва бошқа хил кўнгилочар жойлар бор эди. Аммо йўловчилар кўринмас, ҳамма дим ҳаводан қочиб салқин каюталарда дам оларди.

У палуба панжарасига суянди. Олисдаги кемалар, порт кранлари, уйлар тутун аралаш рутубатдан хиралашиб кўзга ташланар, юк тушираётган кранларнинг оғир гижирлаши, шатакчи кемаларнинг чўзиқ гудоги ҳамда шу жойдан ҳам эшитилаётган шахар шовқини ҳорғин бир оҳанг касб этиб унинг юрагини ғашлантитарди.

— Бу ерда ақула борми? — деди кимдир ингичка овозда.

Бехосдан берилган бу савол хаёл оғушида турган Одни чўчитиб юборди. Ёнида шарпадек пайдо бўлган болага нохуш назар ташлади. Бола қўлидаги яримлаб қолган шарбатни бир кўтаришда ичиб тугатди-да, шисани сувга улоқтирди. Од ҳар хил чиқиндилар сузиб юрган сувга, кейин боланинг шишадек кўкимтир кўзларига бирпас тикилиб турди, сўнг каютасига йўл олди.

Тердан баданига ёпишган кўйлагини ечиб диванга улоқтирди. Шимини ҳам апил-тапил ечди-да, ваннахонага кирди. Чўмилиб бўлгач, тоза кийимларини кийди. Диванга ўтириб, йўлда олган журналлардан бирини варақлашга тушди. Сал ўтиб, уни уйқу босди.

Бир оз мизгиб олгач, ўзини анча бардам ҳис этди. Соқолини олиб, қайтадан кийинди. Палубага чиқди.

Кема бандаргоҳни тарк этиб, ортида оппоқ из қолдирганча сузиб борарди. Чор-атрофда мовий тўлқинлар мавж урарди. У кеманинг тумшуқ қисмига қўйилган тўқима курсилардан бирига бориб ўтирар экан, палуба панжараси олдида уфққа кўз тикиб турган ўрта бўйли бўлиққина аёл ўгрилиб қаради...

Улар эс-ҳушларидан айрилган каби бир аҳволда қотиб қолишди. Ва алқисса, Од базўр ўзини қўлга олиб пичирлади:

— Ҳаво!..

Аёл нола чекканча у томонга талпинди. Од сакраб ўрнидан турди, лекин тиззалари қалтирар, тили калимага келмасди. У аёлнинг қўлларини қўлларига олиб, лабига босди.

— Хўш, аҳволларинг қандай? — деб сўради йигит. Бу пайтда улар тўқима курсиларда рўпарама-рўпара бўлиб ўтиришар, ҳаяжонлари пича босилган, аммо нигоҳлари бояги-боягидек соғинч ва меҳрга тўлиқ эди.

— Ёмон эмас, — дея жавоб берди аёл эркаланган овозда. — Ўзинг-чи?

Од индамади, зеро, савол унга диққинафас ва ғамбода қунларини эслатган, бу ҳақда эса гапиришни хоҳламасди. Шундай бўлса-да, сал ўтиб деди:

— Сен кетганингдан кейин иш топдим. Тажрибахонада ишляяпман.

— Қанақа тажрибахона?

Од аламли жилмайди:

— Шундай, бир тажрибахона-да. Электромагнит тўлқинларининг қаттиқ жисмларда ютилишини ўрганадиган тажрибахона.

— Сенинг илмий, олимона гапларингни тушунавермайман, — деб кулимсиради Ҳаво. — Жудаям чарчабсан. Отпускага чиқдингми?

— Ҳа. Хўш, ўзинг-чи? Турмушинг яхшими?

Аёлнинг юзи бирдан тундлашди.

— Тинчликми? — деди Од. — Нима, ҳозир ёлғизмисан?

— Ҳа.

— У қаерда?

— У йўқ, энди, — жавоб берди аёл баттар тумшайиб.

— Ҳаво, тушунтириброқ гапирсанг-чи.

— Мен турмушга чиққан одам муттаҳам экан, вас-



залом. Кел, ўтмишни эсламайлик. Муҳими, биз яна топишдик-ку!

Од аёлнинг қўлини маҳкам қисди. Айни пайтда Рунинг топшириғи, ўзининг ҳаёти хавф остида эканлиги тўғрисидаги ташвишли хаёллар уни безовта қилаётганди.

— Энди мен сеникиман, — деб шивирлади аёл бошини унинг елкасига қўйиб.

Сув ости кемаси океаннинг зулмат қўйнида афсонавий махлуқ янглиғ сузиб боради. Кеманинг тинч, оёйишта каюталарида, бошқариш рубкасида ва бошқа хоналарида сукунат ҳукмрон. Фақат ҳар замонда репродукторлардан буйруқ ва кўрсатмалар эълон қилинар, сўнг яна сув сепгандек жим бўлиб қоларди. Машина бўлимида бир меъёрда гувиллаётган двигателлар товуши ҳам овоз ўтказмайдиган деворларга сингиб кетарди.

Капитан Азро рубкада навбатчилик қилишни ёрдамчисига топшириб, каютасига йўл олди. Одатига кўра, ухлашдан олдин шошилмай ювинди. Пахмоқ сочиқ билан обдан артинди. Сўнг пижамасини кийди. Ўринга ётгач, роҳат қилиб эснади. Бирпасдан сўнг уйқу аралаш тепасида ноаниқ бир шарпа ҳозир бўлганини ҳис этди. Уни чангалларини ёзиб турган ялмоғизга ҳам, тишлари иржайган жинга ҳам ўхшатса бўларди. Шуниси қизиқ эдики, у ўзининг ухлаётганини, тепасида ялмоғиз ёки жин турмаганлигини аниқ идрок этар, аммо сабабсиз ваҳимадан борган сайин қўрқувга тушаётган эди. Назарида уйғонмаса бўлмайдигандек, яна озгина ухласа ўлиб қоладигандек туюлаверди. У илгари ҳам бундай ҳолни бошидан кечирганини, уйғониш учун эса, қўли ёки оёғини қимирлатиши лозимлигини хотирлади. Шунда қадам товушлари эшитила бошлади. Гўё кимдир бир-бир одимлаб унинг каютасига яқинлашиб келаверди. Капитан зўр бериб, эшик қулф ёки қулф эмаслигини ўйлай бошлади. Бу орада эшик гийқ этиб очилди. У қора терга ботди. Қўлини қимирлатишга ҳаракат қилди. Кема деворлари товуш ўтказмаслигини, коридордаги одамнинг қадам товуши ичкарига эшитилмаслигини у яхши англаб ётарди. Бундан ташқари каюта эшиги ҳеч қачон гийқиллаб очилмасди. Аммо барибир уйғониш истагида оёғи ёки қўлини қимирлатишга уриниб ётаркан, қадам товушлари яна

эшитилиб, каюта эшиги очилди ва кимдир кириб келди. У кимса мавҳум шарпага айланиб, яқинлаша бошлади. Капитан қора терга тушиб, жон-жаҳди билан қўлини кўтарди. Юрагида ёқимсиз зўриқишни ҳис этиб, муздек бир нарса танаси бўйлаб ёйилди.

Азро кўксини уқалаб, сигарет тутатди. Кофеин ичди, бироқ фойдаси бўлмади. Қайтага юрагининг гашлиги ортди. Ортиқ ухлай олмаслигини англаб, селектор тугмасини босди. Рубка номерини терди:

— Алло, Фиг эшитяпсизми?

— Эшитяпман, капитан. Яхши дам олдингизми?

— Жин урсин, ухлолмаяшман. Кофеин ҳам таъсир қилмаяпти. У ерда нима гап?

— Ҳаммаси жойида. «Жодугар»лар тинч, «Арвоҳ»лар ҳам. Фақат ажина жонимга тегяпти.

— Қанақа ажина?

— Мана ёнимда ўтирибди. Ҳеч кетмайди.

— Фиг, героинни камроқ олинг.

— Гап героинда эмас, капитан. У ростдан ҳам ёнимда ўтирибди. Узи чиройлигина ажина. Ёш, келишган. Фақат сочини тарайди. Яланғоч.

— Яланғоч?.. Фиг, нималар деб валдираяпсиз?!

— Ким билсин, капитан, балки бу галлюцинациядир? Лекин у жудаям жонли-да. Рости кўрқяпман.

— Ҳозир олдингизга бораман.

У тез кийиниб рубкага йўл олди. Йўлакда юриб бораркан, кема ҳақида ўйларди. Сирасини айтганда, нима бўлаётганига у тушунмаётган эди. Тўғри, кема осон бошқарилар, жуда мукамал электрон ҳисоблаш машиналари билан жиҳозланганди. Аммо, баъзан кема жонли мавжудотга ўхшаб туюлар, исталган дақиқада унинг измидан чиқиб кетадигандек эди. «Бу лаънати кемада ҳар балони бошдан кечириш мумкин, — деб ўйлади у. — Менинг тушимга қаёқдаги шарпалар кирса, Фигнинг кўзига ажина кўринса?.. Яна, анави ракеталарнинг номи-чи... «Арвоҳ», «Жодугар»... Бу кетишда ақлдан озиш ҳеч гапмас».

Кают-кампанияда карта ўйнаб ўтирган тўрт матрос у кириши билан ирғиб ўринларидан туришди.

— Ўтиринглар, ўтиринглар, йигитлар, — деди капитан, сўнг рубкага элтувчи йўлакка ўтди. Бу йўлакнинг икки томонига ракета учирилувчи старт қудуқлари жойлашган бўлиб, ўнг томондаги қудуқларда «Жодугар», чап томонда эса «Арвоҳ» деб номланган янги

турдаги ракеталар ўрнаштирилганди. Азро рубкага олиб чиқувчи зинага етай деганда, ғалати ҳисдан эти жимирлаб кетди. Гўё орқасидан оппоқ кафанга ўралган арвоҳлар қараб қолгандек, жодугарларнинг тирноқлари қайрилган ориқ панжалари у томон чўзилаётгандек туюлди. Юришдан тўхтаб, орқасига қаради. Хира ёритилган йўлак кимсасиз. «Ҳамма бало ракеталарнинг номланишида, — деб ўйлади у. — Бетамизлар, «Арвоҳ», «Жодугар»дан бўлак исм қуриб кетган эканми. Шунчаки рақамлаб қўйса ҳам тушунарли-ку. Йўқ, албатта ваҳимали, жарангдор ном бўлиши шарт у олифталарга. Ҳаммасини жин урсин!» Азро жаҳл билан тупуриб, зинапояга оёқ қўйди.

Капитан ёрдамчиси Фиг уни хурсанд бўлиб қаршилади:

— Келдингизми, капитан?! Мана у!

Курсида ўтирган ажинани кўриб, Азро ҳам доврираб қолди. Ажина ростдан ҳам ёш, келишган қоматли аёлга ўхшарди. У энди сочини тарамас, қўлларини тиззалари устида қовуштириб жимгина ўтирарди. Ўртага сукунат чўкди. Озроқ ўтиб Фигга уйқусираётгандек ғулдираб қўйди. Капитан эса, нима қиларини билмасди. Айниқса, ажинанинг рухсоридан сезилиб турган малоҳат уни ҳам ажаблантириб, ҳам ташвишга солмоқда эди. Гарчи ажина тумансимон вужуддек идрок этилса-да, унинг ортидаги буюмлар аниқ кўриниб турса-да, ажинанинг баданини, момик билаклари, сўлим сийналарини, елкаларида тўзғиган тилларанг соч толаларини ҳис этишга ҳалал бермасди. Хаёлотнинг бундайин жумбоқ ўйини капитанни борган сари маҳлиё этар ва айни пайтда юрагидаги хавотирлик зўраймоқда эди. Ниҳоят, у жонли кимсага мурожаат этгандек, лекин андак ўнғайсизланиб гап бошлади:

— Кечирасиз, хоним, биз билан гаплаша оласизми? Ўзингизни таништиролмайсизми?

Ажина ҳам орадаги ноқулай вазиятни энди тўсатдан пайқагандек бир кўзғалиб қўйди, сўнг кулимсиради.

— Биз суҳбатлашиб бўлдик, капитан, — деди у ва кўздан ғойиб бўлди. Орага яна сукунат чўкди. Кейин капитан ўзини қўлга олиб Фиг томон юзланди.

— У билан нималар ҳақида суҳбатлашдингиз?

— Эслолмайман. Нималарни гаплашганимиз ёдимда йўқ. Фақат, фақат... чамамда «Жодугар» ҳақида

гаплашдик шекилли. Худди алаҳсираётганга ўхшайман. Капитан, нималар бўляпти ўзи?

Нималар бўляётганлигига капитаннинг ҳам ақли етмасди. У ракеталар тизмаси оралиғидаги йўлакни, орқасидан тикилган «Арвоҳ»ларни, қўл чўзган «Жодугар»ларни эслади. Лекин бу туйғу ўзи тўғри фаҳмлагандек ибтидой ваҳмдан бошқа нарса эмас эди. Ҳозир кўздан ғойиб бўлган ажина эса, мутлақо бўлакча синот. Ажинани шунчаки галлюцинацияга йўйгиси келмас, энг муҳими, ажина кимгадир жуда-жуда ўхшаб кетар, аммо буни мушоҳада қилишга капитаннинг мажоли йўқ эди. Ана шу аснода ҳалокат сигнали янгради. Қизил чироқлар ёниб-ўча бошлади. Бошқариш системасининг овоз модулятори тилга кирди:

— Диққат! Диққат!.. Фавқулудда ҳолат эълон қиламан!.. Ун учинчи старт қудуғидаги «Жодугар»нинг жанговар тумшуғи иш ҳолатида!.. Жанговар тумшуқ иш ҳолатида!..

Капитан билан ёрдамчи даҳшатдан серрайиб қолишди. Уларнинг назарида кема ҳозир парча-парча бўлиб кетадигандек эди. Лекин «Жодугар», ҳам, «Арвоҳ» ҳам аллома Ибл қайта-қайта таъкидлагандек, бағоят маданий қурол эди, бинобарин ҳеч қандай портлаш юз бермади.

Кают-компанияда карта ўйнаб ўтирган матрослардан бири муаллақ сузиб келаётган ҳаворанг шарни кўриб анграйиб қолди.

— Бридди, ухляяпсанми? — деди унинг ёнида ўтирган ўртоғи турткилаб. — Сенинг навбатинг.

Бридди жавоб бермай, қўли билан шарни кўрсатди. Қолган матрослар ҳам ҳайратга тушиб, шарнинг ҳаракатини кузата бошлашди.

— Шарсимон яшин-ку, — деди кимдир.

— Бридди, у қаердан пайдо бўлди?

Бридди елкасини қисди.

— Сувошти кемасида шарсимон яшин нима қилади? — дея эътироз билдирди бошқа бир матрос. Худди унинг гапини тасдиқлагандек шар ҳавога сингиб, кўздан йўқолди.

— Йигитлар, бу ҳеч қандай шарсимон яшин эмас, — деди Бридди аллақандай ҳадиксираган овозда, сўнг талвасага тушиб қичқирди. — Бу яшин эмас!..

— Бридди! Ақлдан оздингми? Нега бақирасан?

— Биз ҳалок бўлдик!!! — деб қичқирди у. — Бу

«Жодугар!».. Эшитяпсизларми, бу «Жоду...» — Бридди гапине тугатишига улгурмади. Нимадир бўғиқ гумбирлади. Кают-компания зангори нурга кўмилди. Ҳамма нарса хира тортиб, шарпалар мисоли кўрина бошлади. Бу ҳол икки дақиқача давом этгач, нур сўнди. Матрослар эса, ҳеч қандай ҳодиса юз бермагандек, яна жой-жойларига ўтиришди.

Зангори шарлар рубкага ташриф буюрган чоғда капитан Азро эс-ҳушини йигиб олган ва қандай ҳодиса юз бераётганини тушунган эди. У гарчи ҳожати бўлма-са-да, билагидаги кумуш браслетли соатини чангаллаб олди. Сўнг бу ерда ҳам кают-компаниядаги ҳодиса такрорланди.

Орадан дақиқалар ўтди. Кемага қайтадан осойишталик чўкди. Аммо, бу, мудҳиш осойишталик эди. Капитан Азро меровланиб ўтирган ёрдамчисига назар ташлаб юраги орқасига тортиб кетди. У ақлдан озган экипаж ичида ёлғиз қолганини англай бошлаган эди.

— Фиг! — дея чақирди у титроғини босишга ури-ниб. — Фиг, мени эшитяпсизми?

Ёрдамчи унга анқовсираб тикилди. Азро ёрдамчиси-нинг сўниқ нигоҳидан кўзларини олиб қочиб деди:

— Тажрибахона билан уланг! Ибл билан гаплаш-моқчиман.

Фиг унинг буйруғини сўзсиз бажарди-да, жойига бориб ўтирди. Экранда эса, аллома Иблнинг башараси намоён бўлди.

— Саломатмисиз, капитан Азро? Сафар қандай кетяпти? — деди у зўрма-зўраки илжайиб.

— Ишлар ёмон, муҳтарам Ибл. Ун учинчи «жодугар» портлаб кетди. Мендан бошқа ҳамма матрослар ақлдан озган!

— Алломанинг ранги бўзарди.

— Сабаб?!

— Сабаб!.. — захарҳанда қилди Азро. — Сабабини сиз биласиз, муҳтарам Ибл! — Бу лаънати қурооллар-нинг фазилатлари тўғрисида оғиз кўпиртирган ҳам сиз!

Капитан Азро! Буюраман сизга, ваҳима қилманг! Ўзингизни қўлга олинг! Яхшилаб ўйланг-чи, кемада ҳеч бир ҳодиса юз бергани йўқми?

Шунда капитан бояги шарпани эслади.

— Бу ерда қандайдир ажина пайдо бўлди. Мен галлюцинация деб ўйладим.

— У ажина эмас, арвоҳ, — деди Ибл.

— Арвоҳ?!

— Ҳа, майли, буни кейин тушунтираман. Сиздан илтимос, капитан, оғир бўлинг. Аҳволингизни тушуниб турибман, лекин ҳозир ёрдам беролмайман. Бу ерда баъзи чалкашликлар чиқиб қолди. Экипаждан кўп хавотир олманг, улар буйруғингизни сўзсиз бажаришади. Улар роботлардек гап... Такрор айтаман сизга қийин бўлади, лекин чиданг. Оз қолди. Ҳозир бошқа муҳим вазифа бор. Сиздан юз мил олисликда сузиб бораётган пассажир кемасини чўктириб юборишингиз керак. Унга иккита торпеда отасиз. Биринчиси «Арвоҳ» билан ўқланган бўлсин, иккинчиси эса, оддий портловчи модда билан. Буйруқ тушунарлими?

— Тушунарли, — деб жавоб берди Азро ҳирқираб.

— Бардам бўлинг, азизим, — дея пўнғиллади Ибл. — Сизни адмираллик унвони билан катта мукофот кутяпти!

Очиқ иллюминатордан салқин ҳаво уфуриб турган нимқоронғи каютада Однинг биллагига бош қўйиб ётган Ҳаво маст уйқуда ором оларди. Од эса уйғоқ, тақдир ато этган бахтдан роҳатланиб ётарди.

У бундан буён қиладиган ишларини боя режалаштириб қўйган эди. Ҳавонинг адресини ёзиб олди. Рунинг кўрсатмасига амал қилиб, Олтинбошоқ ярим оролида тушиб қолишини аёлга айтмади. «Барибир эндиги айрилигимиз узоққа чўзилмайди», — деб ўйлади у. — «Кейин унга ҳаммасини тушунтираман».

Шу пайт нимадир бортга зарб билан урилиб, кема сезиларли титраб кетди, каюта ғалати тарзда ёриша бошлади. Бу сувости кемасидаги нурланишга ўхшар, аммо ёрқинлиги ва ранг-баранглиги билан фарқ қиларди. Бир лаҳзада ҳамма нарса кўздан йўқолди. Бу орада уйғониб қолган Ҳаво додлаб юборди. Од унинг биллагидан чангаллаб ўрнидан турди. Нур сўна бошлади. Улар йўлакка отилишди. Коридор саросимага тушган йўловчилар билан тўлганди. Ҳамма бир-биридан нима бўлаётганини суриштирди. Шу пайт нимадир тўп этиб ерга тушди. Каютадан қочиб чиққан кекса бир киши одамларнинг кўзи ўнгида тумандек хиралашиб ғойиб бўлди. Семиз бир хоним ғалати чинқириб юборди, аммо шу лаҳзада унинг ўзи ҳам тумандек хиралаша бошлади. Шу тариқа йўловчиларнинг барчаси бирин-кетин кўздан ғойиб бўлишди. Коридорни турли кийим-кечаклар босиб кетган эди.

Эркак билан аёл палубага олиб чикувчи зинапояга югуришди.

Аммо, у ерда ҳам бирор тирик жондан асар йўқ эди.

Бошқарувсиз қолган кема йўналишини ўзгартира бошлади. Эркак югурганча ресторанга, узлуксиз ишлайдиган майхонага кириб чиқди. Столларда егуликлар, шиша ва бошқа идишлар қандай қўйилган бўлса шундайлигича турар, айрим тарелкалардан буғ кўтариларди. Ҳар қадамда бирорта кийим-бош оёққа илинар, одамлар эса, ҳеч қаерда йўқ эди. У яна палубага кўтариларкан, кема иккинчи марта титраб, бу сафар росмана торпеда гумбирлаб портлади. Кеманинг қуйруқ томонида аланга кўкка сапчиди. Однинг кўзи капитан кўприкчасида турган резинка қайиққа тушди. У қайиқни жаҳд ила кўтарди-ю, палуба панжарасидан ошириб сувга ташлади. Сўнг аёлга қичқирди:

— Сувга сакра!..

Гангиб қолган аёл хайкалдек қотиб тураверди. Бу пайт кеманинг қуйруғи алангага бурканиб, ўрта қисмида ҳам нимадир, чамаси ёнилги идишлари бўлса керак, гумбирлаб портлади. Атрофга учқунлар сачради. Бир тутам олов аёлнинг боши узра ўтиб тўқима курсилар орасига бориб тушди. Энди тўқима курсилар ва яна қандайдир ашқол-дашқоллар тутаб ёна бошлади. Эркак аёлни даст кўтариб панжарадан оширди-да, сувга итариб юборди. Орқасидан ўзи ҳам сакради. Сув аёлни ҳушига келтирди шекилли, у апил-тапил сузганча резина қайиққа чиқди. Кейин эркакнинг қўлидан ушлаб тортганча ёрдамлашди. Од қайиқ ичига маҳкамланган эшкакларни олиб, тез-тез эшкак тортишга киришди. Шунда кемадан кимдир қичқиргандек бўлди, бироқ гуриллаб ёнаётган ёнгин, вайрон бўлаётган буюмлар шовқини ичида бу одам товушими ёки бошқами англаш мушкул эди. Однинг кўз ўнгида кема гўё улкан машъалага айланган эди. У эшкак тортишда давом этди. Кема эса қуйруғи билан сувга ботиб борар, ёнгин энди унинг тумшук қисмида авж олаётганди.

У эшкак тортишдан тўхтаб зим-зиё бўшлиққа аланглаб қаради. Ёнгин шуъласи майда-майда тўлқинлар мавжидида жимирларди. Бу ҳол кўпга чўзилмади. Ҳиёл ўтмай, кеманинг тумшук қисми сувдан азот кўтарилди, сўнг бир ёнга ағдарилди... Зулмат чўкди. Совуқ шабада уларнинг баданини ялаб ўтди. Од қаёққа қараб сузишни билмасди. У яна атрофга аланглаб, уфққа тикила

бошлади. Шундай уфқдан пича кўтарилиб қолган ярим палла ой ёғдусида бир нима қорайиб кўринди. «Шубҳасиз, бу орол», — деб ўйлади у ва «қора»ни мўлжаллаб шошилмай эшкак тортишга тушди. Аёл аста хўрсиниб нола қилди:

— Эй худойим!.. Одамлар нега ғойиб бўлишдийкин? Од...

— Ким билади дейсан. Ўзим ҳам ҳеч нимани тушунганим йўқ, — деди Од.

Кўзлаган манзилга тонг бўзарганда етиб боришди. Бу сув юзасидан ўн метрлар чамаси бўй чўзган яланғоч қоя экан. Қояда балиқ суякларигина қалашиб ётар, тепасидан, тошлар орасидан қушларнинг чағиллаши қулоққа чалинарди.

Од балиқчи қушларнинг парвозини кузата бошлади.

— Энди нима қиламиз? — деб сўради аёл. — Янглишмасам, шу ўртада орол бўлиши керак, ахир қушлар ёлғиз қояда яшашмайди-ку?

— Гапинг тўғри. Бу қоя қушлар учун бир қўналга, холос. Эътибор бергин-а, қушлар кунчиқиш томондан учиб келиб, яна ўша ёққа учиб кетишяпти. Бу ўртада уларнинг емиши кўпроқ бўлса керак...

— Хўш, нима қиламиз? Ўша ёқда қуруқлик бор демоқчимисан?

— Бўлмаса-чи, — деди Од ишонч билан. — Фақат, олисроқ... Қушлар учун бу бир-икки соатлик йўл, албатта, лекин резина қайиқда кун бўйи сузишга тўғри келади-ёв... Хўп, кетдик бўлмаса!

Капитан Азро ёнаётган кемани перескоп орқали пича кузатиб тургач, сув остига тушиш тўғрисида буйруқ берди. Кейин рубкага кирди. Унинг жуда уйқуси келаётган эди. Аммо каютасига боришга юраги бетламади. У бошқариш пульти ёнидаги креслога ўтириб, бир оз мизғимоқчи бўлди. Афсуски, бу ҳам насиб этмади. Кўзи эндигина илинган пайтда, шундоққина орқасида кимдир турганини туйди. У ўтирган жойидан сапчиб туриб кетди. Кресло ортида Фиг кўзларини бақрайтирганга қаққайиб турарди.

— Нима?.. нима қ-қилиясиз — деди капитан чап лунжи пир-пир учиб, Фиг жавоб ўрнига иржайди ва бамайлихотир қўлларини чўзиб, унинг томоғидан бўғди. Азро жон аччиғида телбанинг қўлларига тирмашди. Кучи етмади. Алқисса, дақиқа ўтмай хирил-



лашга тушди. У бир амаллаб ўнг қўлини тўппонча қинига чўзди. Тўппонча милини Фигнинг қорнига тираб тепкини босди. Фиг бир тўлғониб, яна бўшашди. Азро тўппончани энди унинг чаккасига тиради. Ўқ телбанинг энсасини ўпириб юборди. Жонсиз тана гурсиллаб йиқилди.

Азро тиши-тишига тегмай қалтираб учиб кетгудек бир аҳволда алоқа тугмасини босди, тажрибахона билан уланди. Экранда Ибл кўриниши биланоқ кўзининг пахтаси чиқиб ўшқира кетди:

— Ахборотингиз учун, муҳтарам Ибл, сиз беозор деб айтган роботларингиздан бири ҳозиргина мени ўлдириб қўйишига сал қолди!..

— Ўчиринг товушингизни! — деди Ибл кўзларига қон тўлиб унинг оғзи бир томонга қийшайиб қолган ва негадир ўнг қулоғи дам-бадам қимирлаб-қимирлаб қўярди. — Мен сизга чиданг дедим-ку! Чиданг!.. Буларнинг ҳаммаси арвоҳларнинг иши. Ҳисоб-китобда ичча янглишганга ўхшайман...

— Арвоҳларингиз билан қўшмозор бўлинг? — дея бўқирди Азро.

— Иблис!!!

Аллома қийшиқ оғзини иршайтирди:

— Йўқ, мен иблис эмасман. Сен ҳам азроил эмассан. Сен ҳам азроил эмассан. Бизлар иблис билан азроилнинг малайларимиз! — Ибл шундай деб алоқани узиб қўйди.

Азро бошини чангаллаган қўйи бир оз ўтирди. Сўнг беихтиёр ўрнидан туриб рубкадан чиқди. Пастга, йўлакка олиб тушувчи зинапояга бурилди. «Нима бўлсаям ухлаш керак», — деб ўйлади у. — «Бўлмаса ақлдан озиш ҳеч гапмас». У «Арвоҳ»лар ва «Жодугар»лар жойлаштирилган йўлакка тушгач, хаёлидан кечган фикрни овоз чиқариб такрорлади:

— Ақлдан озиш ҳеч гап эмас!

— Сиз, албатта, ақлдан озасиз, — деди кимдир орқасидан.

Азронинг оёқлари чалишиб кетди.

— Йўқ, у аллақачон ақлдан оза бошлаган, — деди бошқа бир овоз.

Йўлак ўртасида бояги ажина ёхуд аллома Иблнинг таъбири билан айтганда «арвоҳ» унга ваҳшиёна тикилиб турарди.

Резина қайиқ тұлқинларда қалқиб-қалқиб сохилга яқинлашди. Ўлардек ҳолдан тойган Од билан аёл қайиқдан тушишди. Од қайиқни бир амаллаб сохилга тортиб чиқарди-да, қумлоққа ўзини ташлади. Аёл ундан икки қадам нарида гужанак бўлиб ётарди.

Аёл ярим кечаси уйғониб кетди. Осмонда ярақлаётган юлдузларни кўриб, қаердалигини дафъатан англолмай пича гарангсиб ётди. Сўнг эслаб алам билан хўрсинди. У қаддини ростлаб, дуркун сийналарига ёпишган қумни сидириб ташлади. Шабада сочларини ҳилпиратиб юзига урди. Шу зайлда анча ўтирди. Кейин нима қиларини билмай Однинг елкасига туртди. Од нималардир деб гўлдиради-да, яна донг қотиб ухлайверди. Бир маромда пишқираётган океан аёлни кўнглига ваҳм солар, қоп-қора тошлар кўрқинчли ва сирли кўринарди. Худди мана ҳозир уларга жон кираётгандек, ўрниларидан силжиётгандек туюларди. Фақат осмон чиройли ва осуда эди. У яна қумга чўзилди, лекин совқотиб қалтирай бошлади. Сўнг Однинг пинжига тиқилди. Од уйқу аралаш уни аста қучоқлаб, бағрига тортди.

Тонг отиб, қояларда қушлар бозори бошланди. Туман сийраклашди ва қуёш нурларида эриб кетди. Од елкаси қичишиб кўзларини очди. Қуёш анча кўтарилган, иккови ҳам жиққа терга ботиб ётишарди.

Од ўрнидан туриб, атрофни кузата бошлади. Ҳаммаёқ нурга кўмилган. Океан ҳам нур қўйнида чўмиларди. Чағалайлар ҳар кунги «рўзгор» ташвишларини бошлаб юборишган. Ошпоқ тўлқинлар узра балиқчи қушлар чарх уришарди.

Од бир қоя томон юрди. Тирмашиб унинг тепасига чиқди-да, оролни кўздан кечирди. Сийрак ўсган чакалакзорни, ундан нарида кичик бир кўлни, яна ҳам нарироқда яккам-дуккам дарахтларни ва қумлоқ соҳилни кўрди. Қисқаси, орол, у четидан бу четига товуш эшитиладиган бир нарча қуруқликдан иборат эди. Кўлни кўриб, Од қовжираган лабларини ялади. Аёлни уйғотмоқчи бўлди-ю, чанқоғи зўр келиб, сабри чидамади. Қолаверса, аёлни уйқусини бузишга кўзи қиймади. Тезда қайтаман-қу, деган хаёлда кўл томонга ошиқди.

Кўл сувидан тўйиб-тўйиб ичди, юзини ювди. Чанқоғи қонгач, шу пайтгача тинч ётган ичаклари

қулдираб, чакалақлар орасидан учиб чиққан қушлар унинг кўзига энди бошқача бўлиб кўрина бошлади. Чакалақзорни айланар экан, дам-бадам бирорта қушни хурктириб юборади. Зора, битта-яримтасини ушлаб олсам, деган хом хаёлдан буталар орасини диққат билан кузатар, аммо қушлар худди мазах қилаётгандек, қанотларини потирлатганча шундоққина олдидан учиб ўтишар, у эса, беихтиёр талпиниб қолаверарди. Ахийри ғоз уясини топди. Уядаги тухумларнинг бир нечасини ўша заҳотиёк ютди. Қолган иккитасини Ҳаво учун асраб, соҳилга жўнади.

Боя чанқов зўридан эътибор бермабди, кўлдан соҳилгача нақ бир ярим чақирим масофани босиб ўтишга тўғри келди. Бу оралиқ ҳам паст-баландлик ва тиканакзорлардан иборат эди. Бир неча бор тўхтаб, товонига қадалган тиканларни олишга мажбур бўлди. Сўнгги марта энгашиб, ярмигача кириб кетган тиканни тирноқлари билан чимдиб суғурар экан, қайси гўрдандир пайдо бўлган қовоқари нақ думбасидан чақиб олди. Ўзи фалокат ёғилса, кетма-кет ёғиларкан, бўлмаса океanning ўртасидаги кимсасиз оролчада қовоқарига бало борми? У жон аччиғида қаддини ростлаб, орқасини ушлади. Панжалари орасида гижимланаётган ари яна бир бор нишини санчишга улгурди. Оқибатда битта тухумни тушириб юборди. Арининг ниш урган ери кўп ўтмай ловуллаб ачиша бошлади.

У ҳар замонда орқасини ушлаб-ушлаб, жароҳатдан оқсоқланганича соҳилни тўсиб турган тепаликка кўтарилди. Ва юзига урилган совуқ шамол унга тунги азобларни эслатди. Океан нотинч эди. Олисда қора булутлар тўда-тўда бўлиб сузиб юришарди. Однинг хаёли қочиб, соҳил томон бораркан, тўлқинлар орасида дам кўриниб, дам кўринмай кетаётган қайиққа кўзи тушди-ю, тошдай қотиб қолди. Сўнг атрофга аланглаб аёлни излади. Соҳил бўм-бўш эди. Юрагига ваҳм иниб, эрталабки, қояга тирмашиб чиқди. Аёл қайиқ ичида узала тушиб ётганини кўргач, баттар гангиди. Од кучи билан қайиққа интилди. Қайиқ ҳам тўлқин зарби билан унга келиб урилди. У эшкак боғлаб қўйилган дастан чангаллади. Орқасидан урилган тўлқин зарби мадад бериб қайиққа чиқди.

Аёлнинг кўзлари очиқ эди, лекин устидан босиб тушган эркак залворини сезмай индамасдан ётаверди.

Умуман у бўронга ҳам, қутураётган тўлқинларга ҳам бепарво эди. Фақат тўсатдан пайдо бўлган башарага пича ҳайрат ила тикилди, сўнг кулимсиради. Однинг бўйнидан қучоқлаб ўпди. Од ўлардек чарчаган бўлса-да, унинг табассумини кўриб юраги шувиллаб кетди. Ҳолсизланиб аёлнинг сийнасига бош қўйди. Кўзларини юмди. Аёл бир текисда нафас олар, Однинг боши ҳам сийналарга қўшилиб хиёл кўтарилиб тушарди. Юракнинг оҳиста дукиллаши, сийналарнинг бир майин тафти ёқимли эди. Шу ҳолатда тўйиб-тўйиб ухлагиси келарди. Бироқ момоқалдироқ гулдираб у хушёр тортди. Бахтига эшкаклар қайиқ ичида эди. У тезроқ соҳилга чиқиб олиш учун жон-жаҳди билан эшкак тортишга тушди. Соҳилга етгач, аёлни қумлоққа ётқизди. Қайиқни эса, анча нарига судраб борди. Од эрталаб ўзи устига чиққан қоянинг ўнгир жойини кўрганда, шуни эслаб, ўша ёққа юрди. Ўнгир катта бўлмаса-да, ёмғирдан, шамолдан асрарди. Муҳими, икки одам бемалол чўзилиб ётиши мумкин эди. Ери ҳам юмшоқ — қумлоқ эди.

Од соҳилдаёқ ухлаб қолган аёлни ўша жойга олиб бориб, авайлаб ерга ётқизди. Ўзи ҳам унинг ёнига чўзилди. Аёлнинг муздек дудоғидан ўпди.

Елкасида сезилган енгилгина оғриқ Однинг уйқусини қочирди. Ўнгир ичи қоронғилашиб қолган, шовқин-суронлар ҳам хийла пасайган эди. Юзига аёлнинг иссиқ нафаси урилди.

— Турсанг-чи, бир ўзим қўрқяпман, — деди у шивирлаб, сўнг Однинг елкасини яна беозор тишлаб қўйди. Од сапчиб ўрнидан турди. Аёл эса ҳайрон бўлиб қаддини ростлади. У ўнгир оғзида турганидан юзи кўринмас, елкаси оша ёмғирнинг қалин пардаси ортидан хиралашиб кўзга ташланаётган қоялар, соҳил ва тўлқинлар кишида нохуш кайфият туғдирар, юракни гашлантирарди.

Од индамай тиз чўкди. Аёлнинг тиззаларини қучди. Ҳаво энгашиб унинг сочларини силади, кейин ўтирди.

— Қорнинг очми? — деб сўради Од.

— Ҳа.

— Сен шу ерда ўтириб тур, анови ерда тухум бор эди.

— Ёмғир ёғяпти-ку...

— Ҳозир келаман.

— Узоққа кетма, қўрқаман.

— Яхши.

Эркак ўнгирдан чиқди. Оқшом тушиб қолганди. Ёмғир томчилари майдалашган бўлса-да, авжи ўша-ўша. У боя тепаликдан тушган жойни тусмоллаб юрди. Тухумни тепаликдан тушаётиб, шундоққина қумнинг устига қўйганди. Турган гапки унинг изларини ёмғир ювиб кетган. Бунинг устига тухумни қўйган жойини ҳам унутган, чунки ўша атрофда бирор белги — бута ёқи қоя-поя ҳам йўқ эди. Боши қотиб турган Од тахминлаб чапга бурилди. Етти-саккиз қадам юргач, қумда оқариб турган тухумни кўрди. Юраги ҳаприқиб, уни авайлаб қўлига олди. Сўнг ўнгирга югурди. Югуриб бораркан, совуқ соҳилда эмас, иссиқда кетаётгандек бадани қизиби, уч-тўрт дақиқалик масофани босиб ўтгунча аёлнинг қиёфаси бир неча бор кўз ўнгида гавдаланди ва ҳар сафар вужудида ёқимли жимирилашни ҳис этарди. Аини пайтлар бутун борлиқ нимаси биландир сирли ва жозибали кўринарди. У қадамини янада тезлатди. Бироқ, ўнгирга етай деганда тўсатдан қорни санчиб оғрий бошлади. Бўш қўли билан биқинини чангаллаб, букчайиб қолди. Ичида алланима буралиб, ўқтин-ўқтин санчиқ турарди. Пешонасидан муздек тер қуйилди.

Оғриқ сусайгач, Од яна йўлга тушди. Энди у аёлнинг сўлим бадани тўғрисида эхтирос билан ўйлай олмас, бошини эгган кўйи ғамга ботиб борарди.

Ўнгирга кирди. Олдига чиққан аёлга тухумни шоша-пиша тутқазиб, яна букчайди. Аёл тухумни деворга уриб чақди. Ютоққанча оқсилни сўрди. Кейин тухумдаги тешикни бармоғи билан кенгайтириб, саригини ютди. Ҳузур қилиб тамшанди. Сўнгра тухум пўчоғини ташқарига улоқтириб, Од томонга ўгирилди.

— Сенга нима бўлди?

— Қорним оғрияпти.

Од ерга чўзилди. Аёл унинг ёнига чўккалаб ўтирди.

— Қаттиқ оғрияптими?

Од бошини қимирлатди. Аёл унинг қорнини силай бошлади. Тиззалари толгач, оёқларини узатди. Кейин чўзилиб ётганча Однинг қорнини силайверди. Пича вақт ўтиб силашлар қор қилибми, эркак чалқанча ётди. Яна бир оздан кейин аёлнинг кафтини қўлига олиб сиқди. Лабларига босди.

Ёмғир ҳамон ёғар, тўлқинлар ҳамон жаҳл отига миниб жўш уришарди. Ора-сира яшин гумбирлаб қўярди. Бепоён уммон қўйнида, жимитдек оролча соҳилида,

шўппайган қоя бағрида икки юрак бир-бирига ҳамоҳанг тепарди...

Эрталаб аёл ўнғир оғзига келаркан, боши айланиб деворга суянди. Сирқираган белини ушлади. Қоятошнинг ёмғир суви тўпланган чуқурчаси олдида юзини юваётган Однинг норгул гавдасига меҳр билан тикилди. Бу эркак ўзи суяниб турган қоядек дағал ва бақувват, қуёшдек иссиқ ва ҳузурбахш эди.

— Ювиниб ол, — деди Од унга қараб. Аёл жилмайди. Сўнг океанга қаради. Фируза ранг тўлқинлар эркалаётгандек оҳиста чайқалишарди. Опшоқ чағалайлар осмон қўйнида чарх уришарди.

У салқин, шўртанг ҳаводан симириб нафас олди. Од ювинган чуқурчадан ҳовучини сувга тўлдириб, кўксига сепди. Юзини ювди. Ҳорғинлик вужудини тарк этиб, руҳи енгил тортди.

Кейин улар қўл томон кетдилар. Ўнғирли қояни айланиб ўтиб майсазорга чиқишди. Ҳар бири кафтдек келадиган ранго-ранг капалаклар гул-чечаклар узра парвоз қилишарди. Митти қушчалар вижирлашганча учиб ўтишарди. Океан тарафдан чағалайларнинг қичқириви ора-сира қулоққа чалиниб қоларди. Турфа хил гулларга маҳлиё бўлган аёл дам-бадам кўзига чиройли кўринган чечакни узиб ҳидлар, кўнглига ёққанини сочига тақиб қўяр эди. Қуёшнинг илиқ нурлари аёлниң силлиқ, латиф баданини қучиб эркалар, шабада қўнғир сочларини тўзғитиб ўйнарди.

Майсазор тугади. Жарликлар бошланди. Жарликларнинг чети, ичи қиррали тошларга тўла эди. Тошлар орасида ҳар хил тиканаклар ўсиб ётарди. Аёл лабларини буриб, Одга норози қиёфада қаради. Кейин тиканлар орасидан жарликнинг офтобрўя жойига ўрмалаётган илонларни кўриб қичқириб юборди. Қиррадор тошларга панжалари билан ёпишиб олган калтакесаклар нурсиз кўзларини бақрайтириб, тилларини чиқариб қўйишарди. Од аёлни кўтариб олди.

Жарликлардан сўнг яна майсазор бошланди. Аёл хурсанд бўлиб гуллар томон талпинди. Аммо, у чиройли бир гулни узиш ниятида қўл чўзаркан, чаён чаққандек тортиб олди. Бармоқларини силтай бошлади. Од унинг олдига югурди.

— Ҳа, нима бўлди?

— Ачишяпти. Тикани бор экан.

Эркак энгашиб гулни кўздан кечирди. Гулнинг та-

насида кўз илғамас тиканлар бор эди. Бехосдан унинг ҳам қўли тегиб кетганди, тикан кирган ери ловуллаб ачишди.

Улар кўл бўйига етиб келгач, чакалакзордан тухум излашди. Аёл ўтлар орасидаги индан топган гоз тухумини чақиб ютар экан, сал ўтмай томирлари бўйлаб бутун танасига олов югургандек туюлди. У потирлашганча бир-бири билан ўйнашаётган паррандаларга ҳасад ила жилмайиб қаради. Кейин кўл бўйига бориб, каттакон тош устига чиқиб энгашди, ўзини сувга отди. Муздек сув баданини сескантириб юборган бўлса-да, сал ўтмай жазиллаб турган вужудига хушёқа бошлади. Зилол сувда дам қулоч отиб, дам шўнгиб чўмилган сайин роҳатланарди. У чалқанчасига сузди. Тиниқ осмон, оппоқ парқу булутлар кўзларини қувонтирди. Завқи тошиб қиқир-қиқир қулди. Кейин яна шўнгиди. Сув жуда тиниқ эди. Майда тошчалар-у, митти балиқчалар — ҳаммаси яққол кўринарди. Бир пайт чалқанчасига сузиб бораркан; сув сезиларли даражада чайқалаётганини пайқади. Сўнгра кўлнинг ўртасида улкан қоятош сув юзасига кўтарилаётганини кўриб қолди. Қўрқиб кетган аёл ўзини орқага ташлади. Қоятош устидан замбарак қувурига ўхшаш алланарса ўсиб чиқди ва нимадир гумбирлаб кетди. Аёл беихтиёр қулоқларини беркитди. Мувозанатини йўқотиб сувга чўкди. Оғзи-бурнига сув кириб ўқчиди. У жон талвасасида қирғоққа қараб сузди. Азбаройи ҳовлиққанидан қирғоққа яқинлашиш ўрнига узоқлашиб бораётгандек кўринарди. Ниҳоят боя ўзи сакраган қоятошга етиб олди-да, тармашиб устига чиқди. Қалт-қалт титраганча офтобда қизиган тошга кўксини бериб, ҳолсиз чўзилди. Сўнг бошини кўтарди. Қўрқа-писа орқасига қаради, қоятош кўринмади.

Однинг юраги беҳаловат дукиллар, ҳансираб нафас оларди. Аёл яқин атрофда кўринмас, бунга сари тоқатсизлиги ошарди. Унинг вазоҳатидан бир-бири билан ўйнашаётган паррандалар чўчиб, бесаранжомлашди. Аммо у паррандаларга ҳам, бута шохларининг синишига ҳам эътибор бермасди. Шу пайт гумбирлаган товуш эшитилди. Қўл суви қирғоқдаги тошларга урилиб шалоплади. Бу пайтда у қирғоқ яқинида турарди. Осмонга отилган нарсанинг ошпоқ изини аниқ кўрди. Кейин қирғоқ

томон сузиб келаётган аёлга кўзи тушди ва ўша ёққа югурди.

Тош устида чўзилиб ётган аёл қадам товушларини эшитиб, сапчиб ўрнидан турди-да, ўзини Однинг қучоғига ташлади.

— У ердан ракета о-отилиб чиқди, — деди у тили тутилиб.

— Ҳа, мен ҳам кўрдим. Орол тагида ҳарбий база жойлашган шекилли.

— Қимларники?

— Бунинг фарқи йўқ. Ўзимизники бўлгандаям барибир бизга фойдаси тегмайди. Улар ўзларини бегоналар кўриб қолишини хоҳлашмайди.

— Энди нима қиламиз?

— Билмайман. Бошим қотди. Ҳозирча бирдан-бир йўли — уларнинг кўзига кўринмаслик, — деди Од.

Яна соҳилга қайтишди.

— Жуда чарчадим, оёғим оғрияпти, — деб нолинди аёл жарликка етишганда.

— Ташвишланма, — деди эркак ва уни кўтариб олганча йўлда давом этди. Аёл эса унинг бўйнидан қучоқлади.

— Оғир эмасманми? — деб сўради Однинг иягидан беозор тишлаб.

— Йўқ, аксинча, қушдексан.

Ростдан ҳам Од унинг оғирлигини деярли сезмасди. Бироқ пича юришгач, аёл ўзини ёмон ҳис эта бошлади. У титраб-қақшаганча Однинг қучоғидан чиқишга ҳаракат қилди.

— Сенга нима бўлди?

— М-мени ерга қўй. Бирпас ётай...

Од уни майсалар устига ётқизди. Бошини кафтлари орасига олиб, тиззасига қўйди. Пешонасини силади.

— Қаеринг оғрияпти?

— Оғриётгани йўқ... Ҳозир ўтиб кетади.

Аёл анча қийналди. Совуқ қотаётгандек тиши-тишига тегмай такиллар, дам-бадам ерни таталаб қўярди. Од уни нимадан азоб чекаётганини фаҳмлаб, аммо қандай ёрдам беришни билмас, тобора жазавага тушаётган аёлни тинчитишга ҳаракат қиларди. Унинг юмдалашларига, тишлаб олишларига нарво қилмай, бағрига босиб иситишга уринарди.

Аёл унинг қучоғидан юлқиниб чиқди. Оғзини четидан кўпик кўринди. У ихраб, ҳирқираб бир нималар деб



гўлдиради-да, орқасига ўгирилиб югуриб кетди. Ўн беш қадамлар чамаси югургач, тўсатдан таққа тўхтади, сўнг шилқ этиб йиқилди. Од унинг олдига етиб борди. Қўлтиғидан олиб, туришига кўмаклашди. Аёл эса унинг кўксидан итариб юборди.

Алқисса, Ҳаво чарчади. Ўзича минғирлаб, Одга маъносиз назар ташлади-да, ерга чўзилди. Кейин ухлаб қолди. Од унинг ёнига ўтирди. Қуриган ўтни юлиб, поясини чайнай бошлади. Қуёш нурида жимираб кўринаётган қояларга тикилди. Ҳазин куй чалиб эсаётган шамолга қулоқ тутди. Оғзида чайнаётган ўтнинг тахир таъмини туйиб туфлаб ташлади. Оёғини чақаётган чумолини ушлаб кўздан кечирди. Чумолининг мўйлаблари худди антеннадек икки томонга диккайган, жимитдек кўзлари кишига гўё бир маъно билан қараётгандек туюларди. У Однинг бармоғини тишламоқчи бўлар, лекин жағлари дағаллашган терига ботмасди, Од уни кафтига қўйиб аста пуфлади.

Аёл кун оғиб, қуёш тафти анча пасайганда уйғонди. Тиззаларини қучиб бир оз ўтирди, кейин керишиб қўйди. Эркак нарироқда энгашиб нимадир қилаётганди.

— Од! — дея қичқирди аёл.

Од унга юзланиб кулимсираганча яқинлашди.

— Қалай, энди тузукмисан?

— Раҳмат, яхшиман, Од...

— Морфейни қаёқдан олгандинг?

— Қайиқдан. Матрослардан бири гиёванд шекилли, қайиққа яшириб қўйган экан. Кеча эрталаб уйғонсам, сен йўқсан. Қоя тепасига чиқиб, қўл бўйида юрганингни кўрдим. Кейин ёнингга бормоқчи бўлдим. Шунда қайиқ четида бир нима йилтираб кўринди. Бориб қарасам, ампула. Морфей. Ўзи яқинда даволанган эдим, аммо морфейни кўрдим-у... Билсанг, морфей иблисдан баттар. Қисқаси, ўзимни тутолмадим. Қайиқ ичини титкилашга тушдим. Эшкак маҳкамланадиган богич тасмаси остига халтача ўрнаштирилган экан. Халтачада эса, шприц турибди.

— Қандай қилиб ўргана қолувдинг морфейга.

— Елғизлик нималигини биласанми?

— Биламан.

— Энди морфейнинг ҳожати йўқ, фақат эсан чиқариш қийин бўляпти.

— Зарари йўқ, кўникиб кетасан.

Улар тепаликка кўтарилаётганда сув юзасида баҳай-

бат махлуқдек чайқалиб турган сувости кемасини кўриб, қичқириб юбораёзди. Од эса, ўзлари томон келаётган ҳарбий кишини кузатаркан, ҳайратдан донг қотди. Ҳарбий киши атрофга бефарқ аланглаганча, аллақандай куй оҳангида ҳуштак чалиб, бамайлихотир қадам ташлар, ҳар одимда камарига осиглиқ револьвер силкиниб қўярди. У қирғоқда, қайиқлар атрофида уймалашган матросларга нимадир деб қичқирди, сўнг аёлга жилмайиб чест берди ва қўлини ўпди. Од билан бош ирғаб саломлашди.

— Ўзимни таништиришга ижозат этгайлар! «Азроил» сувости кемасининг капитани Қал Азро!

Од уни таниганди, албатта, бироқ капитаннинг рафторидан ғирт телба эканлигини англаб, янада ҳайратга тушди.

— Хонимлар ва жаноблар! Гап бундай, сизлар билан меҳмоннавозлик қилишга фурсат йўқ, зеро, биз ҳали кўп халқларга ёрдам қўлини чўзишимиз керак. Хуллас, ҳукуматингизнинг илтимосига кўра, сизларни исёнчилардан ҳимоя қилгани келдик.

Унинг валдирашларига оғзи очилиб турган аёл беихтиёр сўради:

— Қанақа исёнчилар?

Капитан индамади. Аёл автомат тутган матросларга кўзи тушиб бадани музлади. Матрослар бўйчан ва бақувват йигитлар эди. Капитаннинг улар билан ортиқ иши бўлмади, матросларга орқасидан эргашишини буюрди. Улардан бири, шерикларига нисбатан барзангироғи автоматини бўйнига осаркан, аёлга қараб тиржайди. Ожизлик ва қаҳр-ғазабдан Однинг юзи бўғриқиб кетди.

— Нима қиламиз энди? — деди аёл ҳарбийлар узоқлашгач, сўнг эркакнинг ёноғини силаб тасалли берди. — Қўй, хафа бўлма, жоним, ҳалиям худо бир асради бизни.

Қирғоқдаги матрослар сувости кемасидан ихчам, лекин зилдек оғир нарсаларни каттакон резина қайиқларга ортиб, ўнгир рўпарасига келтиришди. Од у нарсаларнинг шаклига эътибор бериб, ўзича деди:

— Ахир булар «Жодугар»лар-ку!..

— Нима?! Жодугаринг нимаси?..

— Кейин тушунтираман. Ҳозирча ўнгирга бормаймиз.

Матрослар узунлиги икки қулоч келадиган қанотли ракеталарни қирғоқ бўйлаб ўрнатишга киришдилар.

— Булар оддий ракета эмасми, ахир?

— Кўринишидан шунақа, — деди Од, — аслида даҳшатли қурул. Уларга атом двигатели ўрнатилган. Тезлиги соатига ўн беш минг километрдан ошиқ. Ер юзасининг исталган нуқтасига уча олади.

— Сен қаердан биласан буларни?

— Кейин айтаман. Энди янги бошпана топишимизга тўғри келади. Қани, қирғоқ бўйлаб юрайлик-чи, — бирор ғар-пор топилиб қолар.

Орол сув юзидан туртиб чиққан бир парча қуруқлик бўлгани учун энг баланд қоянинг баландлиги етти-саккиз метрдан ошмасди. Ҳаммаёқда харсангтошлар сочилиб ётарди. Хуллас, бошпана бўлгулик ғор ҳам, бошқа бирор ўнгир ҳам топилмади. Фақат қош қорая бошлаган маҳалда аёл тўлқинлар қирғоққа чиқариб ташлаган қандайдир нарсани кўриб қолди. Унга яқин бориб қарашса, қайиқ экан. Қайиқнинг ёнида кўйлаги қонга беланган бир одам чўзилиб ётарди. Уни чалқанча ётқизишди. Бошининг тагига юк халтасини қўйишди. Қайиқда яна битта, бунисидан ҳам каттароқ юк халтаси ва ихчамгина жомадон бор эди. Од ярадорнинг жароҳатини боғлаш мақсадида дока ёки озроқ мато топилармикан деган хаёлда жомадонни очишга уннаганди, ярадор хирқираган овозда гапириб қолди:

— Сиз қидирган нарса юк халтасида... кичигида.

Аёл унинг боши остига иккинчи юк халтасини қўйиб, биринчисининг боғичини ечди. Халта ичидан дастлаб бир шиша коньякни олди. Кейин тўрт банка консерва, қоғозга ўроғлиқ нонни олиб коньякнинг ёнига қўйди. Бу неъматларни кўриб, икковининг ҳам кўзлари чақнаб кетди. Булардан сўнг бир сидра кийим ва дори-дармон солинган пластмасса қути чиқди. Аёл Однинг ёрдамида ярадорнинг юпка пиджаги билан кўйлагини ечди. Баданидаги қонни артди. Ўқ унинг ўнг кураги остидан кириб, бўйни яқинидан чиқиб кетганди. Кўйлакнинг тоза еридан йиртиб олишди-да, қон оқишини тўхтатадиган дори шимдириб ярага босишди, сўнг дока билан боғлашди. Од коньякни очиб, уни ярадорнинг оғзига тутди.

— Раҳмат, биродар, — деди у хирллаб. — Сизлар

хам олдинги куни чўкиб кетган кеманинг йўловчиларимисиз?

— Ҳа, — деди Од. — Мен сизни, янглишмасам, ресторанда кўргандим.

Ярадор бошини қимирлатиб қўйди.

— Қандай қилиб яраландингиз? — деб сўради аёл. — Сизни отишдими?

— Ҳа, отишди. Сувошти кемасининг матроси ўқ узди менга. Ҳа, дарвоқе, биз икки киши эдик. Ёшгина йигит билан... жомадон ўшаники.

— Ўзи қани?

— Юраги касал экан. Кеча, айни туш пайти жон берди. Сувимиз тугаган эди. Ҳаво иссиқ. Бошимиздан жигиллаб офтоб ўтиб кетяпти. Шунда юрак ҳуружи тутиб қолди. Юрагини уқаладим, фойдасиз. Ақалли, сув бўлгандаям тирик қолармиди... Кейин кичик бир оролчага етиб олгач, уни ҳатто оролча дейишга ҳам арзимамайди, тош боғлаб сувга чўктирдим. Ёмғир сувларини ичиб жон сақлаб юрдим. Кейин қушларнинг учишини кузатиб бу томонни мўлжаллаб, таваккалига сузиб келавардим. Оролга яқинлашганда сувошти кемасини кўриб суюниб кетдим. Афсус, янглишган эканман. Кемага, тахминан уч юз метр қолганда кўксимда бир нима жизиллагандай бўлди. У ёғини эслолмайман. Ўзимга келсам, қайиқ ичида қонга беланиб ётибман. Бир амаллаб бошимни кўтариб қарадим. Сувошти кемаси кўринмади. Кейин ҳуш-беҳуш ҳолда чап қўллаб эшкак эшдим. Қирғоққа эндигина чиқувдим, сизлар келдингизлар. — Ярадор томоғи қуриб, лабларини ялади.

— Коньякдан яна ичасизми?

— Йўқ, ўзларингиз ичинглар.

— Раҳмат, жаноб, лекин сиз ичганингиз маъқул, қувват бўлади.

— Йўқ, биродар, — деди ярадор ҳорғин кулимсираб, — энди мен учун қувватнинг ҳожати йўқ. Кўп қон йўқотдим шекилли, кўз олдим жимирлашиб, қоронғилашиб боряпти. Сиз, хоним, манави, менинг кийимларимни кийинг сизга лойиқ келиб қолар, деб ўйлайман.

Бадани увишиб ўтирган аёл жонланиб, у айтган шим билан қўйлакни қўлига олди. Ярадор барваста одам эди, кийимлари аёлнинг бўлиқ гавдасига лойиқ келди. Фақат бир оз узунлиги учун шимнинг почасини шимариб қўйди.

— Сиз жомадонни очинг. Ўлган йигитнинг гавдаси хипчароқ эди, зора кийими бўлса.

Од жомадонни очди. Дарҳақиқат, унда чўмилганда кийиладиган труси, жинси шим, енги калта кўйлак тахлаб қўйилганди. Од кийимларни олгач, матога яхшилаб ўралган нарсани кўрди. Матони очиб қарашса, қисмларга ажратилган пистолет-пулемёт экан.

— Шеригингиз кимлигини билармидингиз?

— Йўқ.

— Бирорта мафияга алоқадор одам кўринади.

— Бўлиши мумкин. Ҳархолда қурол топилгани яхши бўлди. Ўқи борми?

— Бор. Учта обойма тўла. Яна иккитасининг қати очилмаган.

Од кийимларни кийди. Пистолет-пулемётни йиғиб, обоймалардан бирини ўрнатди.

— Энди бу халтани очинг, — деди ярадор хириллаб. — Унда палатка бор. Яна бошқа асбоблар ҳам.

— Ҳа, айтганча, — деди аёл, — сизлар қандай тирик қолдингизлар? Ахир кемадаги ҳамма одамлар ғойиб бўлишганди-ку?

— Билмадим, — деди ярадор. — Мен ухлаб ётган эдим. Нимадир кемага урилиб, каюта ёришиб кетди. Ўрнимдан турсам, ҳамхонам йўқ. Сал ўтиб, у қайтиб келди. Гапига қараганда, одамлар эриб кетаётган эмиш. Биз нарсаларимизни йиғиштириб, пичадан сўнг таваккал қилганча каютадан чиқдик. Шу пайт торпеда портлади. Палубага кўтарилганимизда ҳаммаёқ ёнарди. Сизлар эса, анча илгарилаб кетгандингизлар.

— Ушанда сиз чақирган экансиз-да? — деди Од ҳаяжонланиб.

— Ҳа. Кейин орқаларингдан сузиб келавердик. Лекин йўлда мўлжалдан адашдик.

— Хўш, палаткани қаерга ўрнатамиз?

— Менимча сал нарига, қоялар оралиғига ўрнатганимиз маъқул, — деб маслаҳат берди ярадор. — Иложи борича, кўздан панароқ бўлсин.

— Ҳа, гапингиз рост, — деди Од ва анжомларни кўтарди.

Улар атрофи паст-баланд қоятошлар билан ўралган майдончага палаткани ўрнатишди. Қуриган ўтлардан юлиб палатка ичига тўшашди. Осмонда юлдузлар милтиллай бошлаган маҳалда қайиқ ёнига йўл олишди.

— Жаноб, палатка тайёр бўлди. Энди сизни бир

амаллаб у ерга олиб борсак, дам оламиз, — деди Од нарсаларни йиғиштираркан. Ярадор миқ этмади. Од энгашиб унинг юзига тикилди.

— Од, нима гап? — деб сўради аёл.

— Ўлиб қолибди, шекилли...

— Йўғ-е!..

Од унинг очик қолган кўзларини юмиб қўяркан:

— Серганлигини кўриб, ўлади деб ўйламагандим, — деди.

— Энди уни қаерга кўмамиз, Од?

— Бу ерда гўрни нимада қазийсан? Яхшиси, сувга чўктирамыз.

Юк халтасидан чилвир топиб, марҳумнинг оёқларини жуфтлаб, унга оғир бир тошни ҳам қўшиб боғлашди. Сўнгра қайиққа ортишди.

Қайиқ қирғоқдан юз метрлар чамаси олислагач, Од эшкак тортишдан тўхтади. Марҳумнинг бўйнидан ушлаб кўтарди. Аллақачон совуб қотиб қолган тана уни сескантириб юборди ва беихтиёр жирканиш ҳиссини уйғотди. Шоша-пиша мурданинг бош томонини қайиқдан оширди. Тиззаси билан белидан сурди. Оғир юкдан бўшаган қайиқ чайқалди. Од уни қирғоқ томон юриб, тез-тез эшкак тортиди.

Од қирғоққа қадам қўйиб, аёлга рўпара бўлди. Аёл унинг бўйнидан қучоқлаб, юзига юзини суйкади. Кейин ёнма-ён юриб палаткага қайтишди, бориб илиққина кумга ўтиришди. Бир-икки қултум коньяк ичиб, озроқ нон ейишди. Консерва очишга иккаласида ҳам хоҳиш бўлмади.

— Бечора, яхши одам экан, — деди аёл.

— Ҳа, хушфезъл одам экан, — деди Од. — Тирик қолса-ку, анча мадад бўларди бизларга.

— Айтганча, капитаннинг гапларига эътибор бердингми? Соғ одамга ўхшамайди-ку?

— У телба. Афтидан бутун экипаж эс-хушидан айрилган.

— Қандай қилиб?

— Бу «Жодугар»нинг иши.

— Од, боя ҳам шу ҳақда гапиргандинг. «Жодугар»нинг нима ўзи?

Од аёлнинг тиззасига бош қўйганча чўзилди. Қўллари олиб юзига босди. Аёл бир қўлини авайлаб бўшатди-да, Однинг сочларини тўзгитиб ўйнай бошлади.

— Гап шундаки, мен «Жодугар»ни яратишда ишти-  
рок этганман, — деди Од паришон оҳангда.

— Қанақасига?!

— Сен кетгач, умидсизликка тушиб, бир неча марта ўзимни-ўзим ўлдирмоқчи бўлдим. Жон ширинлик қил-  
ди. Хуллас, бир куни йўлак четида қунишиб ўтирган-  
дим. Ҳаво совуқ. Қорним оч. Йўл чеккасида машина  
тўхтади. Ундан тушган қиз ёнимдаги киоскдан газета  
олди. Сўнг яна машинасига ўтираркан, менга қараб  
қўйди. Сал ўтмай машинадан чиқиб, олдимга яқин-  
лашди.

— Кечирасиз, мабодо исмингиз Од эмасми? — деб  
сўради у.

«Ҳа» деб жавоб бердим.

— Танишиб қўяйлик, менинг исмим Ру. Сиз ҳақин-  
гизда собиқ курсдошингиз сўзлаб берганди. Суратин-  
гизни ҳам кўрсатган. Қобилиятли физик экансиз, —  
деди у кулимсираб.

— Хизматингизга тайёрман, хоним, — дедим ажаб-  
ланиб.

У қўлимга адрес ёзилган қоғозни тутқазиб:

— Эртага шу жойга борасиз. Сизни ўзим кутиб  
оламан. Агар хоҳласангиз, аллома Иблнинг тажрибахо-  
насида ишлашингиз мумкин, — деди.

Эртасига у айтган жойга бордим. Ру мени ўзи айт-  
ган аллома билан таништирди. «Биз янги турдаги  
қурол устида ишлаймиз», деганди Ибл ўшанда дангал.  
Менга унинг гапириш оҳанги ҳам, қиёфаси ҳам негадир  
ёқмади. Лекин иложим қанча, оч эдим, бошпанасиз  
эдим. Таклифни рад этсам, ўрнимга бошқа мутахассис  
топишар, Ибл айтган қурол барибир яратилар эди. Ўша  
пайтда менинг фалсафам шу эди.

Шундай қилиб иш бошладик. Аллома Ибл бош-  
лигимиз эди. Қурол лойиҳаси ҳам унинг маҳсулоти эди.  
Маошимиз яхши, дам олиш кунлари кўнгил очишлар...  
Икки йилдан сўнг қурол яратилди. Аслида унинг назар-  
рий асослари Ибл томонидан аллақачон амалга оши-  
рилганди. Бизлар фақат ишлаб чиқариш технологияси-  
ни тайёрладик. Қуролга «Жодугар» деб ном беришди.  
«Жодугар»га одатдаги термохимик реактив двигатели  
эмас, ядро реактив двигатели ўрнатилганди. Бу эса,  
ракетанинг ҳажми ва оғирлигини камайтиришга имкон  
берарди. Лекин гап ядро двигателида эмас. Ракетанинг  
тумшуги мўлжалга олинган шаҳар тепасида портлагач,

осмонда минглаб шарчалар ҳосил бўлади. Улар атрофга тарқалишади, кейин пастлаб, ҳар бири алоҳида-алоҳида бўлиб портлайди. Сўнг зангори нур тарқалади. Бу нур зарарсиз, аммо айнан шу дақиқаларда тарала бошлаган бошқа хил нур одамларнинг миясига таъсир этади. Маълумки, миядаги асаб толалари, умуман, миянинг ўзи жуда мураккаб кимёвий моддалардан ташкил топган. Ибл шу кимёвий моддалар таркибини ўзгартирадиган нурланишни кашф этганди. Одамлар бундай ҳужумдан сўнг, бир неча дақиқа ичида ақлдан озадилар...

Аёл жунжикиб, Одни маҳкам қучоқлаганча пичирлади:

— Қўй, эсламайлик ўшаларни.

Од аёлнинг кўз ёшларини артди, сўнг унга Ру билан қилган суҳбатини, унинг топшириғини сўзлаб берди:

— Хайрлашув чоғи Ру манови соатни билагимга тақиб, ҳеч қачон қўлдан қўймаслигимни қайта-қайта таъкидлади. Демак, у ҳаммасини олдиндан сезган экан. Бу соат «Арвоҳ» ва «Жодугар»нинг ҳужумидан ҳимоя қилувчи мослама экан. Тушундингми? Афтидан, соат қандайдир майдон ҳосил қилиб, нурланиш кучини қирқади шекилли. Бояги одам ва унинг ҳамроҳи бизга қўшни каютада ётишган. Демак, соатнинг таъсир майдони улар ётган ерни ҳам қамраб олган.

Тун салқини баданларини увиштирди. Янги бошпа-нага кириб, пичанга чўзилишди. Ёмғирда ивиб, ис-сиқда обдан қуриган пичаннинг хушбўй ҳиди димоққа урилди.

Бугун океан одатдан ташқари тинч бўлди. Осмон ҳам булутсиз, лекин юлдузлар хира милтирайди. Тонгга яқин осмонни тумансимон булут қошлаб, ёмғир томчи-лай бошлади. Аёл уйғонганида ёмғир чодирни майинги-на чертаётган, Од эса уйғоқ бўлиб, унинг уйқусини бузгиси келмай хаёл суриб ётарди. Аёл қаддини тиклаб ўтирди.

— Яхши дам олдингми, азизим? — деб сўради у сочларини силкитганча.

— Раҳмат.

— Биласанми, тушимда фарзандлик бўлибмиз.

— Ростданми? Демак, бугун омад кулиб боқади бизларга. Сен шу ерда ўтира тургин. Мен соҳилдан бир хабар олай-чи, балки анови телбалар кетишгандир, хўпми?



— У ерга бормаганинг маъқул, — деди аёл.

— Биламан, лекин биқиниб ўтираверишимиздан ҳам фойда йўқ-да.

— Хўш, бориб нима қиласан, улар ахир ақлдан озган ёвуз махлуқлар-ку!

— Мен олдиларига бормоқчи эмасман. Уларни олисдан туриб кузатаман. Ахир ҳеч бўлмаса егулик ғамини ейишимиз керак-ку. Тўрт банка консерва билан иш битадими?

— Ўтинаман, жоним, эҳтиёт бўл!

— Яхши, мендан хавотир олма. Ўзингни асрасанг бўлгани. Қийналсанг ҳам бу ердан қўзгалма. Майлими?

— Хўп бўлади, жоним, — дея аёл уни астагина ўпиб ташқаригача кузатиб қўйди.

Од обоймали камарни белига боғлади. Пистолет-пулемётни елкасига илди. Сўнг қоялар оралаб эски манзилгоҳ тарафга юриб кетди.

Соҳилда ҳеч ким кўринмас эди. Сувошти кемаси ҳам йўқ. Кеча матрослар ўрнатган учта қанотли ракета тумшукларини турли томонга қаратганча шумшайиб туришади. Од атрофга назар ташлаб, консерва банкалари, бўшаган шишалар, сочилиб ётган сигарет қолдиқлари орасида қумга қоришган бир бўлак нонга кўзи тушди. Чўккалаганча нонни қўлларига олиб, тўйиб ҳидлади. Сўнг қўйнига тикди. Яна бирор егулик топиш мақсадида ён-верини синчиклаб кўздан кечиришда давом этди. Қанча изламасин, бўлак ҳеч нима топа олмади. Ҳам шунчаки қизиқиб, ҳам матрослар балки озиқ-овқатларни яшириб қўйишмаганмикан деган ҳаёлда ўнгирга кирди. Ўнгир эса, бўм-бўш бўлиб, фақат ҳаммаёқни ботинкаларнинг излари босиб кетган эди. Ниманингдир вишиллаган товуши уни чўчитиб юборди. Ўнгирнинг қоқ ўртасида йўғонлиги билан келадиган илон билангалаганча у томон ўрмаламоқда эди. Од илоннинг бошини мўлжалга олиб, тепкини босди. Илон думи билан ерни бир-икки савалаб тинчиди. У ташқарига чиқди. Ўнгирдан ўн қадамлар узоқлашувдики, бежирим тумшуғи хира йилтираётган ракета-нинг қаноти устида кулча бўлиб ётган яна битта илонга кўзи тушди. Од тушуниб бўлмайдиган бир дилғашлик исканжасида турганда кимдир чақиргандай бўлди.

— Од!..

У океан томон ўгирилди ва ўзига тикилиб турган яланғоч аёлни кўрди-ю, титраб кетди.

- Од, мени танимадингми?
- Ру?!
- Ҳа, бу менман.
- Сиз... Қандай қилиб?..
- Аслида мен йўқман, Сен ҳозир Рунинг арвоҳи билан гаплашяпсан.
- Од беихтиёр икки қадам орқага тисарилди.
- Арвоҳ?!
- Ҳа. Сени кузатиб, тажрибахонага қайтишим биланоқ мени қўлга олишди.
- Кейин-чи?
- Кейин «Арвоҳ»нинг тажрибахона модели турган хонага олиб боришди-да, мени нурлантиришди, вассалом.
- Демак, кемадаги йўловчилар ҳам...
- Ҳа, улар ҳам арвоҳларга айланишган. Иблга сен тўғрингда оғиз очмадим. Аммо у ҳар эҳтимолга қарши, сени манзилга етиб боришингни кутиб ўтирмасдан, кемани чўктириб қўяқолган.
- Бир мени деб шунча одамни қурбон қилибди-да?
- Ибл учун бу арзимас иш. У сенинг баҳонангда қуролини яна бир бор синаб кўрмоқчи бўлган.
- Тушунарли.
- Магнитафон билан медальон ўзингдами?
- Магнитафон йўқ. Буюмларни олишга улгуролмадик. Медальонни асраяпман.
- Яхши, шуниси ҳам кифоя. Демак, топшириқни бажарасан!
- Албатта. Менга айт-чи, — деди Од беихтиёр сенсираб. — «Арвоҳ» ҳақида бирор нима биласанми? Ахир кўп ҳужжатлар сенинг қўлингдан ўтган. Фақат, илтимос, бир бошдан тушунтир, бўлмаса миям ғовлаб кетяпти.
- Хўп, унда диққат билан қулоқ сол. Сен Иблнинг кашфиётини, унинг моҳиятини ҳарҳолда тасаввур этоласан. Яъни, атрофимизни ўраб турган борлиқ тўғрисида етарлича тасаввурга эгасан. Иблнинг фикрича, биз яшаётган олам инсон бевосита ҳис эта оладиган ва билвосита англайдиган етти унсурдан иборат. Булар: қаттиқ жисмлар, суюқлик, газ, электромагнит тўлқинлари, гравитацион майдон ҳамда плазмадир. Демак, одамлар ана шу етти унсурдан иборат оламда мавжуддирлар... — Рунинг арвоҳи шундай дея жим қолди.

Афтидан, у Однинг бемалол мулоҳаза юритиши учун имкон бермоқчи эди.

Од аллома Ибл билан қилган суҳбатини эслади. Ўшанда «Жодугар» ҳақида гап кетганди. Од лойиҳадаги асосий ишлардан бирини амалга ошираётганига қарамай моҳиятига тушунмас, бу нурланиш мия нейронларига шикаст етказишинигина юзаки тасаввур этарди. У улкан ва мураккаб механизмнинг бир мурвати эканлигини фаҳмларди. Бўлаётган ишни яхлит ҳолда таҳлил қилиш, тасаввур этиш доктор Иблнинг ҳуқуқи эди. Шундай бўлса ҳам ўшанда нурланиш моҳияти тўғрисида савол берганида, Ибл истеҳзо аралаш жилмайиб насиҳат қилган: «Дўстим, сиз ўзингизга тегишли бўлган нарсаларнигина билишингиз лозим». — Кейин мақтангиси келиб қолдими, қўшимча қилиб шундай деганди:

— Мени ҳамиша саккизинчи унсур қизиқтириб келган. Саккизинчи унсур!.. Уни ҳали ҳеч бир инсон зоти тасаввур этолмайди. Керак бўлса, мен ҳатто арвоҳларни ҳам ярата оламан!

Ўшанда Иблнинг гапларини Од ҳазилга йўйганди. «Демак у сўзининг устидан чиқибди-да?!»

— Ибл оламнинг тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи унсурларини ҳам кашф қилди, — деди арвоҳ.

— Сен қайси унсур кўринишидасан? — деб сўради Од.

— Ўн биринчисида.

— Уни изоҳлай оласанми?

— Ҳа, маълум даражада, албатта. Ўзинга маълум, Иблнинг котибаси эдим, барча қўлёзмаларни мен оққа кўчирганман. Қисқаси, сизлар, «Жодугар» билан банд бўлганларингда Ибл тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи унсурларни ҳам кашф этди. Ибл айтадики, фазо билан вақт чексиз бўлганлиги каби, борлиқнинг турли кўринишлари ҳам чексиздир.

— Демак, борлиқнинг биз ўрганиб қолган етти хил кўринишидан ташқари, яъни етти хил унсурдан ташқари юзлаб, балки минглаб хил кўринишлари мавжуд экан-да?

— Ҳа, шундай. Ўн биринчи унсурга хос нурланиш одами айнан шу унсур оламига ўтказиб юборади.

— Қандай қилиб?

— Билмайман, мен мутахассис эмасман. Мен ҳатто

ҳозир ўзимнинг қанақа эканлигимни ҳам тасаввур этолмайман.

Од зўр бериб, «Жодугар»ни яратишда қилган ишларни эслай бошлади, аммо бундан натижа чиқмади. Ҳар қанча уринмасин, «Жодугар» портлагандан сўнг одамлар ақлдан озадилар, деган хулосадан бошқасини хотирлай олмаслигини фаҳмлади. Демак, улар менга ҳам ишлов беришибди, деб ўйлади у, демак, менинг миямни ҳам нурлантириб, буюрилган иш тўғрисида фикрлайдиган, кейинроқ ҳаммасини унутиб юборадиган биологик роботга айлантиришибди. Бу қизни эса, бутунлай йўқотишмоқчи бўлишган, чунки у менга қараганда жуда кўп сирлардан хабардор. Лекин, улар ниманидир ҳисобга олишмаган кўринади.

— Янги қуролнинг номини нима дегандинг?

— «Арвоҳ», оти ҳам ўзига мос, — деб кулимсиради қиз. — Ростдан ҳам у одамларни арвоҳларга айлантиради.

— Ўн биринчи унсур қанақа олам ўзи?

— Очиги, билмайман. Фақат, у одатдаги одамга ўхшаб атом ва молекуллардан тузилмаганлигини англай оламан, холос. Яна, бу олам гравитацион майдонга ўхшаш бир майдондан иборатлигини ҳам сал-пал фаҳмлайман.

— Гравитацион майдонга ўхшаган?.. Балки шунинг ўзидир?!

— Йўқ. Ахир гап ўн биринчи унсур тўғрисида кетяпти-ку. Гравитацион майдонга ўхшаш деяпман. Аслида, мен, мавжуд бўлган олам билан унинг ўртасида мутлақо мутаносиблик йўқ.

— Лекин у, сен фаҳмлагандек қандайдир майдондан иборат бўлса, нима биландир боғлиқ, ёки ниманингдир маҳсули бўлиши керак-да? Айтайлик, фазодаги ҳар бир жисм гравитацион майдонга эга. Худди шу туфайли Ой Ернинг атрофида айланади. Космик кемалар етарли тезликка эга бўлмаса, Ернинг тортиш кучини, яъни гравитацион майдон кучини енга олмайди. Шунга кўра, Ер ва бошқа сайёралар қуёш атрофида айланишади. Энди сенинг оламингга келсак, у ниманинг маҳсули?.. Балки, Ер сайёраси гравитацион ҳамда магнит майдонига эга бўлишдан ташқари ўн биринчи кўринишдаги майдонга ҳам эгадир?

— Балки шундайдир, — деди арвоҳ елкасини қисиб.

— Қизиқ, мени энди бошқа нарса ўйлантиряпти. Гарчи сен биз учун арвоҳ ҳисоблансанг ҳам, лекин ўз оламинг учун жонли мавжудотсан, чунки ҳамма каби фикрлай оласан, мулоқотда бўласан. Шундай экан, нима биландир озиқланишинг керак, тўғрими?

Арвоҳ яна елкасини қисди, кейин пича ўйланиб туриб деди:

— Мен бу ҳақда ҳеч бош қотирганим йўқ. Ўзимнинг қанақадир майдонда мавжудлигимни биламан, холос.

— Балки, бир пайтлар ибтидоий одам ҳам ўзининг мавжудлигини шундай тасаввур этгандир, — деб қўшимча қилди Од. У ўзини анча тутиб олган, арвоҳ энди боягидек юрагига гулгула солмас, муҳими, кўп нарсаларнинг фаҳмига ета бошлаганди. — Сен у оламда қандай кўринишдасан?

— Ҳеч қандай. Мен шаклсиз мавжудотман.

— Балки, тананг у ерда қолгандир? Балки, ўлмагандирсан?

— Нималар деяпсан, ҳеч қанақа тана-пана йўқ. «Арвоҳ» нурлана бошлаганда одамнинг жасади қолмайди, ўн биринчи унсур оламига ўтиб, арвоҳга айланади. Аммо Ибл бир нарсани, арвоҳлар тирик одамларнинг фикрлашига таъсир эта билишларини ҳисобга олмаган. Тўғри, бу айб эмас. Негаки, ҳар қандай кашфиётнинг салбий томонларини олдиндан кўриб бўлмайди. Аммо бу хато Иблнинг барча мақсадларини пучга чиқазди.

— Тушунмадим.

— Ҳозир тушунтираман. Масалан, сен мени кўраётганинг йўқ, тасаввур этияпсан, холос. Худди телепатияга ўхшайди. Қолаверса, одамларнинг миясига таъсир ўтказиб, иродамга бўйсундириб олишим мумкин. Шу усулда сувости кемасининг капитани ёрдамчисига таъсир ўтказдим. «Жодугар»лардан бирини кема ичида портлатишни буюрдим. Чунки ақлдан озган одамларга таъсир қилиш осонроқ. Оқибатда экипаж кемани чўктириб юборди.

— Нима учун сувости кемаси бу ерга келди? Бундан бирор мақсадни кўзлаганинг йўқми?

— Сен орол остидаги ҳарбий базани назарда тутиб сўраяпсанми? — деди арвоҳ. — Ҳа, тўғри фаҳмладинг. Бу ерда «Жодугар»ларнинг дастлабки гуруҳи сақланипти. Энди уларни ҳам портлатиш керак.

— Ибл-чи?

— Ибл ҳам, лойиҳалар ҳам йўқ.

— Демак у ерда ҳам...

— Ҳа. Мен ёлғиз эмасман. Арвоҳга айланган шерикларим Иблни аввал барча хужжатларни йўқ қилишга, сўнг ўз-ўзини ўлдиришга мажбур этишди. Энди сизлар бу ердан кетишларинг керак. Акс ҳолда ҳалок бўласизлар.

— Қаёққа ҳам кетардик, — деди Од, — резина қайиқда қаергача сузиб борамиз, ахир!

— Бунинг чорасини ўйлаб қўйибман. Шерикларим базадаги ходимларнинг бирига таъсир ўтказишди. У ходим, хув, анови қоя орқасидаги қўлтиққа моторли қайиқ келтириб қўйибди. Қайиқда озиқ-овқат ва икки кунга етадиган ёнилғи, компас ҳам бор. Шарқ-шимолни мўлжаллаб сузинглар, шунда юз чақирим наридаги оролга етиб оласизлар.

— Раҳмат сенга, Ру.

— Тезроқ йўлга тушинглар.


— Сен билан бошқа кўришамизми?

— Йўқ, Хўп, хайр. Сафарларинг бехатар бўлсин!

Арвоҳ тумандек кўздан йўқолди. Од бир қанча муддат гарангсиб турди. Назарида, буларнинг ҳаммаси тушида юз бергандек бир таассурот уйғотганди. У қиз айтган томонга борди ва қоя орқасига ўтиб, моторли қайиққа кўзи тушгач, билагини қаттиқ чимчилади. Кейин Рунинг маслаҳатини эслаб палаткага югурди. Бошидан кечирган воқеаларни аёлга гапириб ўтирмади. Шунчаки, моторли қайиқ топгани, унинг ичидаги харитага қараб, шу яқин ўртада катта орол борлигини аниқлаганини тушунтирди.

Улар қайиқ турган жойга келишганда туш пайти бўлиб қолганди. Қайиққа ўтиришдан олдин Од бир лаҳза ўйланиб қолди. Негадир кўнгли алағда эди. У атрофга аланглаб, жонсиз қояларга бир-бир қараб чиқди. Кейин қўлидаги пистолет-пулемётни сувга улоқтирди. Ўқ тўла обоймаларни ҳам сувга ташлади. Қайиққа ўтириб, моторни юргизди. Қайиқ оролчадан сал олислашгач, беихтиёр орқасига қаради, қирғоқда ҳеч кимса кўринмади. Однинг юраги гуссага тўлиб, кўзларида ёш халқобланди. Қайиқ эса, мовий тўлқинлар узра сапчанча бепоен океан бағрида шитоб билан сузиб борарди.

АБДУҚАЮМ ЙЎЛДОШЕВ



ШАЙХ УР-РАИС

## Ҳ И К О Я Л А Р

### УЧИНЧИ НОМЗОД

Кун тиккага келган палла. Ҳаво иссиқ. Янтоқлар орасида юрган моллар эринибгина кавш қайтаради.

Уч чўпон — Ширинқул, Расул, Назира бир жойга йиғилишган. Новча, сочлари патила-патила Ширинқул майкачан, янтоққа осилган қўйлаги соясида кўзларини қисганча осмонга термулиб ётибди; Расул тақир бошини ялтиратиб, юз-кўзидан тер қуйилиб, қўлидаги таёқ билан ерга нималарнидир ёзиб ўтирибди; қирққокил сочига попуклар тақилган Назира латта қуроқларидан қўғирчоқ ясапти.

Қуёш аямай олов уфуради. Болалар чурқ этмай ўз машғулотларини давом эттиришади.

Ниҳоят, ёзиб-чизиш Расулнинг жонига тегди. У бошини кўтариб Ширинқулга қаради.

— Жўра, менга қара.

— Ҳм?

Расулнинг юзига муғомбирона жилмайиш қалқди. У одатдаги шўхлигини бошламоқдайди, буни сезган Назира улар томонга ўтирилди.

— Тўққизта бешнинг йигиндиси неча бўлади?

Ширинқул осмонга термулиб узоқ ўйланади. Шу қадар узоқ ўйланадики, ҳатто пешонасига реза-реза тер тошади, нималарнидир ҳисоблаётгандай лаблари тинмай қимирлайди, бармоқларини қайта-қайта букади, лекин миқ этмайди. Охири:

— Билмайман, — дейди хўрсиниб.

— Унда... тўққизта беш тийинлик қанча бўлади?

Ширинқул дарҳол жавобни тайёр қилади:

— Қирқ беш тийин.

Назира қикирлаб кулиб юборади. Ширинқул унга заррача эътибор бермай, ўйчан кўзларини осмондан узмай, яна ўзининг тубсиз хаёлларига гарқ бўлади. Бироқ Расул уни тинч қўймайди:

— Тўққиз қарра тўққиз неча бўлади, жўра?

Ширинқул яна зўр бериб ўйланади, ахийри:

— Билмайман, — дейди яна чуқур хўрсиниқ билан.

— Тўққизта тўққиз тийинлик-чи?



Ширинқул бу гал бир онда жавоб қайтаролмайди. Анча ўйланиб туради-да:

— Тўққиз тийинликлар бўлмайди, — дейди тўла ишонч билан. — Беш тийинликлар бўлади, ўн тийинликлар бўлади...

Назира яна пиқир-пиқир кулади. Хумордан чиқиб олган Расул ерга бир нималарни ёзишда давом этади.

Бўш-баёв, ҳардамхаёл Ширинқул билан тиниб-тинчимас, синчков Расул бир-бирига жуда ўрганиб қолишган. Ораларидаги икки-уч ёш фарққа қарамай улар деярли доимо бирга юришади, бир-бирларини соддагина тарзда «жўра» деб чақиривади. Ширинқул ўртамиёна ўқийди, унинг бошқалардан яққол ажралиб турадиган алоҳида фазилати йўқ (фақат баъзан иншо ёзган чоғлари ўзининг беҳад чиройли ҳусни-хатию фавқулудда эркин фикрлай олиши билан адабиёт муаллимасини ҳайратга солиб қўйишини ҳисобга олмганда). Расул эса...

Расул олти ёшга тўлар-тўлмас мактабга борди. Рай-ОНО, облОНОдан келган обрўли комиссияларнинг энг ижобий баҳолари билан бир йилда икки-уч синфни тугата бошлади.

...Қишлоқ тарафдан булар томон пилдираб чопиб келаётган олти-етти ёшлардаги болакайнинг қораси кўринди. У олисданоқ қўл силкиб бақира бошлади:

— Пйаписий келди-и-и!.. Сени чақийяпти-и!.. Пйаписи келди-и!..

Уйда бир неча ойдан буён профессор Зариф Аҳмедовни сабрсизлик билан кутишаётганини Расул биларди. Профессор шаҳарда илмий-текшириш институтида ишлар, ота томонидан буларга узоқ қариндошлиги бор эди. Қишлоқда каттаю кичик Аҳмедовни ҳурмат билан «катта одам» деб тилга олар, шундай киши билан ҳамқишлоқ эканликларидан фахрланишар, отаси ҳам профессорнинг рангли сурати чиққан қалин журнални бир-икки бор кўрсатиб, «Ўқи... ўқи...» деб қўйган эди.

Соли ака минг андиша билан: «Ўғлимда бир нима бордай...» деб Аҳмедовга икки энлиқкина хат ёзган, бир-бирини жуда яхши тушунадиган одамлар бўлганидан, профессор бутун бошли қўш вараққа: «Бораман!» деган бир оғиз сўз билан жавоб қайтарган эди. Соли ака ўша куниёқ ҳовлиқиб-энтикиб ҳовлига бир бўрдоқи келтириб қўйган, ўзи эса шу кундан бошлаб жўрттага қовоғини солганча ҳар куни уч-тўрт марта

кўчага чиқиб, катта йўл томон зимдан қараб-қараб кўярди.

## II

Расул ҳовлида турган сутранг «Волга»ни болалар қатори томоша қилиб ҳам улгуролмади. Онаси дарров етаклаб уни ичкарига олиб кирди, кўчадан қизиқсиниб келишган беминнат «дастёр»лар ёрдамида тезда қайноқ сувга қатиқ кўшиб ўғлининг бошини ювди, оғритиб-оғритиб қулоқларини тозалади. Сўнг бўхчадан янги кўйлак, шим, беқасам чопон, дўппи олиб, Расулга кийдирди. Чойнак кўтариб чиқиб келган отаси уни диққат билан назардан ўтказгач, маъқул бўлди шекилли, елкасига қоқиб қўйди-да, индамай ичкари уйга бошлади. «Катта одам»нинг олдига кираётганидан ҳаяжонланиб кетган Расул қадим муллаваччалардек қоматини сал букиб, ўнг қўли кўксиди: «Ассалому алайку-ум», дея остона ҳатлади.

Расул, агар, уни ярим кечаси уйғотиб сўрасангиз ҳам айлана узунлигининг диаметрига нисбати бўлган ўзгармасни вергулдан кейинги ўн учинчи сонга қадар аниқликда айтиб бера олар, нафақат синус ва косинус, балки тангенс ва котангенсларнинг ҳам барча тўрт чоракдаги қийматларини шариллатиб ташлар, тўғри бурчакли учбурчак учун Пифагор теоремасини исботлаб бера олар, аммо сиз ундан қишлоқдаги қариндошуруғларидан, ҳеч бўлмаса ҳар куни кўзи тушиб турадиган бир-иккита одамнинг отини сўрасангиз — миқ этолмай қоларди. Булар, Соли аканинг фикрича, эсда сақлашга арзимайдиган, бекордан-бекорга мия катакчаларини банд қилиб ётадиган маълумотлар эди, холос. У кишининг уришилари зое кетмаган: Расул ҳар куни ихтиёрсиз равишда радиодан, телевизордан, газета-журналлардан, таниш-билишлардан олаётган сон-саноксиз маълумотларни шу заҳотиёқ ёддан чиқариб юбориш салоҳиятини мукаммал эгаллаб олган эди.

Аммо, вақт ўтган сари, савқи табиий деймизми, ё ички эҳтиёж-интилиш деймизми, ишқилиб, нимадир ота қўйган ишончли тўсиқлардан секинлик билан бўлса-да, ошиб ўта бошлади. Бу кўр-кўрона исённинг илк меваси шу бўлдики, Расул Ширинқул билан дўстлашди, унинг ота-онаси билан танишди. Ширинқулнинг—Соли ака таъбири билан айтганда — «пи-

ёниста» отаси ярим шиша тоза спиртни ичиб олгандан сўнг ўн бир болорли уйнинг у бурчидан бу бурчига думалаб, «Ёниб бораяпман!» деб бўкираётганида Расул учиб келиб отасидан совхоз марказида турадиган врачга мотоциклда бориб келишини ўтиниб сўради. Албатта, ота илтимосни ерда қолдирмади, лекин ўғлининг тақдири учун ҳазилакам хавотирга тушмади. У киши Расулнинг келгусида Аҳмедовдай йирик олим бўлишини, турмушнинг майда-чуйда икир-чикир ташвишларидан йироқда, фақат илм билан машғул бўлиб ўсишини истар эди. Расулни ҳеч бўлмаса мактабни битиргунча тувакдаги гул каби папалаб ўстиролмаслигини, энг муҳими, унинг табиий интилиши олдида ожиз эканлигини, унинг қонида аллақандай шайдолик, қизиқувчанлик борлигини билгандан кейин эса (балки бу хусусият ҳамма болаларга хосдир, ахир, биз ёшимиз улғайгач, қачонлардир гўдак бўлганлигимизни унутиб қўямиз-ку) профессорга хат ёзишдан бошқа иложи қолмади.

Шундай қилиб, Расул кирган хонада ўн бештача эркак ўтирарди. У меҳмонлардан икки-учтасининг юз қиёфасини ғира-шира эслагандек бўлса-да, қолганларини биринчи бор кўраётгандек эди. У пойгакда ўтирган, ҳалитдан чайқалишга тушган Ширинқулнинг отасидан бошлаб ҳамма билан бирин-кетин қўшқўллаб кўришаркан, тўрда ўтирган басавлат, бурундор, кун иссиқлигига қарамай кулранг камзул, қордай оқ кўйлак кийган, заррин бўйинбоғ таққан, сочини тақир олдирган кишининг профессор эканини тушунди. Қўл олиш тугаб, ўтиришгач, Расулнинг ҳурмати учун яна бир марта фотиҳа ўқилди, ҳол-аҳвол сўралди. Сўнг орага қисқа жимлик чўкди. Профессор ҳурмат сақлаб ўзидан олдин ҳеч ким гап бошламаслигини сизди, шекилли, ёнида турган тимсоҳтери портфелидан қалин китоб чиқариб, белгилаб қўйилган саҳифалардан мисол ва масалаларни Расулга кўрсата бошлади.

— Шуларни ишлаб кўринг-чи, ўғлим.

Расул «хўп»дея китобни олиб ўрнидан туриб кетаётган эди, профессор қўл ишораси билан уни тўхтатиб, портфелидан бир даста оқ қоғоз, чўнтагидан чиройли ручка чиқариб берди-да, кўрпалар йиғилиб турган таҳмон томон ишора қилди:

— Шу ерда бир уриниб кўринг-чи, ўғлим...

Қизик, профессор мулойим сўзларни танлаб-танлаб гапирарди-ю, аммо товуши совуқ эшитиларди.

Мисоллар анча мураккаб, еттинчи-саккизинчи синфлар учун мўлжалланган дарсликларда бунақалари камдан-кам учрайди. Айниқса, биттасининг шарти ғалати эди: «Қуйидаги мисолни 15 хил усул билан ечинг...» Уларни ечиш учун кетган бир соатча вақт мобайнида меҳмонлар турли мавзуда босиқ суҳбатлашиб ўтиришди. Ширинқулнинг чапанироқ отаси гоҳида жўшиб кетиб, баланд овозда жайдаричасига хангома бошлаб қолар, бироқ ёнидагилар унинг енгидан тортиб, «катта одамнинг олдида уят бўлади-я» дегандай лабларини тишлашиб, бошларини маъноли чайқаб-чайқаб қўйишарди. Ҳаммани профессорнинг салобати босиб турар, мўътабар меҳмон билан дастурхон попугини ўйнаб ўтирган мезбон бири-биридан камгап бўлганликлари учун бошқалар суҳбат жиловини қаёққа буришни билолмай гаранг эдилар. Шунинг учунми, терлаб-пишиб кетган Расул мисолларни ечиб бўлганини билдирганида кўпчилик елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил нафас олди.

Қолган ишлар кўз очиб-юмгунча бўлди. Профессор Расулнинг ёзганларига қабарик кўзойнагини тақиб диққат билан қараб чиққач, бир оғиз «опке-таман» деди. Нарсаларини портфелига жойлаётиб эса бирдан кетишга изн сўрай бошлади. Чин дилдан айтилган илтимосларга, ўтинчларга кулоқ солмади, вақти йўқлигини, иши кўплигини важ қилиб туриб олди. «Эртага мен меҳмонга чақираман», «кейинги куни мен...» деб ўтирганларнинг тарвузи қўлтигидан тушди.

Бирпасда Расулнинг ихчамгина бўҳчаси, дафтар-китоблар солинган сумкаси машинага ортилди...

Профессор машинани учуриб кетди. Қишлоқдан чиқар маҳали йўл четидаги улкан чинор тагида чўпонлик таёғига суюниб, уларни жимгина кузатиб турган Ширинқул мунғайиб қолди. Расул бир ишора қилиб улгурар-улгурмас уни машина чангга белаганча ўтди-кетди...

### III

У ҳар галгидай майин мусиқа садолари остида уйғонди. Чапдаги девор овозсиз сурилгач, илиқ сувли

бассейнда чўмилиб чиқди. Стол устида асосан концентратлардан иборат нонушта тайёр турарди.

Нонуштадан кейин бутун деворни эгаллаган экран қаршисига, юмшоқ ва чуқур креслога ўрнашиб ўтирди. Дастлабки дарс олий математикадан. Мовий экранда қизғиш ёзувлар пайдо бўлди: «Биринчи тартибли дифференциал тенгламаларнинг махсус ечимлари».

Электрон мия (ЭМ) дарсни ажойиб усулда ўтар эди. У ҳам экранда ёзувлар пайдо қилар, ҳам шу ёзувларни махсус тўлқинлар орқали бола миясига йўллар, гўё кўринмас ўқитувчи ўзи доскага ёзаётганларини ўзи ўқиб бераётгандай эди. Бола бутун диққат-эътиборини экранга қаратган, унинг ёш, билимга чанқоқ мияси сон-саноксиз маълумотларни ҳарислик билан симириб олмоқда эди.

Расулнинг ҳар бир куни, ҳар бир соати, ҳатто ҳар бир дақиқаси профессор тузиб қўйган қатъий режим асосида кечарди. У ейиши, ичиши, чарчаганда дам олиши, маълум соатларда ухлаши, мушоҳада (фақат илмий!) юритиши, ЭМ билан суҳбатлашиши мумкин, унга фақат бир нарсагина — ёдга олиш (профессор таъбири билан айтганда, «бекорчи хаёллар суриш») таъқиқланган эди, холос. Киши ўз соясидан қутулолмагани сингари, у ҳам ЭМнинг бениҳоя синчков назорати остидан сутканинг йигирма тўрт соати мобайнида бирор дақиқага чиқиб кетолмас эди. У кун билан тун тушунчасини унутган, келганидан буён қуёш юзини, дов-дарахтларни, майсаларни, ариқларни, юлдузларни кўрмаган (сунъий яшилликлару қуёш нурлари бундан мустасно, албатта), баъзи-баъзида махсус ҳаво алмаштиргичлардан хонага муздай ҳаво ёпирилиб кирганида у тонг отгандир, деб қўяқоларди. Унинг тушлари ҳам махсус плёнкаларга ёзиб борилар (ахир, Менделеев даврий қонунни тушида кашф этган), мабодо тушида илмийликдан салгина чалғиш юз берса илиққина, лекин қуруқ кафтлар тегиб-тегмай унинг юзини силай бошлар, махсус частотали ток юборар ва туш яна ўз ўзанига тушиб оларди. Гоҳ-гоҳида у ўзида тийиқсиз ҳорғинлик ҳис қилса, туманли хотирасидаги ғира-шира алланималарни зўр бериб эслашга урина бошласа, уни диққат билан кузатиб турган чироқлар бирин-кетин липиллай бошлар, хонада шу заҳоти профессорнинг босиқ овози эшитиларди: «Ўзингизни қўлга олинг, ўқим!» Металдек жарангловчи муздай товуш бора-

бора Расулни сескантирадиган, кўрқитадиган бўлиб қолди. У мана шу товушни эшитмаслик учунгина биринчи чироқ липиллаганданоқ дилида бирон теореманими, аксиоманими жон-жаҳди билан такрорлашга тушарди. Расул кунларнинг ҳисобини йўқотиб қўйган, лекин шу ердалигидан буён (балки беш ойдир, балки олти) профессор уч мартагина келиб-кетганини яхши эсларди. Охирги марта ташриф буюрганида мунгайиб ўтирган Расулнинг бошини силаб: «Мен янглишмаганга ўхшайман, ўғлим... Назаримда, сиздан XXI асрнинг ал-Хоразмийси чиқадиганга ўхшайди, ўғлим... Ўқишга зўр беринг, ўғлим... Бу ёғи энди оз қолди, ўғлим...» деган эди.

Ҳар бир дарсда назарий қисм тугагач, амалиёт бошланарди. Бунда Расул экранда ёзилган мисол, масала, саволларни кўчириб олиши, маълум вақт ичида уларни ишлаши, сўнг, аввал жавобларини, кейин топшириқнинг ўзини қайта программалаштириб машинага бериши ва шу йўсинда ўзининг тўғри ишлаган-ишлаганини текшириб кўриши, янглишган бўлса айнан қаерда янглишганини билиб, хулоса чиқариб олиши керак эди. Яқинда қизиқ воқеа юз берди. У навбатдаги мисолни программалаштираётиб нима учундир дифференциал, даражали интеграл, каср даражали илдиз, илдиз остида комплекс сон, натурал, ўнли логарифмлар, лимитлардан юзга яқинини қўйиб ташлади, оқибатда пайдо бўлган мисолга кўз қирини ташлаб ўзининг боши айланиб кетди. ЭМ минутига олтмишга яқин операцияни бажариш қувватига эга эди. Бироқ, ЭМ ҳисоб-китоб ишларига ўзининг бир қисм қувватинигина сарфлар, қолгани эса объектни кузатишга қаратиларди. Машина бу боши-охири йўқ чалкаш мисолни олтмиш секундда бажариб улгуролмагандан сўнг қолган бор қувватини ҳам автоматик равишда ҳисоб-китоб ишларига қаратди. Расул бир минутча назорат майдонидан чиқиб қолди.

Бир минут... У, неки ёдида қолган бўлса, ҳаммасини эслади. Аввало онасини, кейин отасини, мактабдаги математика ўқитувчисини, чинор тагида чўпон таёғига суяниб турган Ширинқулни, унинг ўн бир болорли уйнинг у бошидан бу бошига юмалаётган отасини, жамалаксоч Назирани, сарғайган янтоқларни, кавш қайтараётган молларни, профессорни, машинани — ҳамма-ҳаммасини эслади. Кейин... шулардан бошқа ҳеч

кимни, ҳеч нарсани эслолмаслигини, қолган бариси «ортиқча маълумотлар» сифатида хотирасидан бутунлай ўчиб кетганлигини туйди-ю, даҳшатга тушди. У ҳали бола эди. Юрагини босиб келаётган қўрқув хотирасиз, кечаги кунини унутиб, фақат порлоқ эртанги кун ташвиши билангина яшаётган одам қўрқуви эканлигини англамас, аммо аллақандай савқи табиий билан оғир йўқотишга учраганини, тузатиб бўлмас хатога йўл қўяётганини ҳис қилар, лекин ушбу хато айнан нимадан иборат эканлигини аниқ тушуниб етолмаганидан баттар ваҳимага тушар, кимсасиз уйда ғалати шарпалар томонидан бурчакка сиқиб қўйилган гўдакдай кимдан ёрдам сўрашни ҳам, айнан кимдан қўрқаётганини ҳам билмас, бу мубҳамликдан дилга баттар ғашлик ўрмаларди.

Чироқлар бирин-кетин ёниб, пирпираб, хонада профессорнинг босиқ овози эшитилди ҳамки, у ўзини босиб ололмас, муштдай бир нима томоғига келиб тиқилганини сезар эди-ю, лекин йиғлай олмасди. Ақлини таниганидан буён бирон марта кўз ёши тўкмагани учунми, йиғлашни ҳам унутиб юборгандай эди...

ЭМнинг кетма-кет ташвишли сигналларидан хавотирга тушиб етиб келган профессор болакайни қайта ўз измига бўйсундириб олиш учун озмунча куч сарфламади.

Шу кундан бошлаб Расулда ғалати ўзгаришлар юз бера бошлади. Гўё у ўзга бир қудратли куч томонидан бошқарилаётган онг-миясининг кичиккина бир бўлакчасини олиб, уни ўша, кўздан йироққа, вужудининг тубсиз қаърига юраги билан қўшиб яшириб қўйди. Ва шу бўлакча билан бирга ўзи ҳам икки қисмга ажралгандай бўлди. У аввалгидай қунт билан ўқир, профессорни тобора хурсанд қилаётган илмий мушоҳадалар юритар, аммо ўша қоронғуликда, бутун юрагию бир парчагина онг яширинган жойда алланима тинмай титраб-титраб қўяр, озодликка, қуёшга, далаларга, осмонга, юлдузларга, ойга, табиатга, одамларга... — яшашга талпинар, бу хоҳиш кун бакун, соат басоат кучаяр, қудратлироқ бўла борар, ўз маконидан отилиб чиқиб бутун вужудга ҳукмронлик қилмоқчидай эди...

Кеча ЭМ олий математикадан навбатдаги темани тушунтираётган чоғи зулматда, ниқоб ортида яширишиб ётган онг «қилт» этгандай бўлди ва шуни кутиб тургандай беором юрак уни қувватлаб гурсиллаб, шид-

дат ила ура бошлади. Бевовта юрак ҳаяжони қонни шу қадар кўпиртириб юбордики, ЭМ икки маротаба профессорнинг овозини «кўмакка чақиришга» мажбур бўлди... Гира-шира фикр эса серҳосил, бўлиқ ерга тушган уруғдай бирпасда ўсди, куртак ёзди, барг чиқариб, мева бера бошлади... Тунги уйқу беҳаловат; чала-чулпа тушлардан иборат бўлди. Етиб келган профессор шогирдининг вужудига бевовталиқ хамиртуриши тушганини илғай олмади.

Расул, ўзи қаяққа ўгирилса, ЭМ ҳам ўша ёққа бир лаҳза «разм солишини» билиб олганди. Шунинг учун у навбатдаги мисолни программалаштираётиб, сурилувчи девор томон қараганча: «Ўҳ-ҳў!» деб юборди ва ЭМнинг «нигоҳи» оний лаҳзага чалғиганидан фойдаланиб программага ечими йўқ мисолни ёзиб қўйди.

Ечими йўқ мисол — бу энди нисбийроқ тушунча. Буни рус матрешкаларига ҳам ўхшатиш мумкин, яъни мисолнинг ечими «қўғирчоқ ичида қўғирчоқ мисол» чиқаверади, чиқаверади... Фақат бу ўринда ҳеч қанақанги миқдорий чегара йўқ, демак, ечим чексизлик плюс бирга интилади. Илмийроқ тарзда баён қилинадиган бўлса, бу мисолни ечишга бўлган уриниш арифметик прогрессия тарзида ўсиб борса, ечимни топиш геометрик прогрессия тарзида қийинлашиб боради. ЭМга эса аниқ программа берилган: мисолнинг ечими топилсин.

ЭМ программани қабул қилиб олди. «Мисол ишлан-япти» маъносида сариқ чироқ ёнди. Бир дақиқа ўтди, икки, уч...

Расул ЭМга ҳаяжон аралаш кўрқув билан қараб турарди. ЭМ ўз-ўзидан уриб, даҳшатли равишда кўнайиб бораётган мисолни ечиш учун бор қувватини ишга солди — Расулни диққат билан кузатиб турган чироқлар ўчди. У ирғиб ўрнидан туриб бурчакка ўтди-да, машинадан кўз узмай туриб қолди.

ЭМ эса бутун қувватини тўла ишга солган, зўриққанидан ғувиллаб-қалтирар, резонанс ҳосил бўлганидан паркет пол ҳам титрар эди. Хонадаги чироқ бир муддат липиллаб тургач, ўчди — машина энди «мулоҳаза юритолмас», фақат ўз инерцияси билан уйдаги мавжуд қувватни тортиб олмоқда эди. Тим қоронғуликда машинанинг энди гуриллаб, қаттиқ-қаттиқ сил-



киниб ишлай бошлаганини полда ҳам вертикал-вибрацион силкинишлар юз бераётганини кўриб Расул қўрқиб кетди. У ўзича эшик бўлса керак деб тусмол қилган томонга отилди. Эшик ланг очиқ эди.

Ташқарида... кузнинг тўзонли оқшоми эди. Шамол увиллар, яланғоч дарахтлар қисирлар, инграр, юлдузсиз осмон қоп-қора, кўча чироқларининг хира ёруғида сон-саноқсиз хазонлар чарх урмоқда. Кўйлакчан чиққан Расулнинг юзига кучли шамол чанг-тўзон аралаш хазонларни олиб келиб урди. У иккала кафти билан шошиб юзини беркитди, гандираклаб кетди. Худди шу лаҳзада кўчадаги ва кўп қаватли уйлардаги онда-сонда ёниб турган чироқлар ўчди — ЭМ қувватини оширмоқда эди. Борлиқ қоп-қора тус олди. Зулмат бағрида бир қадам нарини кўриб бўлмас, фақат шамол увиллар, дарахтлар қисирлар, хазонлар чарх урар эди. Бир лаҳза каловланиб қолган Расул юзидан қўлларини олди-ю, ўша куч билан эсаётган шамолга қарши йўналишда чошиб кетди. Олисда аллақандай чироқлар кўринаётгандай эди, бироқ зум ўтмай улар ҳам сўнди.

Тобора зулматга чўкиб бораётган шаҳар ичидан оппоқ кўйлак кийган болакай югуриб бормоқда. У алломалик шуҳратидан, фан осмонида янги юлдуз бўлиб порлаш шарафидан қочиб борар, одамлар томон, дала-лар томон, табиат томон... интиларди.

Бирпасда боланинг ўпкаси шишиб, ҳарсиллаб қолди, заиф юраги кўтарилиб-кўтарилиб бўғзига тиқилгудай бўлар, оёқларидан мадор кетган, аммо у ҳамон гандираклаб-гандираклаб чопарди; кўз ёшлари қуйилиб келарди; гўё уни ортга қайтишга ундаётган шамолга қарама-қарши равишда тезроқ чопишга уринарди...

Худди шу диқиқаларда бемисл қувват туфайли куйиб, бир уюм темир-терсакка айланган ЭМ ёнида профессор шам ушлаб турарди. У узоқ, узоқ вақт паришонқол туриб қолди. Сўнг оғир қадамлар билан хонасига қайтиб келиб тортмадан қалин дафтар олди. Ундан Расулнинг сурати ёпиштирилган ва «3» рақами ёзилган саҳифани топиб, қора қаламда «X» шаклида йўгон чизик чизди.

Болакай эса ҳамон чошиб бормоқда... У биларди: Ер юмалоқ, қайси тарафга юрмасин, бир куни, албатта, ўзи қўмсаган манзилга етиб боради. Фақат истаги сўнмаса бас, фақат иродаси мустаҳкам бўлса бас...

## ХАТО

Тақдирдан ҳеч қаёққа қочиб қутилиб бўлмайди.

Пушкинга ҳам бир фолбин: «Ғирққа яқинлашганинда бир сариқ машакдан эҳтиёт бўл, эҳтиёт бўл!» деб қайта-қайта таъкидлаган экан. Ёки Шоҳ Эдипни олинг, ёки ўша Пушкиннинг кароматли княз Олегини олинг, ёки Бранислав Нушичнинг Петроний Евремовичини олинг. Буларам етарли бўлмаса, яна, яқин ўтмишдаги ҳиндуларни олинг. Улар нима қилишган денг: мағлуб ҳарифининг бош терисини шилишиб, пешонасига нима ёзиб қўйилгани билан қизиқишган, яъни бу шўринг қургур дорил бақога рихлат этиши керакми, ё фоний дунёда яна уч-тўрт кун юриши керакми — шунини билиб олишган.

Булар, албатта, мен тўплаган далил-дастакларнинг мингдан бир қисми, холос. Лекин сизларнинг қимматли вақтингизни аяб, уларнинг барини тўкиб-солиб ўтирмақчи эмасман.

Хуллас, гапнинг индаллоси, яқин-яқиндан бери камина ҳам пешонамга нима ёзилганини билишга жонжаҳдим билан урина бошладим. Чунки, яширишнинг нима ҳожати бор, ёш ҳам чорак асрлик чўққидан ҳатлаб ўтиб, юқорига қараб елиб бораяпти, бош эса ҳамон битта. Асли ўзимга қўйиб берсалар-ку, ҳали-бери уйланмас эдим-а, аммо ота-она орзу-ҳаваси, хеш-ақрабларнинг сўров-таъналари, ёр-жўраларнинг ҳамдардлик-ботиний ачиниш аралаш ўгитлари... деган ипсиз тузоқлар охири ўз домига илинтирди. Бирини ўпоқ, бирини сўпоқ деб шунда ҳам анча юриб-юриб ниҳоят олтинчими, еттинчими суратга бундай яхшилаб разм солиб қарасам, лаблари сал юқалигини ҳисобга олмаганда, хаёлим тўрида ардоқлаб юрган идеалимга ўхшаш бир ҳурилиқо маъсумона жилмайиб турибди-да!

Фатализм жинниси бўлиб юрган кезларим. Идеал ўз йўлига дедим-да, қисматимдан ҳам бир бохабар бўлиб қўяй деган қарорга келдим.

Ўзингизга маълум, тиббиёт бениҳоя ривожланган ҳозирги давримизда оддий гўлаҳдан тортиб улў академиккача етарли медицина кўникмасига эга. Камини ҳам жарроҳлик асбобларини яхшилаб қайнатиб олгач, келинойим пардоз-андоз қиладиган тошойна қошига ўтириб, операцияни бошладим.

Аввалига гўрлигимга бориб бутун бошимни анабиоз

ҳолатига келтирибман денг. Қўзларим олайиб, қулоқларим шангиллай бошлагани эсимда... Орадан учтўрт соат вақт ўтиб, хона температураси таъсирида муз эриб, томирларимда қон юриша бошлагачгина кўзим очилди. Бахтимга нашатир спирти бор эди. Уюшиб қолгандай жимирашаётган бошимни уқалай-уқалай сал ўзимга келиб олдим. Аччиқ тажрибадан керакли хулоса чиқарганим учун дарров чизғич олиб пешонамнинг габарит ўлчамларини ўлчаб чиқдим. Теримнинг тахминий қалинлиги маълум бўлганидан бирпасда музлатишим лозим бўлган ҳажмни ҳисобладим. Керакли миқдордаги дорини тери орасига юборгач, ростдан ҳам пешона терим ажинлари ёзилиб, қуруқшаб-тортишиб, ҳеч нарсани ҳис қилмайдиган, гўё жисмимдан ташқари жисмга айланди. Ўткир устарани олиб қошимнинг сал тепароғидан у чаккамдан бу чаккамгача шошилмай тилиб чиқдим. Қутганимдай, қон чиқмади. Тилинган чизиқнинг иккала учидан тепага қараб вертикал равишда яна икки энликдан тилдим. Сўнг устарани қўйиб, синчилоғимнинг ўткир тирноғида терини сал-пал кўтариб, тортдим. Даставвал йиринг босган яра устидан боғланган латта ечилаётгандай оғриқ пайдо бўлди, аммо бу оғриқ тезда ўтиб кетди; қон чиқмади. Тери соч ўсган манглаймгача осонлик билан шилинди. Уни сочим устига ташлаб қўйиб, диққат билан ойнага термулдим. Аввалига қон гупиллаб уриб турган саноксиз майда-йирик томирларни, ўргимчак тўридай чалкашиб кетган асаб толаларини кўрдим. Ниҳоят, астойдил тикилаверганимдан кўзларимдан ёш чиқар палла, аллақандай чизиқчалар қорая бошлаганини илғадим.

Нафасимни ичимга ютдим. Тезда чизиқчалар ҳарфларга ўхшаш шаклларни олишди. Қизиқ, бир томондан қараса ҳарфлар танишга ўхшайди, иккинчи томондан нотанишга; улар худди эски ёзувимиз сингари ўнгдан чапга қараб ёзилганми-ей... Бирдан мен бу жумбоқнинг маъносини англаб олдим. «Топдим! Эврика!» деб одатимга кўра пешонамга бир шапатиламоқчи эдим, хайриятки вақтида ўзимни тўхтатиб қолдим. Ахир, ойнадаги тасвирим менинг акс тасвирим бўлганидай, ҳарфлар ҳам акс ҳарфлар-да.

Ўзимнинг зийраклигимдан ўзим қувонган кўйи келинойимнинг киприк бўёгини олдим-да, қилт этмасдан ўтиришга тиришиб кўзгуда акс этаётган тескари ҳарф-

ларни мусаввирдай эҳтиёткорлик билан бўяб чиқа бошладим. Нақ бир соатча вақтимни олган бу толиқти-рувчи юмушни бажаргач, универсал елим билан терини пешонамга қайта ёпиштириб, шапкамни бостириб кийганча югуриб бориб қўшнимизнинг тошойнасини олиб чиқдим.

Хаяжондан титраб-қалтираб қисматим акс ҳарфларда битилган ойна қаршисига бу ойнани қўйдим. Акс ҳарфлар оддий босма ҳарфларга айланди ва бу кўзгуда мана бу сўз пайдо бўлди: «А Х М О Қ».

Эсанкираб қолдим.

Бироқ, менинг табиатим ўзи яхши: заҳарни заҳар билан кесаман, ҳеч қачон аламимни ичимга ютиб кетавермайман, ё бошлаб сўқиниб хумордан чиқаман, ё бир амаллаб ўч оламан-да, шу билан ҳаммасини эсдан чиқараман-қўяман. Ҳозир ҳам тишларим гижирлаб ён-атрофдан темир-пемирми, оғирроқ буюмми қидираётиб бундай қарасам...

— Э нодон, — дедим чошиб кириб дарсхонамдаги луғатни кўриб чиққач ҳавога муштумни дўлайтириб, — аввал саводингни тўғрилаб ол-да!

Дарров ойнадаги «Х» билан «К»га илгак қўйдим. Енгил тортдим.

Бутун умрим орфографик хатолар билан ўтиб кетмасин дея устарани яна қўлимга олдим...

## ПРОФЕССОР ҲАКИМОВНИНГ ТАЖРИБАСИ

Кенг ҳовли ари уясидек тинмай гўнғиллайди. Аби-туриентлар ҳам, сон-саноксиз «ишқибозлар» ҳам ҳаяжонда. Кўпчилик иккинчи қават балконига ўрнатилган радиокарнайга қараб-қараб қўяди. У ҳам, одамларнинг интизор нигоҳларини сезгандай, гоҳо-гоҳо сув келмай қолган кран мисоли вишиллаб, хириллаб, ҳуш-так чалиб қўяди-ю, дарҳол уни ўчади.

Офтоб тиккага келган; кун тобора қизиб борапти. Мен дарахт кўланкасидаги скамейкада абитуриент жияним, бўлғуси студент Турсунбой билан ўтирардим. Жияним терлаган пешонасини тириштирганча кўзларини қисиб осмонга қараб ўтирибди. У бирдан енгимдан тортди:

— Тоға, қаранг, «ИЛ—86» кетяпти.

- Кетса нима?
- Зўр аэробус. Соатига...
- Бўлди, бас қил, — жеркидим уни.

Турсунбойнинг одати ўзи шунақа. Биров гапини бўлмаса самолёт, вертолёт, ракеталар ҳақида шунақанги маълумотларни айтиб ташлайдики, беихтиёр, бу бола авиация мактабида ўқиганми, деб ўйланиб қоласиз.

Ёнимда ўтирган қасаба ўраган, пахталик чопон, махсикалиш кийган кексароқ аёл тўсатдан йиғлаб юборди. Аёлнинг ёнидаги барваста, жағ суяклари туртиб чиққан, тракторчи бўлса керак — қўлларида мой юқи қолган йигит қовоғини солиб олди, сочини тақир олдирган Турсунбой тенги шалпақулоқ бола эса «Э-э..» деб қўл силтади-да жаҳл билан нари кетди.

— Хола, элбурутдан кўз ёши тўкманг, яхши ният қилинг, фаришталар «мин» деб юборса ажаб эмас, — кўнглини кўтарган бўлдим.

Аёл менга қараб қўйиб, енги билан кўз ёшларини артди. Унинг ўрнига ўғли жавоб қайтарган бўлди.

— Конкурс катта деб эшитдик. Анавининг бўлса, — у нарироқда бизга ўқрайиб қараб турган шалпангқулоқ болани кўрсатди, — ҳамма баҳоси «3» бўлди.

— Ҳа, унда ўтиши қийин.

— Бизам шунга ачинамиз-да. Бўлмаса балодеккина калласи бор.

У профессионал тракторчилар лаҳжасида укаси ўйлаб топган, ҳозир бутун областда қўлланилаётган аллақандай мослама — гўза тубидаги ўтқи юлиб кетадиган культиватор органи ҳақида кўйиб-пишиб гапира кетди. Техникадан узоқ бўлганим учунми, унинг гапларига унчалик тушунолмадим.

Ўнг тарафимизда ўтирган қориндор, басавлат бир киши эса оломонга, дов-дарахтларга, ҳатто ўқув биносигаям виқор ва ошкора беписандлик билан боқади. Унинг ёнидаги сўнги модада кийинган йигитча қўлидаги шамсиясини ҳассадай айлантириб ўйнаб ўтирибди. Қориндор киши лабини ялаб олиб, салмоқдор овозда гап бошлади:

— Ўғлим, биринчи кундан Асомиддиннинг этагидан маҳкам тут. Бир илож қилиб староста бўлиб ол. Деканнинг олдида елиб-югур, ўзингни ишчан кўрсат...

Бу амалдор ўғлини студентлар сафига аллақачон қўшиб қўйган эди. Менда ҳам уникига ўхшаш ишонч-

дан бор эди. Турсунбой имтиҳонлардан иккита «4», иккита «5» олган, аттестатининг ўртача баҳоси ҳам «5». Жами 23 бал. Студент бўлиши учун юз фоиз имконият бордай эди. Шунинг учун мен кечки поезд билан уйга қайтиб кетишни режалаштириб ўтирдим.

Нихоят радиокарнайдан аёл кишининг «Профессор Ҳақимов бошчилигидаги мандат комиссияси...» деган хирқироқ товуши эшитилди. Чап тарафдаги аёлнинг йиғиси янада кучайди, амалдорнинг ўғли эса ўрнидан туриб уст-бошини тузата бошлади. Мен Турсунбойга паспортини бердим.

Карнайдан илк бахтли абитуриентнинг фамилияси янгради. Ёнимиздаги даврада кучли қийқириқ эшитилди, бир йигит бамисоли отилиб ичкарига кириб кетди.

— Улашев Мамарайим...

Тракторчи йигит елкасига гурзи тушгандай «иҳ» деб юборди.

— Улашев Мамарайим. Самарқанд областидан...

Аёл оппоқ оқарган кўйи тахтадай қотиб қолди. Шалпангқулоқ бола индамай келиб аёлнинг ёнида турган тугунни еча бошлади.

— Паспорти шу ердамиди...

Ахири ногаҳоний бахт маъноси онгига етиб борган аёл ҳўнграб йиглаб юборди ва болани маҳкам бағрига босиб олди. Тракторчи йигит эса қўллари титраб тугунни тимирилди, кўзлари тинмай пирпирарди...

Бирин-кетин элликта фамилия ўқилди. Аммо на Турсунбойнинг фамилияси чиқди, на ўнг тарафимиздаги амалдор ўғлининг. Амалдор жаҳлдан бўғриқиб кетди, товоқдек юзлари, гўштдор бурнининг учи кип-қизил тусга кирди. У шу пайтгача кўз-кўз қилиб турган улугворлигини ёддан чиқариб телефон будкаси томон югургилаб кетди.

На мenden садо чиқади, на Турсунбойдан. У кўпчилик омади юришмаган абитуриентлар сингари қовоқ-тумшуги осилган, йиглаб юборгудай ҳолатда эмас, ҳамон пешонасини тириштириб осмонни кузатапти. Мен тракторчи йигит томон ўгирилдим.

— Ука, қўринишингиздан виждонли йигитга ўхшайсиз, фақат ростини айтинг, гап орамизда қолади, укангиз таниш-билиш билан кирдими ўқишга?

Унинг кўзлари косасидан чиқиб кетгудай бўлди.

— Э, ака, қўйинг бунақа гапларни. Биз...

— Ҳай, майли, сизга ишонаман.

Мен ирғиб ўрнимдан туриб Турсунбой ижарада турган квартирага йўл олдим.

Эртасига эрталабдан Турсунбойни етаклаганча факультетга келдим. Аммо, профессор Ҳақимовнинг кабинети ёнида аллақачон турнақатор навбат пайдо бўлганди. Мен ҳам ўз фамилиямни ёздириб қўйиб, чеккароқдаги стулларнинг бирига бориб ўтирдим. Бироздан сўнг эшик зарб билан очилиб кечаги қориндор амалдор ҳарсиллаб чиқиб келди. Энди унинг қулоқ-бўйинларига ҳам қип-қизариб кетган эди. У тинмай «аблаҳлар! пасткашлар!» деб такрорлай-такрорлай чиқиб кетди.

Тушга яқин навбатим келди.

Профессор Ҳақимов йўғон, гўштдор бурунли, тепакал киши экан. Унинг жони ҳиқилдоғига келиб тургани равшан эди.

— Жияним иккита «4», иккита «5» олган...

Профессор чақчайиб қаради.

— Ким?

— Турсунбой Холиқов...

Ҳақимов стол тортмасидан бир кучоқ қоғоз олиб варақлашга тушди.

— Жиянингиз 25 балл олганида ҳам ўқишга қабул қилмас эдим, — деди у ниҳоят қуруққина қилиб.

Буниси энди ҳаддан ошиш эди. Бир амаллаб баланд креслога ўрнашиб олган бу қорчалоннинг кўнглига маъқул келган ишни қилишини, истаган гапини ўйлаб ўтирмасдан гапиришини қаранг! «Қабул қилмас эдим...» эмиш. Яна бирликда гапирганига қуяйинми?!

— Мен баъзи нарсаларни биламан, — дедим ғазабдан титраб, — мен тўртта «3» олгани ҳолда ўз-ўзидан студент бўлиб қолганларни биламан.

— Билсангиз нима?

— Йўқ, мен буни шундай қолдирмайман! Мен ҳақиқатни юзага чиқармагунча қўймайман. Сиз билан ана ўшанда гаплашамиз, ўртоқ профессор!

Чиндан ҳам бу ишга қаттиқ киришдим. Редакцияга телеграмма юбориб, ўз ҳисобимдан ўн беш кун таътил олдим. Мен область газетасининг маданият бўлимида ишлар ва ҳар кварталда бир-иккита фельетон ёзиб турардим. Бироқ бу галгиси мутлақо бошқача бўлади, деб аҳд қилиб қўйдим. Мен республика, ҳатто иттифоқ миқёсида шов-шув кўтармоқчи эдим...

Мандат куни биз билан бир скамейкада ўтирган амалдор билан ҳам танишиб, ҳасратлашдим. У аввалига

тўлиб-тошиб профессорнинг гўрига гишт қалади, кейин, фельетон ёзмоқчилигимни эшитгач, ўзининг номи зинҳор-базинҳор тилга олинмаслигини қайта-қайта илтимос қилди. Мен бамисоли мўъжиза билан студент бўлиб қолган шалпангқулоқ бола билан, бошқа кўплаб студентлар, ота-оналар билан ҳам суҳбатлашдим. Иккинчи ҳафтанинг охирига бориб ён дафтарчамда дастлабки хулосалар пайдо бўлди. Булар қуйдагилардан иборат эди: а) беш-олти амалдорнинг эркатойлари «танка» ёрдамида имтиҳонлардан юқори баҳо олишган, улар учун студентлик билети нақд қилиб қўйилган, аммо профессор мандат куни тўсатдан бир ўзи тузган рўйхатни кўтариб келган; б) йиқилганларнинг ўртача баҳоси ўқишга кирганларнинг ўртача баҳосидан юқорироқ; афтидан, профессор юқори баҳо олганларнинг ҳаммасига нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлган; в) профессор раислик амалини суиистеъмол қилган — комиссия аъзоларига ўз ҳукмини ўтказган...

Фельетоннинг дастлабки қораламаларини кўтариб профессорнинг қабулхонасига бордим. Ҳақимов аллақадёққа шошиб чиқиб кетаётган экан, манга қовоғини солиб: «Хизмат?» деди.

— Сиз билан холироқ жойда суҳбатлашмоқчи эдим. Ишонаверинг, бу суҳбат мендан кўра сизга фойдалироқ. — Шундай деб кўлимдаги папкага уриб-уриб қўйдим. — Агар истамасангиз, ялиниб ўтирмайман. Фақат кейин гина қилиб юрманг.

— Эртага вақтингиз қалай?

— Бемалол.

— Унда уйимга боринг. Мана адресим, — у чўнтагидан бир парча қоғоз чиқариб берди. — Хайр.

Профессор уч-тўрт қадам юрди-ю, бирдан ортига ўгирилиб, менга «тўхтаб туринг» ишорасини қилди-да, хонасига кириб кетди.

— Мана, — деди у бир зумда қайтиб чиқиб менга кўкракка тақиладиган нишон тутаркан, — шуни кўрагингизга тақиб олинг. Эртага қайтариб бериш ёдингиздан чиқмасин.

— Бу нима, паролми?

— Шунақароқ.

Профессор қолдирган нишон салмоқли эди. Унда институт номи ва «50 йил» деган ёзув бор эди, холос.

Эртаси куни мени ажаблантириб эшикни профессорнинг ўзи очди ва индамай ичкарига бошлади.



— Марҳамат. — Профессор каттагина хонага кириб мени креслога таклиф қилди. — Кечаги омонатни қайтариб берсангиз.

Кап-катта одамнинг бу қилиғидан ҳатто кулгим қистади. Рост, мен профессорларнинг ҳовлиси жуда катта бўлади, дарвозалари автоматик равишда очилади, «эшик оғаси» кўкрагимдаги нишонни кўриб эгилганча йўл кўрсатади... деган хаёлларга ҳам борган эдим. Мен кирган хона эса қанчалик катта бўлса, шунчалик қашшоқ эди. Деворлар қуруқ, яланғоч, полда ҳам эскигина палос, агар хонага салгина кўрк бағишлаб турган учта юмшоқ креслою битта столни олиб чиқиб ташлаб, улар ўрнига беш-олтита каравот киритиб қўйилса, студентлар ижарада турадиган хонадан фарқлаб бўлмаса керак.

Профессор шу кетганча бир соатча йўқ бўлиб кетди. Ниҳоят, зеркиб, мудрай бошлаганимда у қаршимга келиб ўтирди.

— Келинг, илмоқ-пилмоқсиз, рўй-рост гаплашишга келишиб олайлик, вақтим зикроқ,— деди у ҳеч қанақанги мулозаматсиз.

— Майли.

— Рухсат берсангиз, аввало мен гапирсам.

Йўқ, бу одам сира кулмайд, ҳатто илжайиб ҳам қўймайд шекилли. У бутун дунёдан аламзададек ё суҳбатдошининг айбини кечириб ўтиришга мажбур кимсадек оғринибгина ўтираверади...

— Сиз журналистсиз. Мен ҳақимда фельетон ёзиб, ўшани бу ерга кўтариб келгансиз. Фельетонингиз унча ишонарли чиқмаганини, кўпроқ эҳтирос ва интиқом олиш истагида ёзилганини ўзингиз ҳам яхши биласиз. Шунинг учун, агар рухсат этсангиз, гапимни давом эттирсам, сиз бу ерга мол айирбошлашга келгансиз. — Профессор тўсатдан кўзларимга қаттиқ тикилди. — Сиз бу ерга мол айирбошлашга келгансиз. Агар жиянингизни ўқишга чақириб олсам, сиз фельетонни йиртиб ташламоқчисиз, шундайми?

Мен аввалига ханжардек қадалган нигоҳдан довдираб қолдим, сўнг қизариб кетганлигимни ҳис қилдим. Рост, қачондир кўнглимнинг бир чеккасидан шундай фикр ўтган, ўзимга ўзим иқроор бўлгим келмай турган бўлсам, бу ерга шунга ўхшаш илинжда келган эдим. Мен профессорнинг ўзига ҳаддан ортиқ ишонганлиги ўйлантириб қўйган, назаримда жуда юқорида унинг ишонган тоғи бордек, ўша «танка»нинг бир ишораси

билан фельетоним йўққа чиқадигандек, ўзим эса туҳматчи номини оладигандекман... Кўп йиллик журналистлик фаолияти менда эҳтиёткорлик инстинктини кучайтирган эди...

— Вольф Мессинг эмасмисиз мабодо? — дедим ўнғайсизланиб.

— Йўқ, мен на Мессинг, на Акоюянман. Лекин сизга шуниям олдиндан айтиб қўяй, менинг ўзимдан бошқа суянадиган ҳеч кимим йўқ. Шундай бўлса ҳам, мен сиздан фельетонингизни эълон қилмай туришингизни илтимос қилмоқчийдим. У ҳозир менга қарши тиш қайраб турганларнинг қўлида қудратли қуролга айланиши мумкин. Бунинг устига, ҳозир қил устида турганимни эътиборга олсак... Жиянингизни эса барибир ўқишга чақириб олмайман. У ярим йил, узоғи билан бир йилдан сўнг ўқишни ташлаб кетади, ахир.

— Бундай деб ўйлашга асосингиз борми?

— Бор. У учувчи бўлмоқчи.

— Буни қаердан билдингиз?

— Сизнинг фикрларингизни қандай билиб олган бўлсам, худди шундай.

— Мен сизга ишонаман, бироқ бу ёғи энди ҳар қандай фантазиядан ошиб тушаяпти-ку.

— Ҳайрон қоладиган жойи йўқ, йигирманчи аср — ИТР асри.

— Сиз очиқ-ойдин гаплашамиз дегандингиз.

— Мен сўзимда тураман, лекин буни илмий тилда ифодаласам сиз тушунмасиз деб қўрқаман. Гап шундаки, биз ҳар бир абитуриентга консультация пайтлари кеча сизга берилган значокдан тарқатиб чиқдик. Бунга ҳам қаноат ҳосил қилмасдан, юздан ортиқ саволдан иборат анкета тарқатдик. Натижани анализ қилиб, ким студент бўлишга лойиқлигини аниқладик.

— Унда имтиҳонларнинг нима кераги бор?

— Биласизми, факультетда ҳар йили ўқишни ташлаб кетаётган, ҳайдалаётган, курсда қолаётган болалар сони 50—60 тага етаяпти. Менинг кузатишларимча, бунинг сабаби битта: ўзи ўқиётгани ихтисосликка қизиқмаслик. Ўқишнинг оғирлиги, оилавий шароитлар, тураржой масаласи — буларнинг ҳаммаси иккинчи даражали сабаблар.

— Қўрқмайсизми?

— Нимадан?

— Янглишишдан. Эйнштейнга ҳам математика ўқитувчиси: «Сиз одам бўлмайсиз», деган экан.

— Очиги, жуда қўрқаман. Лекин факультетда ўзини мажбурлаб, ўлганининг кунидан ўқийдиган студентлар кўпайиб кетишидан ундан баттар қўрқаман.

Биласизми, мен бир абитуриентнинг тақдирига қизиқиб қолдим. У мактабни олтин медаль билан битирган, лекин инженер бўлишни эмас, чўпон бўлишни орзу қиларкан. У кенг далаларни, оппоқ ўтовларни, шамолдек елиб-югурган уюрни орзу қилади, уларни ҳар кун тушларида кўриб чиқади. Лекин отаси бу ҳақда эшитишнйям истамеди, «йўқ, ўқийди» деб туриб олди...

Жиянингизга келсак, у олти ой ёки бир йилдан сўнг хужжатларини қайтиб олиб Россияга, учувчилар тайёрлайдиган билим юртига кетмоқчи. Мен унинг бир йиллик умри бекор кетмасин, ота-онасининг пешона тери тўкиб топган пулларини бекорга совурмасин, дедим. Бир йил шунчаки вақт ўтказиб юргандан кўра бир ишнинг бошини тутгани, оқ-қорани танигани, уйига бир чақалик бўлсаям фойда келтиргани, умуман, меҳнатнинг қадрини билгани яхши эмасми?.. Тўғри, жиянингиз ўқиб кетишиям мумкин, унинг бинойидек қобилияти бор. Шундаям ота-онасининг юзидан ўтолмаганидан, уларни хурмат қилганидан, «ўқий олмай ташлаб кетди» деган гап-сўздан қўрққанидан институтни битирарди-да, ўртача даражадаги бир инженер бўлиб етишарди. Агар сиз шуни истасингиз, келаси йили жиянингизни етаклаб келаверинг.

— ?!

— Бу тажрибамни уч-тўрт йил кузатмоқчиман. Кўрайлик-чи, натижа қандай бўларкин.

— Келажакда-чи?

— Келажак ҳақида бир нима дейиш қийин.

Биз анча вақт жим қолдик. Ниҳоят, юрак ютиб сўрадим:

— Кечирасиз, сиз ўзингиз институтга ўз хоҳишингиз билан...

Профессорнинг қовоғи баттар солиниб кетди. Ҳурматдан турдим.

— Бир-биримизни тушундик, деб умид қиламан.

— Албатта, профессор...

Орадан бир йилча вақт ўтди. Турсунбойни Россияга, учувчилар тайёрлайдиган билим юртига ўқишга

жўнатдик. Август ойининг охирларида гажрибанинг дастлабки натижаларини билиш учун профессор Ҳакимовнинг уйига келдим. Аммо, у киши уч ҳафта бурун таътил олиб, ўз туғилган қишлоғига кетган экан...

## ШАЙХ УР—РАИС

— Мен дегустаторман. Ишим оғир, масъулиятли; олимона қунт, заргарона маҳорат талаб қилади... Мана, сувдан очиб олинг... Қалай, ўтиб кетдими? Яхши, яхши. Ишқилиб, соғлик бўлаверсин... Кўриниб турибди, анчагина маданиятли йигит экансиз, босиб келган қулгуни йўталга айлантириб юбориш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди; буям ўз йўлига бир санъат. Қўйинг, хижолат бўлманг, ўзингизни оқлашгаям уринманг, мен омади гапни айтдим-қўйдим-да... Лекигин, ука, бу сафар янглишдингиз. Мен сиз' ўйлаганчалик вино заводида, парфюмерия фабрикасида ё кондитер комбинатида эмас, Минздарвга қарашли илмий-тадқиқот институтида ишлайман, етакчи лаборант бўлиб. Маълумотимми? Ўрта. Яна шуниям қистириб ўтиб кетай, ўз соҳам бўйича бутун мамлакатда десам лоф бўлиб кетар-ов, ҳар қалай, Ўзбекистонда ягона мутахассис бўлсам керак. Инчунун, иззат-ҳурмат ҳам шунга яраша. Ҳар куни эрталаб дарвозам тагида зулукдай «Волга» қантарилган дулдул янглиг гижинглаб каминани кутиб туради, НИИ да эса читтаквой ассистентлардан тортиб манаман деган профоссорларгача қўшқўллаб кўришишади... Ишонмадингиз-а? Асли ўзи доим шундай бўлиб келган, шундай бўлиб қолсам керак, поезднинг бошқа тавбахоналардан фарқи шундаки, бу ёрда ҳам фақат ва фақат ҳақиқатни гапиради, лекин бу ҳақиқат кўпинча шу қадар ақл бовар қилмас бўладики, деярли ҳамма бир-бировига ишонмайди. Энди буям реалликнинг тўқимадан устунлигига бир жонли мисол-да, а, лаббай? Ҳай, майли, нимаям дердик, домлам айтганидай, зоримиз бору зўримиз йўқ.

...Менга қаранг, касбингиз нима ўзи? Инженер-механик. Ҳойнаҳой, профилингиз кенгдир, темир-терсакнинг пири чиқарсиз. Айтгандай, институтда кимё ўқитишгандир. Жўда соз-да, домлам айтганидай, нураланнур.

Энди мен сизга бир маъқулот айтай, сиз уни

исботсиз қабул қилиб тулинг. Хў-ўш, демак, беморни даволаш тўғри диагноз қўйишдан бошланади... Маъқулми, эътироз йўқдир.

Бу олманинг бир юзи эди, энди иккинчисига қарайлик. Свифт деган ёзувчининг бир тикувчиси бўлади. Ақли ошиб-тошиб кетган ўша шўрлик меҳнатни илмий тарзда ташкил қилишга ўтади-да, ҳузурига келган буюртмачининг уёқ-буёғини оддий ўлчағичда ўлчаб олишдан воз кечиб, бу ишни ўта мураккаб ҳисоб-китоблар орқали амалга оширишга киришади. Ҳозирги дўхтирлар ҳам ўша «ақллилик балосига» йўлиқиб қолган тикувчининг аҳволига тушишган... Ўзиям замонавий медицина деганлари шу қадар кўп майда-чуйда тармоқчаларга, тор мутахассисликларга бўлиб кетганки, амалда «кенг профилли» врач тайёрлашнинг иложи йўқ: ҳар қандай дардни бирваракайига даволаб кетаворувчи хушфёъл Лукмони Ҳакимларнинг замони ўтган.

Гап ўзанини қаёққа бураётганимни сезмаётгандирсиз. Ҳозир билиб оласиз. Маълумингизки, табиатда бир-бирини мутлоқ такрорловчи икки бармоқ изи учрамайди. Худди шунга ўхшаб, икки йилдан буён тадқиқотлар ўтказиб келаётган группамизнинг хулосасига кўра, бир касаллик билан оғриган бемор оғиз бўшлиғидан чиққан ҳаво бошқа касалликка учраган бемор оғиз бўшлиғидан чиққан ҳаводан физикавий-кимёвий хусусиятлари, структураси, ҳиди билан албатта фарқ қилади. Фикримни тушунтиролдимми? Энди жуда содда-лаштириб, икки карра икки тарзида айтадиган бўлсам, қўполроқ ўхшатиш учун кечирасиз-у, бироқ нафақат ҳар гулнинг, ҳар касалликнинг, табиийки, асосан ички касалликнинг, ўзига хос бўйи бор. Савол беришга ошиқмай тулинг, ука, ошиқманг, домлам айтгандай, сабр қилсангиз ғўрадан ҳалво битур.

Билмадим, сиз эътибор берганмисиз-йўқми, қанчалик тушунарсиз гапира бошлаганингиз сайин негадир одамларнинг сизга бўлган ҳурмати шунчалик ортиб бораверади. Мисол излаб узоққа бориб ўтирмасдан, институтимиз олимларини олайлик. Қузатишимча, олим қанчалик саводсиз бўлса, лотинча атамаларни шунчалик кўпроқ тилга оладики, бу атамалар орасида унинг мустақил фикринию айтмоқчи бўлган гапини излаб топиш сомон ғарами ичидан игнани қидириш

билан баробар. Ёки бўлмаса чўнтагингизда турган китобчанинг муаллифини олинг. У нима учун машҳур? Ҳар ўн китобхондан тўққизтаси тушунмайдиган кроссворд шеърлар ёзгани учун эмасми?.. Энди, укажон, айтсам ўзимнинг хусусий мулоҳазаларимни айтдим, бунинг сизга зўрлаб тиқиштириш ҳаёлимга ҳам келгани йўқ, марҳамат, бемалол инкор этаверинг. Мен фақат огоҳлантириб қўймоқчийдимки, ажнабий сўзларни кўп тилга олаверганим сайин, баъзиларга ўхшаб сизнинг ҳам менга эҳтиромингиз тобора ошиб боравермасин. Қалай, келишдикми? Ранжиш йўғ-а. Ҳовончани ағдарсангиз қаттиқ юки қолгандай, олимлар орасида юравергандан кейин истасанг-истамасанг тил ўз-ўзидан бурролашиб, оҳанжамалик касб этиб боравераркан, ука.

Ўтган йили секторимизда «Бош дегустрат-диагностика» — БДД деганкибер-робот ишга тушди. Мен энди сизга унинг бажарадиган ишини тушунтириб берай.

Дўхтирлар пальпация, перкуссия, аускультация, биопсия методлари бўйича пациентни дастлабки текширувдан ўтказишиб, хасталик симптомлари ҳақида маълумотларни тўплаб қўйган бўладилар. Бунга қадар эса сфигмограф деган машина беморнинг юрак-томир ҳаракатларини, электроэнцефалограф эса миёдаги электр потенциалларининг ўзгаришини қайд қилиб берган бўлади.

Шундан сўнг бемор махсус кабинага кириб, инерт газини тўлдирилган ўнга яқин қолбага навбати билан пуфлаб чиқади. Қолбалар оғзи дарҳол автоматик тарзда кавшарланади. Сўнг хроматограф деган аппарат қолбалардаги ҳавонинг кимёвий таркибини аниқлайди, масспектрограф эса структурасини. Ниҳоят, барча маълумотларни олган БДД ҳисоблаб, таҳлилдан ўтказиб перфокартага ёзиб чиқаради. Пайқагандирсиз нимани ёзиб чиқишини? Тўппа-тўғри, диагнозни.

Каминанинг юмуши, укажон, ана энди бошланади. Ҳавосини доим мўътадил сақланувчи, дерматин қопланган эшигига «Бегоналар кириши қатъиян маън қилинади!» деб ёзилган чоғроққина лаборатория бор. Шу ерга кириб, юмшоқ креслода нафас ростлаб олгач, домлам ўргатган аутотренинг машқларини бажараман. Мускулларим бўшаганини, вужудим заррача хоҳишимга бўйсунувчи енгил, пластик жисмга айланганини сезганим заҳоти фикримни чалғитмаслиги учун чироқни ўчираман. Бу — шартли сигнал. Девордан ав-

томатик қўл чиқиб БДД текширган колбалардан бирини узатади. Мен хидлаб кўраман. Сўнг махсус машина вакуумда сақланадиган эталонларни, бир сўз билан айтганда лакмус қоғозларини менга бир-бир тута бошлайди. Хуллас, тўрт юзга яқин эталон ичидан бирини танлашим керакки, токи унинг ҳиди колбадаги билан бир хил бўлсин. Мана шу мен қўйган диагноз бўлади... Тўғри топдингиз, ука, ҳар бир эталон фақат маълум бир хасталиккагина хос бўй таратади.

Кўриб турибсиз, ишим сиз ўйлагандай мушқу анбар хидлаб, гулзор ичра сайр этиб юришдан иборат эмас...

Худога шукр, шу кунгача қўйган диагнозларимнинг тўқсон етти ярим фоизи тўғри чиқди, БДДнинг фойдали иш коэффиценти эса ҳалига довур яримдан ўтолгани йўқ. Қаранг, баъзан табиатнинг саховатига чегара бўлмас экан...

...Сабабими? Энди, ука, сабабини айтаверай дейман-у, аммо ҳар қандай мислсиз туюлган мўъжизаям сири ошкор этилгандан сўнг бир пулга қиммат кўзбойлоғичликка ўхшаб қолади-да. Қўйинг, ука, кўнглингизга олманг, ҳазиллашдим, бу гап ҳам асли ўзи меники эмас, Холмс деган изқуварники. Ҳа, майли, укажон, сазангиз ўлмасин, мен қарталарни очиб ташлай, ҳали гапимнинг бошида поездни шпаллар орасига ҳақиқатни тўкиб кетаётган тавбахонага бекорга ўхшатмадим, ахир.

Хуллас, дарҳол масаланинг илмий томонига ўтадиган бўлсак, каминанинг бурун бўшлиғи шиллиқ қаватида жойлашган ҳид қабул қилувчи урчуқсимон хужайралар — рецепторлар нормал одамникига нисбатан бир неча баробар кўп бўлиб, миқдор жиҳатидан қуённикига деярли яқинлашиб қолади. Буниси аниқ. Бунинг устига, домламнинг айтишига қараганда, менга келганда табиат фақат атавизм ҳодисасини намоён қилиш билангина чекланмасдан, бир йўла «ол, қулим» деганмиш-у, баъзи соч толаларимни антенналарга айлантириб, уларга сон-саноксиз сенсиллалар ўрнатган эмиш. Ўзимга қолса, буниси энди ортиқча-ёв...

Тушунтиролдимми, ука? Қўйинг, «йўқ» дейишга гурурингиз йўл бермаётгани сезилиб турибди. Умуман, ука, энди буям бир мулоҳаза-да, сиз ҳам балки эътибор бергандирсиз, мен эса аллақачонлар амин бўлганманки, замонамизнинг бир кўп одамлари, дейлик, паратолуо-сульфо кислота», «резорциномочевинофоормальдегид-

ноалкидноизоцианат» сингари тилни бураб юборадиган сўзларни киприк қоқмай айтиб ташлайверадилар-у, оддийгина «билмадим...», «тушунмадим...», «йўқ...»ларни айтиш керак бўлиб қолганда бамисоли соқовларга айланиб қоладилар ёки шундай ноаниқ гўлдираб қўядиларки, нима демоқчи бўлганлари бир худога аён. Бу гапни дарров ўзингизга олиб, моҳпора қиздай қизариб кетаверманг-да, ука, айтдим-ку, бу умумий мулоҳаза деб, ҳаёт эса, укам, Достоевский айтганидай, хусусийликлардан иборат.

Майли, қуруқ гап қулоққа ёқмас, мингта «сиз-биз»дан битта «жиз-биз» афзал. Хў-ўш, купега кирган заҳотингиз айтмоқчи бўлгандим-у, аммо истиҳола қилгандим, жомадонингиздаги олмаларнинг бир-иккитаси заҳа еган, олиб шамоллатинг: хў-ўш, бугун «Шипр» совунида ювинибсиз, хў-ўш, Тошкентнинг «Лада» шампунини ишлатибсиз, нимаям дердик, булғорларнинг муаттар шампунлари пештахталардан йўқолганидан буён ноилж борини кўзга суртиб олаяпмиз-да, лекин атир Риганики, «Дзинтарс» фирмасиники экан, хў-ўш, бугун дазмол қилаётиб кўйлакними, майканими, ишқилиб, пахталик материални куйдириб олган кўринасиз, хў-ўш, камзулингизнинг кўкрак чўнтагидан чарм ҳиди келаяпти, соатбоғ бўлса керак-а, топдимми; хў-ўш, бўйинбоғингиздан чучимаган ёғ ҳиди келаяпти, билмадим, тасодифан қозон ёнига бориб қолганмисиз, ё Овруполикларга таассубан овқатниям бўйинбоғингизни ечмасдан тайёрлайсизми, қимирламанг-қимирламанг, хў-ўш, ий-е, кузатгани чиққан қизни бир бор бағрингизга босиб улгургансиз шекилли-а, мана, ёногингиздан фаранги атирнинг ҳиди гуркираб келиб турибди-ку, соч толасини-ку, гапирмасам ҳам бўлар, хў-ўш, ички чўнтагингизда сигарета бор экан, «Мовий гумбазлар», чекишни яқинда бошлагансиз шекилли, сал намиққанига ҳам эътибор бермабсиз, хў-ўш, қимирламанг-қимирламанг, нафас чиқарингчи, ҳа, топдим, тиш настаси булғорларники экан, «Зефир» шекилли-а, хў-ўш, яна давом этаверайми ё етарлими? Мана шунақа-да... Асли ўзи гапни шундан бошлаб, оғзингизни ланг очиб қўяверсам ҳам бўларди-я, лекин, укажон, энгил обрў қозонишга ишқибозлик давридан ўтганимга, эҳ-ҳе, неча замонлар... ҳозир ҳисоблайман, ҳа, ана, нақ бир ой бўлибди. Шунга довр эса



бунақанги «кўргазмали чиқиш»ларнинг кўпи бошимиздан ўтган.

Ука, домлам мени чекка овулдан топиб келиб, группасига қабул қилганида бир кўтарилганман, бир кўтарилганманки, бурним осмонга етгудай... Бунинг устига, қишлоқчасига айтганда, эшимчага қўшимча деганларидай, ишинг юришиб кетганда қўлтигинга сув пуркаб турувчи ҳайбаракаллачилар кўпайиб қоларкан. Эҳ-ҳе, «феномен... гений... аср мўъжизаси... ренессанс...» қабилидаги ҳушомадли ёхуд бирон манфаат илинжида айтилган қанчадан-қанча мақтовларни эшитмадим, ҳатто беҳад тўлқинланиб кетишиб, мени гуманоидлик тахтига кўтар-кўтар қилишганларидаям навбат сўраётган болакадай эри-иб ўтираверибман денг... Ғарбдаги компаниялардан бирининг вакили Овруро бўйлаб икки ойлик турнега таклиф қилиб қолганда-ку, босар-тусаримни билмай, олим зотини оёқ учида кўрсатиб, ҳўб нағмалар кўрсатганманки, уларни эс-лашга на забон бор, на юз...

Ҳалиям домла Аҳмаджонов бағри кенг инсон экан, жаҳлини ичига ютиб кетаверди. Фақат мени тергашни канда қилмади. Бу эса менга сира ёқмасди. Айниқса, домланинг менга семиз-семиз китобларни ўқишга беравериши, институтга киришга ундайвериши жиғимга тегар, шундай пайтлари у киши кўзимга бало-қазодай кўриниб кетарди! Ахир, ўзини дипломсиз академик санаб юрган «даҳо» учун, айтайлик, «Саломатлик» қомусини ўқиб чиқишдан маъни борми, деб мулоҳаза юритардим... Қомпаниянинг вакили иккинчи маротаба келганида домлам дарғазаб бўлиб: «Бизнинг институтимизда одамлар ишлайди, сизга исковуч този керак экан, марҳамат қилиб циркка боринг ё зоопаркка!» деб бақириб берганида, гўёки у кишига қарши табу эълон қилиб, ҳафталаб ишга бормаган пайтларим ҳам бўлган... Ҳалиям домламнинг асаблари метиндан экан денг, мен бўлганимдами у кишининг ўрнида...

Ҳай, майли, яхшиям у кунлар ўтиб кетди; энди гаининг бўладиганига кўчай.

Бир ярим ойча муқаддам юз-кўзидан ҳаяжонланаётгани билиниб турган домлам мени йўлакда тўхтатиб, қўлимга оғзи кавшарланган найсимон шиша қолба тутди-да, тезда анализдан ўтказиб беришимни илтимос қилди.

Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтиб, ўзим билан

БДД танлаган (бу сафар хулосаларимиз бир хил чиққанди) эталон номерини олдига қўйганимда домла столга қарсиллатиб уриб ўрнидан туриб кетаркан: Сиз экан! Буни қарагин-а, чиндан ҳам сил экан!» деб хитоб қилди оғзи қулоғига етиб.

Биров йиғлаётганини кўrsa кўзи намланиб қоладиган раҳбаримни бу аҳволда кўриб ажабландим: «Сигирингиз эгиз туққандай бунча қувонасиз? Бир бечора бу ёқда силга чалиниб турган бўлса...» дедим иддао билан.

Домланинг «хобби»си тарихни, айниқса Шарқ мамлакатлари ўтмишини ўрганиш бўлгани учунми, у кишининг нутқида биз «архаик» деб атайдиган сўзлар кўплаб учрашига ўрганиб қолгандим. Аммо Аҳмаджонов колбани баланд кўтариб: «Бу идишга табобат илмининг султони ҳазрат Ибн Синонинг муборак қўллари теккан» деганида, мени жумланинг жимжимадорлиги эмас, мазмуни ҳайратда қолдирди.

Хуллас, раҳбаримнинг изоҳларидан маълум бўлдики, Маҳшад яқинида қазув ишлари олиб бораётган археологлар қадимий қалъа харобалари орасидан ўнга яқин найсимон колбалар топиб олишади. Ҳар бир колбанинг қорнига ёпиштирилган қоғозда араб тилида бирон касалликнинг номи, уни даволаш усуллари, керакли дори-дармонлар кўрсатилган экан. Шу колбалардан учтаси бизнинг институтимизга келиб қолибди. Экспертиза дастхатнинг ўн асрлик қадимийлигини аниқлагач, домла бу ишнинг ечимини топишга боши билан шўнғиб кетади. Бахтли тасодифни қарангки, худди шу маҳаллари Яссавий мақбараси ёнидан Ибн Синонинг шогирди Абу Убайд ал-Жузжоний битган хотираларнинг айрим қисмлари топилиб қолади. Хотиралар ўн бешинчи — ўн олтинчи асрларда саводсизроқ хаттот томонидан чала-чулпа кўчирилган бўлса-да, беқиёс илмий аҳамиятга эга бўлиб чиқади. Эски ёзувимизни аллақачонлар мустақил равишда мукамал ўрганиб чиққан домла Туркистонга шошади...

Энди, укажон, агар зерикмаган бўлсангиз, ал-Жузжоний хотираларининг суҳбатимизга алоқадор бир қисмини ўқиб берай. Майлими?

«Букун, тўрт юз йигирма иккинчи санай ҳижрия, сафар ойининг биринчи жумъа куни, намози асрда Исфаҳоннинг Табаристон дарвозаси қошига қўндик. Ҳайтовур Шайх — шояд тангри таоло бундан

кейин ҳам паноҳида асрагай! — шул кунгача дасти дароз амирал мўъминин султон Маҳмуд ибн Сабуктегин Газнавий чангалига тушмай келмоқдайди. Туйқусдан султони мунгасирнинг, тўнгич фарзанди забт этган Исфаҳонга сафар тадоригини бошлаб қолганида фақир ботиниб бул матлабни ўт ила ўйнашмоққа менгаганимда, Шайх қисқагина қилиб: «Кентда қора ўлат», деб жавоб қайтарди...

«Ҳоқимият» отлиг асов тулпорнинг бебақо жилови ўзганинг илкига ўтгани дарвозадаёқ аён бўлди. Амир Масъуд тайинлаган дарвозабонлар ҳақими ҳозиқ Ибн Сино номини эшитиб пинак бузмай турабердилар. Алоҳа, бот-бот талабларимиз, ўтинчларимиздан сўнг чўбдорлар қошига келган сипаҳсолор бизга ўшқирди: «Агарчанд чивинчалик жонларингдан умидларинг бор экан, субҳи содиққача сас чиқармай ўтиринглар, нобакор дарвишлар, билъакс ҳозир чиқиб оёқларингдан дорга осамеи, остларингдан ўт кўямен!»

Шайх маъюс тортиб қолди. Зеро, кишининг сийратига эрмас, суратига боқувчи ақли қўтоҳ сипаҳсолорда эгнимиздаги дарвишона жанда-жундаларимизу ноёб дорулар солинган кўш сандигимиз ортилган ягона ҳақиримиз илми урфон вакиллари эрканлигимизга иштибоҳ уйғотгани равшан эрди.

Олис ва сермашаққат йўлдан соғлигига футур етган Шайх ерга пўстак тўшаб ҳоринг ёнбошлади, мен ёнига чўнқайдим. Сўзламаган эрса-да, чўққи соқолини силаб ўйга толганидан англадимки, устод қора ўлат чангалида қолган Исфаҳон мурдумига кўмак беролмаслигидан озурда.

— Ҳой дарвиш, — хитоб қилди баногоҳ сипаҳсолор юқоридан, — агарчанд сен чин Ибн Сино бўлсанг, бир бечора беморнинг аҳволини кўриб қўймасмисен? Давосини топсанг, бош устига, ичкарига қўюрмен, билъакс, терингга сомон тиқурмен!

Шайх ўрнидан турди.

— Иншоолло, дард берган бирҳақ давосини ҳам бергай.

Сипаҳсолор алланечук сирли қулимсиради.

— Боракалло! Ва лекин, мавлонои замон, бемор шўрлик бир ожиза, менинг жориям, жориям бўлгандаям суюкли жориям. Муслимани номаҳрамга рўбарў этмак эса мусулмончилигга гуноҳи кабир эрур. Банди фақир эшитган эрдимки, ҳақим ҳазратлари учун томир уришига қараб касалликни аниқлаш чапдаст сарбоз учун ёғий калласини сапчадай узиб ташлаш бирлан баробар эркан. Эмди биз бундог қилсак: бул ипнинг бир учини дард оташида олов бўлиб ёнаётган ожизанинг билагига боғласак-да, иккинчи учини сенга ташласак, токи ипнинг тебранишидан дардни аниқласанг.

Шайх эътирозга оғиз жуфтлаб улгурмасдан сипаҳсолор ипнинг бир учини биз томонга отди. Устод, бир неча сониялик мулоҳазалардан сўнг, қатъият ила олдинга юриб, ипни ушлади. Фақир юрагим орқамга тортиб, пешонамни совуқ тер босди. Инчунин, содда авом ҳақими давронни эъозлаб, турли-туман афсоналар тўқиб юргани каминга аён эрди. Ҳар нечук, ўзимни қўлга олиб, устоднинг тиббий достони «Уржуза»дан ўқиганларимни хотирлай бошладим: «Томир уриш турлари-чи, ўн хил бўлур. Ани фақат тийрак киши ёддан билур. Бирламчиси кенгайганда ҳосил бўлур. Ёки ўта ортиқ ё мўътадил бўлур...»

<sup>1</sup> Султони мунгасир — енгилмас султон

<sup>2</sup> Чўбдорлар — соқчилар

Сипаҳсолор — аскарбоши

Қўлида ип ила чуқур хаёлларга толган Шайх алоҳа бошини кўтарди.

— Сипахсолор жаноблари, фикри ожизимча, суюкли жориянгиз бир фурсат бурун тўйиб овқат еган кўринадур, томирининг нотекис уриши шундан далолат берур. Агарчанд, ейилган таом ҳазм бўлмасдан бурун яна томоқ емоққа зарурат йўқдир, илло, ортиқча ейилган таом ўз эгасини ер, беморингиз шу қадар баднафсдирки, ушбу дамда яна иккита сичқон тутиб берсангиз ҳам йўқ демас...

Қийқириқ ва кулгудан борлиқ ларзага келгандай бўлди. Сипахсолор ёмон сўкиниб, ниманидир тегиб юборган эрди, бир пишак... биғиллаб ёнимизга қулаб тушди-ю, жон ҳолатда ўзини қоронгуликка урди.

— Ё ҳаллоқ! — Сипахсолор кўксига туфлади. — Сен воҳиди замон ҳаким ҳазратлари эрмас, маккор шайтони лаин экансен! Бор, йўлингдан қолма, билъақс, кўзларингни ўярмен, ичак-чавоқларингни бошингга салла қилиб ўрармен!..

Эҳтиёти шарт, Шайх иккимиз чеккароқча бориб ўтирдик.

Кўк чехрасида тирқираб чиққан кўз ёшларидай юлдузлар жимирлай бошлашди, тарсо қулоғига тақилган қумуш балдоқдай қамар йилтиради.

— Ассалому алайкум, — деди ногоҳ ёнимизда пайдо бўлган оппоқ соқолли, эски яқтак, кулоҳ кийган, шакли-шамойилидан хунармандга ўхшаш мўйсафид кўл қовуштириб. — Ҳуш келибсиз, сафо келибсиз, ҳакими ҳозиқ Ибн Сино ҳазратлари!

Кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиндик. Ўзини Сайфи мискар деб атаган мўйсафиднинг гапларидан аён бўлдики, шаҳар чиндан ҳам ўлат чангалида, дарвозалар тақа-тақ бекитилган, кўчага чиқиш, ҳамсоялар ила олди-берди қилиш қатағон қилинган, аҳли мусулмоннинг аксарият уламолар раҳнамолигида намози асрдан масжидда оллога теваллолар қилмоқдалар, туну кун хонақоҳдан бери келмай, табаррук ғиштларни кўз ёши ила сўғораётганлар қанча; надоматлар бўлгайким, кўрилган барча тadbирларга қарамай, асосан камбағаллар даҳаларида истиқомат қилувчи аҳоли пашшадай қирилиб кетмоқда. Мўйсафид эса мўъжазгина лаҳимдан судралиб ўтиб, қошимизга келган экан.

Шайх чуқур ўйга толди.

— Иншоолло, тангри мададкор бўлса, тонг бирлан шаҳар тупроғига пойимиз тегса, эрта-бурускун бул офатнинг дамини кесмоқ чора-tadbирини топурумиз.

— Илоё айтганингиз келсин, бошимизга тушган бул балойи азимдан бизни ҳалос қилинг. Омин! Ҳаким ҳазратлари, — деди кўзига ёш олган мўйсафид алақандай ботинмайгина, — олти ойдан ошиб қолди, суюкли волидайн муҳтарамамиз оғир хасталар. Биз асли иқлими муътадил, баҳаво, жаннатмакон Журжон вилоятданмиз, авлодимиз соғлом, умрузоқ, саккиз-тўққиз мучал айланиб келишига шохид бўлмоқ биз учун одатий ҳол. Бироқ, не бало урдиким, волидамиз етмишдан ошиб-ошмай бундоқ дардга дучор бўлиб, кулбаи вайронамизда ер билан битта бўлиб ётибдур.

Шайх хасталик белгиларини сўраб-суриштиришга тутинди.

Алоҳа, Шайх сандуқни очиб, мўйсафидга керакли дорулар ўрнига иккита найсимон шиша бердики, ўз шогирдлик фаолиятимда устоднинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати, ирод этилажак каломи аввало мулоҳаза тарозисида мисқолига қадар ўлчаб кўрилганлигига имон келтирганмидан, оғзимга сукут талқонини солдим.

— Бул идишларга волидангиз уч-тўрт бор пуфласинлар, сиз шу

заҳоти буларнинг оғзини кавшарланг-да, каминага қайтариб олиб келинг.

Мискар — олло унинг заҳматлар юкини енгил қилгай!— Фаросат меваларидан баҳраманд бўлгон эркан, қуллуқ қилганча бир сўз демай лаҳим томон кетди.

Фикр уммонига шўнгиганча, мўъжизалар дуруру жавоҳирларини тераётган устод ўз-ўзига сўйлангандай, оҳиста деди:

— Шахарга тоза ҳаво, доривор ўт-ўланлар, турфа мева-чевалар зарур. Иштибоҳ йўқки, ўлат ўзининг сафрога тўла вужудини судраб олис-олисларга етиб боролмаган бўлурди, агарчанд кўзга кўринмас, майда ҳайвонотлар унинг қанотига айланиб, бир неча сониялар ичинда фарсах-фарсах масофаларни босиб ўтиб, жамики тирик жонга ани юктириб юрмаса...

Шайх анча вақтгача пичирлаб мулоҳаза юритиб ўтирди. Мен эса у кишининг бир рубойисини ёдимга олдим:

*Қаро ер қаъридан то авжи Зуҳал—  
Коинот мушкулун барин қилдим хал.  
Кўп мушкул тугунни англадим, ечдим.,,  
Ечилмай қолгани биргина ажал.*

Бироқ табиатан хоксор Шайх бот-бот ўзга бир рубойисини тилга олишни яхши кўрарди:

*Ҳеч бир гап қолмади маълум бўлмаган,  
Жуда оз сир қолди мафтўн бўлмаган.  
Билимим ҳақида чуқур ўйласам,  
Билимжи ҳеч нарса маълум бўлмаган.*

Сайфи мискар қайтиб келди.

Шайх шиша найларнинг кавшарини эҳтиёткорона синдириб, ди-моғига яқин олиб борди-да, уч-тўрт қур ҳидлаб кўрди. Сўнг, одатига кўра, бир фурсат ўйланиб тургач, илдам бориб сандуқдан керакли доруларни олиб мискарга узатаркан, сабри шарбати, шакардан қилинган гулқанд, назли ўти, қовун уруғининг қайнатмаси, карафс уруғини қандай ишлатиш лозимлигини уқтира борди...

Орадан кўп йиллар ўтиб, белни қувват, танин мадор тарк эта бошлагач, умр шоми яқинлашганини, шами шабистон сўнг бор липиллаганини, дорил бақодан дорил фанога сафар муддати яқинлашганини сезганим онлари норизо кўнглимда бир ўй пайдо бўлдики, тиб илми осмонда чақнаган чақмоқлар — умри қисқа бўлса-да, борлиқни ёритган саодатманд дақиқалар — Шайх илк бор қўллаган бемор нафаси орқали хасталикни аниқлаш ва шул сингари ўнлаб усуллар букунги гумроҳ салафлар хотирадан ўчиб кетмасикин, орадан ўнлаб, юзлаб, балки минглаб йиллар ўтиб, мен битган хотира-лар йўқлик салтанатига парвоз қилганда, қай бир тийрак авлодлари-миз буларни боз кашф этиб юрмасмикин... Эй тангрим, устод Шайх

---

Ибн Сино юқумли касалликларни кўзгатувчи микроблар («кўзга кўринмайдиган майда ҳайвонотлар») борлиги ҳақидаги фикрни Пастердан деярли саккиз аср муқаддам илгари сурган.

ур-раис қолдирган бебаҳо, табобат илми осмонини абадул-абад мунаввар қилурга қодир мерос авлодлар тасарруфиға зиён-заҳматсиз етиб бормоғининг иложини қилгайсен...

Бул оқшом эса кавшарланган шиша най кўтарганларнинг кети узилмади. Доруларимиз соб бўлгандан кейин Шайх идишлар қорнига хасталикнинг номини ёзиб, керакли дору-дармонларни, уларни қўллаш усулларини мухтасаргина ёзиб бера бошлади.

Субҳи содиқ юзларига ниқоблар тутган чўбдорлар амир Маъуд фармонини дастак қилишиб, бизни шаҳарга бошлаб киришди.

Шаҳар мотам сукутида эди.

Нақши жаҳон майдонига яқинлашганимизда йўлнинг майитлардан тозаланишини кутиб бир фурсат туриб қолдик. Қайдандир шарпасиз сирғалиб чиққан Сайфи мискар чўбдорлар кўзини шамғалат қилиб Шайхга бир ҳовуч най узатди. Шайх аларни бир-бир ҳидлаб, ҳар бирининг қорнига елимланган қоғозга шоша-пиша нималарнидир ёза қайтариб берди.

Шунда ... таъзим ила ортига чекинаётган мискар эҳтиётсизлик боис бир тошга қоқилиб кетган эди, ялт этиб ортига ўғирилган сипахсолор бир онда қиличини яланғочлади-ю...

Чўбдорлар жиловини ушлаб олган арабий отда ўтирган Шайхнинг кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди...»

«Ҳаволаниб кетсанг қабристонга бор», дейди доно ота-боболаримиз. Ҳақ гап.

«... ёки ота-боболарингни, буюк аждодларингни эсла», дейман мен қўшимча қилиб. Бунинг самарасига ўзим кафиллик бераман, чунки ўзим тирик гувоҳман...

Шунақами? Дарров манзилингизга етиб келдингизми? Афсус, афсус, сизга ҳали кўп нарсаларни гапириб бермоқчийдим. Нимаям дердим.

Хайрлашиш олдидан биттагина насиҳат айтсам майлими? Имкон борича тез-тез аждодларингизни эслаб тулинг, шунда қоқинмайсиз... Ўзи одамзод деганлари мозийга қараб туриб келажакка қадам ташлайди... Шунақа.

Менми? Э, укажон, бундай ўйлаб қарасам, Ўзбекистонда яшаб туриб ҳалигача Афшонани зиёрат қилмаган эканман. Ҳечдан кўра кечи яхши дедим-у, йўлга чиқдим. Сизниям олиб кетай... Майли, укажон, хижолат бўлманг, биламан, турмуш ташвишлариям оғир юк, унча-мунча одамни эзиб қўяди... Лекин бир иложини қилиб вақт топинг-да, албатта Афшонага боринг, ҳазрат Ибн Сино таваллуд тонган табаррук тупроқни тавоб этиб кўзга суртинг...

Саломат бўлинг, укажон...

**МУНДАРИЖА**  
**АБДУРАҲМОН ҚАРИМОВ**  
*(фантастик қиссалар)*

Қаро кўзим . . . . .	6
Аллома иблнинг хатоси . . . . .	55

**АБДУҚАЮМ ЙЎЛДОШЕВ**  
*(фантастик ҳикоялар)*

Учинчи номзод . . . . .	96
Профессор Хакимов тажрибаси . . . . .	108
Шейх Ур-раис . . . . .	116

Адабий-бадий нашр  
Литературно-художественное издание  
На узбекском языке  
АБДУРАҲМАН КАРИМОВ

ЧЕРНООКАЯ  
АБДУКАЮМ ЮЛДАШЕВ  
ШЕЙХ УР-РАИС

Фантастические повести и рассказы

Такризчилар — Гани Жаҳонгиров, Тоҳир Малик

Муҳаррир Шавкат Туроб  
Мусаавир Б. Холмирзаев  
Расмлар муҳаррири Р. Зуфаров  
Техник муҳаррир Ж. Надинова  
Мусахҳиҳ С. Сайдолимов

ИБ № 2739

Босмахонага берилди 18.01.90. Босишга рухсат этилди 16.05.90 P-07777. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. № 2 Босма қоғозга Общественно-новая гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма листи 4,0. Шартли босма листи 6,72. Нашр листи 6,68. Шартли кр.-отт. 7,14. Тиражи 30.000. Буюртма 2637. Шартнома № 134—89. Баҳоси 40 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти. 700113. Тошкент.  
Чилонзор мавзеси, 8-квартал, Қатортол кўчаси, 60.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг  
Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.  
Тошкент, «Правда» газетаси кўчаси, 41.